Shoiraning qator asarlari sharq mumtoz adabiyotining fikr mag'zi – haqiqiy yor (Alloh taolo) vasfini kuylash konsepsiyasidan ayri emas. "Ki, tavhid jomi islomdin no'sh etduk" – deya e'tirof etgan turkum she'rlarida, jumladan, "Gunohim avf etib...", "Xudoga bandalik shuldur...", "Yo, Rab", "Muhammad Mustafo sha'niga...", "Qilmag'il", "Judo", "Eshit", "Ikki olamda erursiz..." kabi g'azal, murabba', muxammaslarida e'tiqod va tavhid, Rasulullohga muhabbat g'oyasi munojot hamd va na't tarzida keladi. Zebunnisobegim orif shoira sifatida xalqni turli dahshatlar bilan qo'rqitib emas, Allohning lutfu karamiga umid qilib, uni sevishga da'vat etadi; Haq taolo hukmlarini muhabbat bilan ado etishga chaqiradi. Inchunin, payg'ambarimiz (s.a.v.) bir hadisi shariflarida: "Din ahkomlarini xalqqa oson qilib ko'rsatinglar, qiyin qilib ko'rsatmanglar. Ularga Allohning va'dalarini gapirib bashorat beringlar, azoblaridan ko'p gapirib, bezitib qo'ymanglar!"<sup>7</sup> - deya marhamat qiladilar. Shoira ham xolis Alloh uchun ibodat qilishlikni, yaxshi amallar bilan umr daftarini bezashlikni va shu bilan ikki dunyo saodatiga erishib, mahshar kuni yorug' yuzli bo'lish mumkinligini uqtiradi. Hazrati payg'ambarga cheksiz hurmat bilan "Umidim shul qiyomatda-shafoat osiy ummatga" deya ilinjda bo'ladi. Yoki, "Muhammad ummatiga rahmati Haqdin bashorat bor..." deya

<sup>7</sup> У.Уватов. Муслим ибн ал-Хажжож. –Тошкент: 1995. 61-бет.





mujdalar beradi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, Zebunnisobegim ancha dardli she'rlar yozgan":

*Man az dahani mor shakkar metalabam,*

*Az xonai ankabut par metalabam.*

*Az sinai narrasher shir metalabam,*

*Az mardi barahnapoy zar metalabam.*

*(Ma'nosi: Men ilon og'zidan shakkar talabman,*

*O'rgumchak inidan men par talabman.*

*Erkak sher ko'ksidan sut talab qilsam,*

*Oyoqyalanglardan siym – zar talabman).*

kabi misralarida mehru shafqat, o'zaro oqibat tushunchalarini targ'ib etib, "Shod etgil har kishini bu tiriklikda mudom, tashla dilozorlikni" - deya, "sangdillar" ga tanbeh beradi. "G'alat", "Qayu jonlik...", "Qadrini" kabi g'azal va taxmislarida mutafakkir sifatida bu dunyo behaligidan shikoyat, inson umrining g'animatligi va shu umrni faqat ezgulik, yaqinlarga muhabbat, miskinlarga muruvvat, ilmu amal birligida toatu taqvo bilan o'tkazish kerakligini falsafiy mushohada qilsa; "Bir nechalarining fikru yodi mol yig'moqdur", "Har kimni etma g'iybatin" kabi misralarida esa mol-dunyoga mukkasidan ketgan johil, fosiq, g'iybatchi, himmatsiz, takabbur, ilmga e'tiborsiz kimsalarni qattiq qoralaydi. "Fisqu isyon etgali, ey banda, Allohdin uyol!" - deya o'git berib, "Ey yaxshilar, tarki jaholat aylasanglar-chi!" - debon xitob qiladi. Va u Alloh taolo mukarram qilib insonni yaratganiga shukrona keltiradi:

*Shukri behad o'zga qilmay, bizni inson ayladi...*

Avvalo, shoiraning o'zi – amali solih, xushxulq kishi sifatida o'zgalarga o'rnak bo'lganligini hayotiga daxldor ayrim lavhalardan ko'rish mumkin. Umuman olganda, Zebunnisobegim ma'rifat hosil etgan orif zot sifatida ko'plab she'rlarida Qur'oni Karim va Hadisi Sharifga murojaat qiladi, ishoratlar beradi. Shu bilan birga:

*Hayf bar ammomai zohid ba chandin pechutob,*

*Rishtai tasbeh gashtu tori zunnore nashud*

deb, o'gitlaydi. Ammo, ko'pgina bilimlarga ega bo'lgach, ibodatiga ishonib kibrlanguvchi kishilarni tanqid etadi. Chunki, ilmli bo'laturib amal qilmaslik va ilmiga kibrlanish, toatu ibodat qilaturib yomon fe'llarni tark etmaslik va o'zgalarga ozor berish mo'minlarga xos emas. Olimligiga havolanib, toatlarga bino qo'yib kibrlangan azroil marhamatdan sivo (ayri) bo'ldi; ya'ni iblis alayhillanaga aylanib, shayton bo'ldi.

*Shoira Zebunnisobegim:*

*Har matoero xaridorest dar bozorho,*

*Pir shud Zebunniso, o'ro xaridore nashud.*

deydi-da, "Shoh qizi bo'lsam-da, qildim faqir yo'lini ixtiyor" misrasi bilan zamin kabi vazminlikka va sabrga chorlaydi. Chunki, odam aslanu naslan tuproqqa oiddir: tuproqdan yaralgan va tuproqqa qaytadi!

Shoira bu taxlit asarlarida "ibodat", "toat", "taqvo" so'zlarini ko'p takrorlagani ham kishi diqqatini tortadi. Misol uchun, ibodat<sup>8</sup> kalimasini qo'llashda, ilmi irfon sohibi Zebunnisobegim faqat rukniy amallarnigina nazarda tutgan emas. Balki, uning ma'rifiy mohiyatiga urg'u bergan. Chunonchi, Muhammad (s.a.i.) ning "Ilm – ibodatdan afzal va u taqvo dinning ustunidir", deyilgan hadislari bor<sup>9</sup> va bu xususda hujjatul-islom Imom G'azzoliy (r.a.): "Ey farzand, ilm olishdan murod – toat-ibodat mohiyatiga erishmoqdir. Bilgilki, toat-ibodat yaxshi va yomon, go'zal va xunuk, halol va xarom ishlarda, so'z va amalda shariatga ergashmoqdan iborat",<sup>10</sup> – deya ta'kidlaydi.

Shunga ko'ra shoira qalb sofligi, dil pokligini tilaydi: Ibodat nuri birlan qalbimiz mir'ot qil, yo Rab!

Ya'ni, qalb go'zal amallar natijasida hosil bo'lgan nur tufayli, Haq tajalliysini aks ettiradigan oyna bo'lsin. Chindan ham pokiza niyat!

Yoki, bir necha asarlarida takrorlangan "Hijrat" mavzusini olaylik. Ijodkor "ko'chish" ma'nosida keluvchi bu kalimani

<sup>8</sup>Ибодат – 1) бўйсуниб, итоат этиш; 2) Аллоҳга сифиниш; 3) диний расм-русум, удумлар. Арабча-ўзбекча бошланғич луғат, 383-бет; Арабско-русский словарь. Том 2, С.33.

<sup>9</sup>Ҳадислар. –Тошкент: 1991. 95-бет.

<sup>10</sup>Охиратнома. –Тошкент: 1994. 12-бет.



ham ko'p holda istiloh sifatidagi mohiyatiga ishora etgan. Negaki, yana bir hadisda: "...Hijratning ikki xil ma'nosi bor: 1. Vatanni tark etish; 2. Haromdan halolga ko'chish"<sup>11</sup> – deyiladi. Fikrimizcha, irfon sohibasi Zebunnisobegim bu asarlarida ko'proq ana shu ikkinchi ma'noni ko'zda tutgan. Bu va boshqa yuksak insoniy fazilatlarni ulug'lovchi, komillik sari undovchi g'oya shoira ijodining mag'zi-mag'ziga singib ketgan. Zeroki, Zebunnisobegim ijodida muhim o'rin tutgan, tasavvufiy-orifona mavzudagi asarlarning maqsad va g'oyasi inson kamoloti ekanligi ayon.

Zebunnisobegim she'riyatidagi etakchi mavzulardan yana biri ishqdir. Uning bu mavzu va g'oya aks etgan asarlari lirik xarakterdagi va ishq ilohiy tasvirlangan she'rlaridir. Majoziy ishq tarannumi esa shoirning ko'pgina asarlarida o'ziga xos tarzda bayon etilgan. Aytish lozimki, uning ayrim she'rlarida iloh va majoz tushunchasi uyg'unlashib ketgan. O'z davri adabiyotida Zebunnisobegimning majoziy ishqni vasf qiluvchi asarlari originallik kasb etgan. "Bo'lmoq shunchalar", "Laziz", "Qildi", "Koshki", "Olamda monanding saning", "Yo'q", "Kel", "Oxtarur" radifli g'azallari ana shular jumlasidan.

Shoira ISHQ istaydi. Muhabbat sharbatini esa "Xudovando, nasib etgin saqqohimning sharobidin" – deya, o'tinadi. Ishq yo'lidagi riyozatu malomatlariga tayyor, shu bilan birga:

*No'sh etar ushbu jahonda kim muhabbat sharbatin,*

*Xalq aro xomush bo'lub, ahli fanoni oxtarur -*

fikrida, "ahli fano" ni, ya'ni o'zidek "daryoi muhabbatga cho'mgan"larni izlaydi. fano – yo'qliqdir; tasavvufda "o'z borlig'idan kechmoqlik"<sup>12</sup> ma'nosida keladi. "Fano ahli" esa, ishq yo'li (tariqat)dagi oshiqqlar. Ular Haq nuri-tajalliysidan bebahra emas. Bu foni duniyoda shu nurni bir-birlarida ko'radilar va ma'shuqqa "u", ya'ni "majoz" orqali shaydo bo'ladilar. Majoz – insonga bo'lgan pok

muhabbat nihoyasida HAQ ishqiga vosil bo'lmoqlikdir. Bu turli ramzlar, ishoralar, voqea va rivoyatlar orqali sharq mumtoz adabiyotida izohlangan. "Majoziy obrazlar ustunlik qilgan she'rlarda, hatto, shoirning o'zi ko'zlagan yoki o'ylaganidan ham ancha ko'p va keng mazmun aks topadi"<sup>13</sup>. Umuman olganda, turli she'riy san'atlar, ayniqsa, talmeh orqali timsollar bilan fikrni to'laqonli asoslash mumtoz adabiyotimiz ijodkorlari uchun xos. Masalan, bu xususiyat Navoiyning:

*Ishq agar komildurur mashuqni mahkum etar,*

*Bo'lmayin Mahmud, bo'lmoq istama yoring Ayoz.*

*Gar Navoiy yig'lasa, ishqing majoziydur dema*

*Kim, nazar pok aylagach, ayni haqiqatdur majoz -<sup>14</sup>*

misralarida Mahmud G'aznaviy va Ayoz qissasiga ishora orqali berilgan. Bu qissa majoziy ishqni talqin etuvchi eng mashhur qissalar sirasidan hisoblanadi<sup>15</sup>. Mazmun va mohiyatan o'zaro yaqin bu kabi she'rlarda "ishqi ilohiy"ga etishishdan avval "ishqi majoz"ni o'tamoq lozimligi va buning o'zi "ayni haqiqatga" yaqinligi nazarda tutiladi. Bunday qissa-afsonalarga murojaat ko'plab mumtoz shoirlar ijodida uchraydi. Lekin, aynan "Mirzo Hamdam qissasi"ga munosabat-ishoratni, o'sha davr adabiyotida faqat, Zebunnisobegim she'riyatidagina ko'ramiz.

*Necha donolarni nodon ayladi ishqij majoz,*

*Yorning ko'yida sarson ayladi ishqij majoz -*

deya boshlanuvchi g'azali ana shunday asarlar jumlasidandir.

To'qqiz baytli mazkur g'azalning deyarli har bir baytida biror bir afsona, rivoyat, doston, tarixiy voqeaga ishoralar bor. Talmeh san'ati vositasida Layli va Majnun, Farhod va Shirin, Vomiq va Uzro, Tohir va

<sup>13</sup>И.Хаққул. Ирфон ва идрок. –Тошкент: 1998. 26-бет.

<sup>14</sup>Алишер Навоий. МАТ. 4-жилд. Наводир уш-шабоб. 147-бет.

<sup>15</sup>Алишер Навоий. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. 290-291-бетлар.

<sup>11</sup>Хадислар. 69-бет.

<sup>12</sup>Яна, фанофиллох – кулнинг зот ва сифати  
Хақнинг зот ва сифатида йўқ бўлмоғи.



Zuhro, Shayx San'on, Ya'qub (a.s.) hamda uning o'g'li Yusuf (a.s.) va Zulayho qissalariga murojaat qilingan. G'azalning maqtaida esa Mirzo Hamdam qissasi yodga olinadi:

*Ey Zebunniso, Mavlaviy Jomiy bila Hamdamni ko'r,*

*Ul Husayn Mirzoni tug'yon ayladi ishq majoz.*

Qissa o'tmishda "Qissai Mirzo Hamdam va Mavloni Jomiy", "Qissai Mirzo Hamdam va latofati Jomiy" va "Qissai Mirzo Hamdam" nomlari ostida mashhur bo'lgan.

Mazkur qissada Abdurahmon Jomiy, Husayn Boyqaro va Mirzo Hamdam ishtirokidagi ajib tarovatli nafis majlis-she'rxonliklar, insonning insonga (va u orqali yagona Allohga) bo'lgan chin va samimiy muhabbati aks etgan. Uning ba'zi variantlarida, hatto, Alisher Navoiy timsoli (obrazi) ham uchraydi.

Shoira haqiqiy pok muhabbatni tarannum etib, ma'rifatga erishmoq istaganlarni ishq yo'lga da'vat etadi:

*Ishq yo'li birla kim tariq etsa, haqiqatga etar,*

*Ma'rifat hosil etolmasdur, muhabbat bo'lmasa.*

"Shoira kalomidagi ishq va uning manbalari qaerdan? – degan haqli savol tug'iladi. Imom G'azzoliy (r.a.) ishqqa shunday ta'rif beradi: "Sevgi – inson tabiatining zavq olgan bir narsasiga mayl qo'yishidir. Buning quvvatli shakli – ISHQ deyiladi". Muhyiddin ibn al-Arabiy (r.a.) ham sevgi maqomining to'rt ismini keltiradi va shulardan biri ishqni shunday ta'rif etadi: "ISHQ – muhabbatning ifroti, ya'ni sevgining oshirilishi. Yoki ortiq bir darajaga yetishgani sevgidir". Haqqa bo'lgan muhabbat esa ishq lohutiydir. Ishqi Ilohiy, Ishqi Haqiqiy, Ishqi Ma'naviy kabi ta'birlar ham janobi Vojibul vujudga doir shiddatli muhabbat va sevgini ifodalaydi. Shunga ko'ra, asl ishq – Allohdan va Allohgadir!

Zebunnisobegim g'azalidagi majozga kelsak, kalima o'laroq [arabcha (o'tmoq) fe'lidan yasalib] (majoz) – "o'tadigan yer", "yo'l" ma'nosidadir. Boshqacha izohlash,

obrazli ifoda, metafora ma'nosiga ham ega<sup>16</sup> ("g'ayri haqiqat", "ziddi haqiqat" mazmunida ham kelishi mumkin)<sup>17</sup>. Adabiyotshunoslikda esa, haqiqiy ma'nosi bilan emas, unga o'xshash boshqa bir mazmun yoki istalganini eslatadigan biror kalima bilan atamoq, istalganiga o'xshash bir ma'no ifodasidir. Naql etishdagi munosabatga "aloqa" – deyilib, aloqasi tashbeh bo'lgan majozlar istiora (ko'chma ma'no), boshqa bir turli aloqasi bo'lganlar esa majozni mursaldir. (Majozni mursalning ham bir necha turi mavjud). Shoira she'ridagi majozdan murod esa – istioradir. Anglashilganidek, ma'shuqqa bo'lgan muhabbat aslida shu ma'shuqani yaratguvchisiga bo'lgan majoziy ishq ekan.

"Inson hissiyot olami vositasi bilan ma'no olamini idrok qiladi, boshqacha qilib aytganda, nisbiy haqiqat mutlaq haqiqatni bilishga olib boradi"<sup>18</sup>. Badiiy tarzda bu mavzu haqida hazrat Navoiy aniq qilib shunday yozadilar:

*Majozdin manga maqsud erur haqiqiy ishq,*

*Nedinki, ahli haqiqatqa bu tariqat erur.*

*Majozdin chu haqiqatqa yo'l topar oshiq,*

*Qilur majozni nafy ulki, bahaqiqat erur*<sup>19</sup>

Ushbuni eng go'zal tarzda ifodalovchi hazrat Bahouddin Naqshband (q.s.) va boshqa naqshbandiy shayxlaridan naql etilgan: "Al-majozu qantarot ul-haqiqat" (majoz haqiqatning ko'prigidur) hadisi<sup>20</sup> mashhur. Muhammad Sayid Amir Umarxon (1787-1822) o'z devoni debochasida nazokat va shoirona ta'b bilan majozga shunday izoh beradi: sarmashq esa Parvardigor qudrati

<sup>16</sup>Арабско-русский словарь. Том 1. С.138; Арабча-ўзбекча бошланғич луғат, 192-бет.

<sup>17</sup>Фарҳанги забони тоҷики. Жилди 1. С.680.

<sup>18</sup>А.Рустамов. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. – Тошкент: 1985. 131-бет.

<sup>19</sup>Алишер Навоий. МАТ. 6-жилд. Фавойид ул-кибар. 512-бет.

<sup>20</sup>Мақомоти Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. - Истанбул, 1328. 144-саҳ.; Баҳоуддин Балоғардон. - Тошкент, 1993. 28-бет; Ё.Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, 21-бет; Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. 4-жилд, 250-бет.



bilan yaratilgan aziz va mukarram inson hamda unga bo'lgan muhabbat tasviri – ishq majoz nomi ostida mumtoz adabiyotimizda kuylandi. Shoir Zebunnisobegim ijodi ham shu an'ana asosida rivojlandi. Shoiraning o'z davri uchun xos bo'lgan yo'sindagi, xalq tili va diliga yaqin she'rlari badiiy obrazlilik hamda tarovati bilan o'quvchi ko'z o'ngida namoyon bo'ldi. Zebunnisobegim ustoz Navoiy kabi, asarlarida majoziy ishqsiz haqiqiy ishqqa yetib bo'lmasligi haqidagi g'oyani olg'a suradi. Shoir:

*Ishq ahli ta'nai zohidlara parvosi yo'q,*

*Majnun emasdur, o'shal oshiqni ham Laylosi yo'q –*

deya boshlanuvchi g'azalida yana o'sha qissani esga tushiradi va majoz vositasidagi ishq har kimga ham nasib etavermasligini ta'kidlaydi:

*Har nechuk olimni ko'rsangiz, ani Jomiy demang,*

*Mirzo Hamdamdek ajab ma'shuq ham barnosi yo'q.*

Qissada keltirilishicha, Mavlaviy Jomiy (Hirotdagi) madrasada talabalarga dars berardi. Bir kuni Samarqanddan kelgan qalandar mazkur shahardagi Husayn Boyqaroning ma'shuqi Mirzo Hamdam va u haqidagi sho'rishu g'avg'olar to'g'risida xabar beradi. Jomiyda Mirzoga nisbatan g'oyibona muhabbat hosil bo'lib, Samarqand sari yo'l oladi va Mirzoning "jamoli" hamda "suhbatiga" musharraf bo'ladi<sup>21</sup>. Zebunnisobegim aytmoqchi, qissada ta'riflangan Jomiyda ishq amal bor edi. Faqat Mirzo Hamdam (visoli)ga yetishgach, bu ishq takomilga erishdi:

*Kim majoz o'tig'a kuymaydi – ul oshiq emas,*

*To, Zebunniso, har kishida yorning savdosi yo'q.*

“Demak, majoziy ishq ilohiy ishqni kuchaytiruvchi, tezlashtiruvchi vosita”<sup>22</sup> ekanligi shoir misralaridan ayon. Zebunnisobegimning ishq majozni ta'rif etishda bot-bot, zikr etilgan qissaga murojaat etganligining sababi nimada?

Fikrimizcha, bu qissada majozga nisbatan muhabbat va u orqali Ilohga bo'lgan ishqning sodda va xalqona tasviri mujassamligidir. Xalq kitoblaridan yaxshi xabardor bo'lgan shoir bunga bee'tibor qolmagan, albatta. Qissadagi Jomiy timsoli ham bunga yetakchi omil bo'lgan, deyish mumkin.

Zebunnisobegim majoz ishqiga munosabatini ta'kidlangan misralarda izohlagan bo'lsa-da, bu mavzudagi aniq fikrini, aytish mumkinki, o'z konsepsiyasini mashhur Shayx San'onga ishoratlar bilan ifodalaydi:

*Zebunniso, Vomiqu Farhod birlan o'zni teng tutmay,*

*Taqib zunnori ishq, o'shal Shayx San'onimni yod ettim –*

U o'z ishq savdosiga ishoratlar qiladi:

*Tushub boshing'a savdo, kimsaga izhor etolmasman,*

*Bu sirni maxfiy aylab yurmoqqa qolu balo bois.*

Satrlardan shu ma'lum bo'ladiki, majoziy ishqqa sabab, “parivash”, “qamartal'at” yuzning olamga oshkor bo'lishi va yurakdagi ishqning jo'sh urmog'i, ammo, bularning hammasi sir chunki bu azalda, ya'ni “qolu balo”da taqdiriga yozilgan. “Qolu balo” (aslida “bala”, bu o'rinda vazn talabiga ko'ra shunday o'qiladi) Qur'oni Karim “A'rof” surasining 172-oyatiga ishoradir: «Parvardigoringiz Odam bolalarining bellaridan (ya'ni pushti kamarlaridan to qiyomat kunigacha dunyoga keladigan barcha) zurriyotlarini olib: «Men Parvardigoringiz emasmanmi?» deb, o'zlariga qarshi guvoh qilganida, ular: «Haqiqatdan sen Parvardigorimizsan, bizlar bunga shohidmiz», deganlar! Sizlardan bunday guvohlik – ahd-paymon olishimiz qiyomat kunida: «Bizlar

<sup>21</sup> Бу қиссанинг XVIII-XIX асрлар ўзбек ва форс адабиётида кенг тарқалиши ва “Жомийнинг Самарқанддаги ҳаёти заминида юзага келган ривоятлардан фойдаланилиш” лигини Р.Орзибеков ва Қ.Тоҳиров ҳам таъкидлайди (Жомий ва XIX аср ўзбек адабиёти // Абдурахмон Жомий. Тўплам: - Тошкент, 1989. 112-бет).

<sup>22</sup>Н Комилов. Тасаввуф. I -китоб. –Тошкент: 1996. 56-бет.



bundan bexabar edik» demasliklaringiz uchundir»<sup>23</sup>.

Ya'ni ruhlar yaratilganda, Allohning ularga qarata: (Men Rabbingiz emasmanmi?) deya buyurganida, ruhlar: (Ha, dedilar) tarzida javob berganliklarini xotirlatmoq uchun qo'llaniladigan birikma. Mazkurga nisbatan "Bazmi alast", "ro'zi alast" ta'biri ham ishlatiladi. Zebunnisobegim bir she'rida "ro'zi alast" deya ifoda etgan:

*Azalda mubtalolarga sitamni*

*Qalam yozganmukin ro'zi alastda.*

Buning boshqa bir badiiy go'zal shaklini shoira "Moni" radifli g'azalida ham aks ettirgan. U yana majoz orqali haqiqiy sevgisi mavjudligini asoslashga harakat qiladi. Bu esa qissa qahramonlari va o'z "suygani"ga ishora bo'lib misralarga tizilgan:

*Ul Mavlaviy Jomiy dedi:*  
*"Hamdamim",*

*Mirzo Husayn der erdilar:*  
*"Mahramim",*

*Zebunnisoman, Ibrohimdur*  
*suyganim...*

"Ibrohim – Ibrohimxon" ismi uning ayrim g'azal va murabba'larida ham keladi. Lekin, "Xudodan suhbatini ato qilishni" so'rab: Ey, dilbari olam aro yagona, Holo o'zing bir Yusufi Farg'ona – deya ta'rif etilgan bu Ibrohimxon kim? – degan savolga javob berish albatta mushkul. Fikrimiz-cha, "O'xshamas"da "xushtakallum, porsovash, xo'bsuvrat, falotuntab" – deya sifatlanadi. Shayx va shoira bilan Ibrohimxon ismli kishi orasidagi muomalot, Navoiy ta'biri bilan aytganda "pok yuzga pok nazar bilan muhabbat" tarzidagi xushsuhbatlardan iborat bo'lgan deyishga asos bor. (Masalan, Mavlono Jaloliddin Rumiy va Shams Tabriziy orasida bo'lib o'tgan xos suhbatlarni eslash kifoya).

Shu tariqa aniq-real shaxsga bo'lgan samimiy munosabat, shoira ijodida majoziy ishq tarzida berilib, oxir-oqibat, albatta, HAQ muhabbatiga yetkazuvchi vosita sifatida namoyon bo'lgan. Majoz va unga bo'lgan ishqning takomili ilohiy muhabbat – mumtoz

adabiyotimizning ulkan namoyandalari qatori Zebunnisobegim ijodida ham mazmun, ham tasvir va mohiyatiga ega bo'lib kelgan. U bir she'rida:

*Ishq darsini o'qurg'a bir muallim topmadim,*

*Kimga aytsam, aytadur: "Ko'fada No'moning kerak" –*

deydi. No'mon – "Imomi A'zam" (buyuk imom) nomi bilan mashhur Abu Hanifa No'mon ibn Sobit (hij. 80-150). Ul zot Ko'fada tug'ilib, Bag'dodda vafot etgan islom olamining ulug' mujtahid olimi, hanafiya mazhabining asoschisi. Dunyo musulmonlarining ko'p qismi, jumladan, Movarounnahr musulmonlari ham shu mazhabda qoim va u to'g'ri e'tiqod sifatida tan olingan. Hanafiya mazhabining ko'p ulug' olimlari ayni damda, tasavvuf arboblari ham bo'lishgan. Xususan, Alisher Navoiy "Nasoyim ul-muhabbat" asarida Imomi A'zamning o'zini ham valiyullohlar qatorida zikr etgan<sup>24</sup>. Zebunnisobegim bu o'rinda Imomi A'zanga ishora bilan, e'tiqodda (ahli sunna val jamoa)da bardavom ekanligini ta'kidlamodaki, u ishq bobida ham, g'ayri ta'limotlarga emas, haq mazhab ulug'lariga iqtido qilganligi anglashiladi.

Shoiraning tasavvuf ruhidagi asarlarida sof so'fiyona ma'no va mazmun tarannum etilsa, axloqiy mavzulardagi bitiklarida poklik, odamiylik, saxovatpeshalik kabi yuksak insoniy fazilatlar ulug'lanadi. Diniy va ijtimoiy mavzudagi she'rlarida esa islomiy tushunchalar yordamida jamiyatda sodir bo'layotgan siyosiy-ijtimoiy, ma'rifiy-madaniy masalalar haqida fikr bildiriladi.

Zebunnisobegim she'riyatini, mumtoz badiiyat me'yorlari asnosida tadqiq etar ekanmiz, u nafaqat orif ijodkor, balki yor go'zalligini ta'rif etuvchi va uning muhabbati sitamlaridan kuyinuvchi she'rlarida o'z mahoratini namoyish eta bilgan lirik shoira sifatida ham ko'z oldimizda bor bo'y-basti bilan gavdalanadi. U lirikada ham aniq she'riy maromga amal qiladi. Uning asarlarini o'qir ekanmiz, fikr aniqligi va misralarning ravonligidan zo'r qoniqish hosil qilasiz, ibratli

<sup>23</sup> Куръони Карим.(Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи: Алоуддин Мансур.) –Тошкент: 1992.113-бет.

<sup>24</sup>Алишер Навоий. МАТ. 17- жилд. –Тошкент: 2001. 31-32-бетлар.



hikoyalarga ishoralardan, benihoya go‘zal yor ta‘rifining jozibasidan zavqlanasiz. Shoira ma‘shuqa obrazini yaratishda va unga murojaatda an‘anaviy badiiy tasvir vositalarini mohirona qo‘llash barobarida o‘ziga xoslik ham namoyon qila bilgan. Aytish mumkinki, u ko‘p o‘rinlarda o‘ziga xos kashf darajasidagi badiiyatga erisha olgan.

Zebunnisobegim lirik qahramonini maroq bilan serjoziba tasvirlaydi:

*Jamoling safhasidin sabz o‘lub bir mushki rayhoning,*

*Tamoshoyi Chaman yo bog‘ aro gulzora o‘xshattim.*

Mazmunan bir-biriga yaqin bo‘lgan "chaman, bog‘, gulzor" tanosub hosil qilib, chiroyli dalillovchi husni ta‘lil san‘atiga asos bo‘lmoqda. Yoki, yana nihoyatda ta‘sirli va original ifodalangan baytlardan biri:

*Vujudim shahrining Iskandarian,*  
*bandadur aqlim,*

*Ra‘iyyat - hushu idrokim, xayolim -*  
*posi bedoring.*

Avvalo, bunda badiiy tasvir vositalaridan istiora, tamsil va tashbeh g‘oyat go‘zal shaklda qo‘llangan. "Vujud Shahri" - istioraviy ifoda bo‘lib, shoir qalbini zabt etgan "qamartal‘at"ni mantiqan unga podshoh hisoblaydi. Iskandarning shohligiga ishora tarzida, uni misol keltirib, asosli tamsil topadi. Endi, albatta, mamlakatda shoh bo‘lgach, uning tobesi xalq va posbonlari ham mavjud. Oshiqning aqli - iskandarmisol ma‘shuqaga banda, hushu idroki - raiyat, xayoli doimo birga bo‘lguvchi - posbon. Bu esa shoira hissiyotlari mohirona o‘xshatilgan tashbeh

san‘atidir. Mumtoz she‘riyat namunalari, xususan, g‘azal matnining tahlil hamda talqini uning g‘oyasini izohlaydi. Undagi badiiyat orqali ijodkorning ruhiy olamiga kirib boriladi, asar mohiyati yechiladi. Bu esa keyinchalik asarning yaratilishi haqidagi turli taxminlarga yo‘l ochmaydi.

Xullas, shoira she‘riyatida yuqoridagiday lirik-hissiy jonlanish ko‘p uchraydi. Mumtoz adabiyotimizdagi go‘zal an‘analardan biri ham ana shu kabi jonlanishlarni badiiy tarzda tasvir etuvchi san‘at asari yaratmoqlikdir. Badiiy san‘atlar esa ko‘p holda ana shuning vositasidir. Ya‘ni oddiy badiiyatgina emas, badiiyatdan badiiy san‘atga tomon ilgarilanadi. Fikrni badiiy ifodalashda ko‘plab san‘atlar qo‘llaniladi. Zebunnisobegim she‘riyatda ma‘naviy va lafziy san‘at turlaridan unumli foydalangan. Misol uchun, tazmin san‘atining namunasi. "Yovvoyi chorgoh" kuyida aytiluvchi qo‘shiq tarzida mashhur bo‘lgan: Tiyra dilimning ravshanisiz, ro‘shno keling – deya boshlanuvchi muxammas shu san‘at vositasida bitilgan. Shuningdek, ko‘plab asarlarida Kalomi Sharifning o‘ndan ortiq suralariga murojaat etgan bo‘lib, bu iqtibos badiiy san‘atidir. Uning vositasida Qur‘oni Karimning oyatlariga ochiq yoki yarim ochiq ishoralar, ularning ma‘nolarini she‘riy kontekstda ochib berish namunalari diqqat etilsa, ijodkordagi yuksak ma‘naviy va ma‘rifiy saviya, hamda baland tab seziladi. Zebunnisobegim salohiyatli ijodkor bo‘lish bilan birga, ilmi irfon sohibi – valiy zot ekaniga uning asarlarini chuqur va atroflicha o‘rganish jarayonida amin bo‘lish mumkin.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. У.Уватов. Муслим ибн ал-Хажжож. –Тошкент: 1995. 61-бет.
2. Хадислар. –Тошкент : 1991. 95-бет.
3. И.Хаққул. Ирфон ва идрок. –Тошкент: 1998. 26-бет.
4. Алишер Навоий. МАТ. 4-жилд. Наводир уш-шабоб. 147-бет.
5. Алишер Навоий. МАТ. 12-жилд. Лисон ут-тайр. 290-291-бетлар.
6. Арабско-русский словарь. Том 1. С.138; Арабча-ўзбекча бошланғич луғат, 192-бет.
7. Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. С.680.
8. А.Рустамов. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. –Тошкент : 1985. 131-бет.
9. Алишер Навоий. МАТ. 6-жилд. Фавойид ул-кибар. 512-бет.
10. Мақомоти Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. -Истанбул, 1328. 144-саҳ.; Баҳоуддин Балогардон. -Тошкент, 1993. 28-бет.



11. 11.Ё.Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, 21-бет; Алишёр Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-жилд, 250-бет.
12. Н Комилов. Тасаввуф. I китоб. –Тошкент: 1996. 56-бет.
13. Қуръони Карим.(Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи: Алоуддин Мансур.) – Тошкент: 1992.113-бет.

*Karimova S. The concept of deity in poetry of Zebunnisobegim. The article describes the poetic works of the poetess Zebunnisobegim, who glorified human beauty and love, promoting the Islamic faith and morality, patience and kindness. All this is interpreted in poetry and the art of imagination in the poetry of Zebunnisobegim. Her lyrics are based on high spirituality and morality.*

*Каримова С. Понятие божества в поэзии Зebуннисобегим. В статье описываются поэтические произведения поэтессы Зebуннисобегим, которая прославляла человеческую красоту и любовь, продвигая исламскую веру и мораль, терпение и доброту. Всё это интерпретируется в поэзии и искусстве воображения в поэзии Зebуннисобегим. Её лирика основана на высокой духовности и морали.*



## ХАРАКТЕРИСТИКА ВАРИАТИВОВ В СОСТАВЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ ПО ПРАГМАТИЧЕСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ

*Амриддинова Назира Шамсиддиновна,  
Кандидат филологических наук СамГИИЯ (PhD)*

**Ключевые слова:** фразеологическая единица, коннотация, замещающий компонент, экспликация, вариатив, экспрессивность.

При изучении замещающих и замещаемых слов в составе фразеологизмов не представляется возможным рассматривать их под призмой только коммуникации и номинации, посредством которых отражаются лишь коммуникативные особенности языка. Здесь важно отразить и роль прагматической семантики.

При изучении прагматической семантики фразеологизмов важно дифференцировать свойства структурного и субстанционального характера. В структурных свойствах важно рассматривать отдельно оформленность фразеологизмов. Дополнительные ассоциативные значения слова, т.е. коннотация, позволяют рассмотреть весь потенциал семантики фразеологизмов. Нельзя недооценивать роль поликомпонентности фразеологизмов, которая влияет на подвижность фразеологических единиц (ФЕ) в ракурсе контекстуальной прагматики.

Сфера исследований вариативов в ракурсе прагматического восприятия весьма разнообразна и показала высокую частотность использования вариативов в сравнении с начальными формами исходных фразеологизмов через призму авторского восприятия. Использование того или иного вариатива автором позволяет наиболее конкретно охарактеризовать событие, лицо, действие в необходимом коммуникативном акте с учетом информации, которую хочет довести до остальных говорящих.

При рассмотрении направленности замещения слов с учетом прагматики, выделяются два ракурса.

Первый связан с характеристикой способа замещения как инструмента повышения потенциала устойчивых единиц в прагматическом плане.

Второй отражает возможности того или иного вариатива наиболее целесообразно осуществлять заданную прагматическую установку в соответствии с конкретным коммуникативным актом.

Прагматические причины тесно связаны с компонентами коннотаций. Так, в зависимости от замещающих слов расширяется прагматический потенциал устойчивых единиц. Если замещающий компонент многозначен, то наблюдается и разнообразие прагматических особенностей. Характер замещающих слов создает определенное прагматическое воздействие на участников коммуникативного процесса.

Рассмотрим четыре основных типа вариативов, связанных с направленностью преобразований в ракурсе прагматики в зависимости от характера замещений.

К первому типу относятся вариативы, сформированные с помощью замещения синонимическими компонентами, а также замещения по тематическому характеру. Данные вариативы оставляют нетронутым план содержания, однако участвуют в изменении плана выражения. Ср.: *bad blood* и *ill blood*, означающие враждебность, *dirty end of the stick* и *thick end of the stick* – тяжелое время, *easy game*, *easy prey*, *easy meat* – доверчивый человек и др.

Рассмотрим такой тип замен. Ср.: ФЕ *cut like a knife* – резать, пронзать; полоснуть как ножом (по сердцу). Данная ФЕ претерпевает изменение в плане





выражения в результате замены глагольного компонента *cut* на синонимичный глагол *pierced* - прокалывать, протыкать; пронзать. Однако план содержания не меняется.

The call pierced him like a knife [W.Collins. Delphi Complete Works of Wilkie Collins].

Существуют вариативы, где процесс замещения послужил причиной изменения содержания в ракурсе предметного и логического характера при несущественном повышении выразительности по причине нового плана выражения. Они включаются во второй тип. Во втором типе изменения, происходящие в содержании предмета, направлены на такие взаимообусловленные пути, как:

1) путь реализации высочайшей слитности контекста и вариатива фразеологизма и

2) путь акцентирования необходимых для настоящей ситуации конкретных фрагментов в объекте с учетом прагматических целей участников коммуникативного акта.

Посредством экспликации часто происходит выделение добавочного признака структуры объекта в процессе замещения компонентов фразеологизма.

Например: возьмем фразеологизм *a Cotton State* «прозвище штата Алабамы», который претерпевает изменение в названиях:

1) Alabama History: *The Cotton Kingdom*

[<https://www.teacherspayteachers.com/>].

2) Steamboats and the Rise of *the Cotton Kingdom* [R.H.Gudmestad 2011: 1]

3) The Creation Of *The Cotton Kingdom*

[<https://courses.lumenlearning.com/>].

Признак «королевство» эксплицируется в значении вариатива. «Государство с определенной направленностью в сфере производства» выделяется в денотативную зону исходного фразеологизма. Первый пример характеризует штат Алабама, последующие характеризуют занятие

хлопковой деятельностью южные регионы Америки, не ограничиваясь Алабамой.

Замещения, оказывающие влияние на зону чувств, эмоций участника коммуникативного акта, относятся к вариативам третьего типа. Уровень выразительности (коннотативный аспект) в вариативах четко проявляется при сопоставлении с базовыми фразеологизмами. Здесь учитывается и фактор разновидностей замещений, способствующий большей степени экспрессивности вариативов.

К первому виду замещений относятся вариативы, замещение компонентов в которых приводит к усилению признака, акцентированного в объекте значением начального фразеологизма.

Например, вариатив от *caught between two fires* в название книги:

*Caught Between Three Fires*: Cass County, Mo., Chaos & Order No. 11 1860 – 1865 T.A.Rafiner [T.A.Rafiner 2010: 1]

Данный пример характеризует один из самых доступных и простых способов повышения выразительности вариатива за счет окказионального коннотативного значения «повышенной мощности, интенсивности», которое возникает в вариативной семантике при замещении слова *two* словом *three*. Обращаясь к слову *three*, отметим, что оно обозначает числительное, стоящее выше по количественному признаку, нежели *two*.

Ко второму виду замен с большой экспрессивностью относятся вариативы, в которых образный фундамент прототипов посредством замещений изменяется.

Например: See me here, in unfeigned humility, kneel at your feet, and reverently *kiss the hem of your garment*, for showing me this great mercy in thus stopping me short of inexpressible crime [R.Walsh, E.Littell, J.J.Smith, E.Littell. The Museum of Foreign Literature, Science, and Art].

В данном примере наблюдается замещение *touch* – «прикосновения» в исходном ФЕ *touch the hem of someone's garment* на *kiss* – «поцелуй». Значение *kiss* «прикосновение губами» является более



конкретным в сравнении с первоначальным замененным компонентом. Происходит нейтрализация добавочного смыслового признака в устойчивом сочетании, однако заметный след отмечается в образном фундаменте вариатива. С помощью семантики вариатива наиболее выразительно представляются признаки ФЕ, которые уже были отмечены в значении базового фразеологизма. В тоже время замена компонента *hem* «ободок, кайма; край, кромка» на компонент *item* «отдельный предмет» уводит от конкретики и расширяет семантическую зону.

Соединение экспрессивности, которая осуществляется в результате образной модификации, с выразительностью, базирующейся на признаковой интенсификации (усилении), становится третьим способом повышения выразительности вариативов. Третий способ, иными словами, соединение первого и второго вида, их комбинирование.

Например: *both feet in the grave* ФЕ, употребленное в название к песне «The Crimson Curse» [<https://thecrimsoncurse.bandcamp.com/>]. Анализируя пример, становится очевидно, что замена слова *one* на *both* вызывает комбинацию **усилительного** характера выражаемого значения и осуществляет **модификацию** образного фундамента вариатива. При этом усиливается семантический образ в вариативе, акцентируя внимание на безысходности ситуации.

Ср. исходную форму *have one foot in the grave (have (got) one foot in the grave)* - стоять одной ногой в могиле; *with one foot in the grave*. You've got one foot in the grave already - do you want to pull us down with you? [АРФС 1984: 292]; *with one foot in the grave* - одной ногой в могиле; *have one foot in the grave*. An old fellow with one foot in the House of Lords and one in the grave, and no difference between them, to speak of... [АРФС 1984: 294].

Четвертый тип, связанный с повышением выразительности

осуществляется посредством эффекта неожиданности, невозможности предугадать возникновение какого-то определенного замещающего компонента.

В таких случаях замещение слов в составе фразеологизмов осуществляется не по близости в семантике, а наоборот, носит неожиданный характер выбора компонентов замены. Это вызывает бóльший всплеск в экспрессивности вариатива, нежели при замещении противоположными, схожими по значению или тематике компонентами.

Данный способ образования вариатива выбирается автором в случае создания комического эффекта. Собеседник ожидает услышать одно, а в результате становится обманутым. В этих случаях выявляются вариативы с наиболее повышенной экспрессивностью. Рассмотрим пример с использованием эффекта обманутого ожидания:

*A bird in the hand, darling, is worth an ounce of prevention* [V.Woskoff. Castle in the Village]. Ср. базисную ФЕ *a bird in the hand* - нечто реальное, надёжное, верное дело [часть пословицы *a bird in the hand is worth two in the bush*] и пословицу *an ounce of prevention is worth a pound of cure*. На базе двух устойчивых выражений образовалась окказиональная ФЕ с эффектом обманутого ожидания.

Рассмотрим эффект обманутого ожидания в контексте, вызываемого окказиональной ФЕ *no use to cry over spoilt meat*:

Soggi moved his head back and forth mournfully.

«*No use to cry over spoilt meat*. I'll just have to start new competition. You're not eligible!» [I. Stone 2015: 615].

Ср. исходную ФЕ *there is no use crying over spilt milk / cry over spilt milk* – горевать о непоправимом [АРФС 1984: 500]. В данном случае мы наблюдаем эффект неожиданности и экспрессивности с наложением аллитерации.

Нельзя не учесть и роль фонетических средств в повышении выразительности устойчивых сочетаний.



Экспрессия выявляется здесь при **наличии сходства в звучании между замещающим и замещаемым словом**. Наибольший эффект преобразований возникает при недостатке близости значения между заменяемым и замещающим словами и при этом схожести звучания.

Таким образом, количественные расчеты показали следующие результаты по материалам исследования вариативов,

связанных с рассмотрением прагматической направленности замещений по четырем типам: 1- 11%, 2 - 5%, 3 - 18%, 4 - 66% вариативов. Отнесение вариативов к определенной прагматической направленности замещений характеризуется некоторой относительностью в силу рассмотрения генерализирующего прагматического намерения – оказать влияние на адресата.

### Список литературы:

1. Золотых Л.Г. Фразеологическое значение и его смысловая реализация в речи: дис.... канд. филол. наук. – Волгоград, 2000. – 264 с.
2. Клюжева Н.В., Федуленикова Т.Н. Контекст в выявлении вариативных функций коммуникативных фразеологических единиц (на материале современного английского языка) // Язык и культура. – Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2018. - № 41. - С. 125–138.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка Учеб, для ин-тов и фак. иностр. яз- 2-е изд., перераб - М.: Высш. шк., Дубна: Изд. центр "Феникс", 1996. - 381 с.
4. Попова А.Р. Лексико-фразеологический комплекс как результат реализации креативного потенциала лексической единицы: дис. ... докт. филол. наук. – Орел, 2013. – 537 с.
5. Рахматуллаева Н.Г. Номинативный потенциал структурно-семантической аналогии в английской фразеологии // Современная лингвистика: взаимодействие парадигм и школ. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2014. – С. 187– 197.
6. Рыжкова М.М. Передача прагматической составляющей образных фразеологических единиц в публицистическом тексте: на материале английского и русского языков. Автореф. дис....канд. филол. наук. – Тюмень, 2008. – 21 с.

*Amriddinova N. Characteristics of variations in phraseological units according to the pragmatic aspect of transformations. The article dwells on the sphere of variative research through pragmatic comprehension and high frequency usage of variatives in comparison with initial forms of original phraseologisms through author's catalepsies.*

*Амриддинова Н. Фразеологик бирликларда прагматик нуқтаи назардан вариативларнинг тасвирланиши. Мақолада прагматик идрок нуқтаи назардан вариативларни тадқиқ қилиш кўлами ҳамда муаллифнинг идрок призмасидан келиб чиқиб фразеологик бирликларнинг дастлабки шакллари билан таққослаш орқали вариативлардан фойдаланишнинг юқори частотаси талқин этилади.*



## ЭКСПРЕССИВНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ АВТОРСКОГО СТИЛЯ ГЕРБЕРТА БЕЙТСА

*Абдувахабова Умида Мамаюсуповна,  
Ст. преподаватель МУТ «Шелковый путь»*

*Ключевые слова: авторский стиль, художественные образы, языковые средства, минимализм повествования, прозаический стиль.*

Герберт Эрнест Бейтс был выдающимся автором, который при жизни прошел несколько этапов популярности. Первоначально он привлек к себе внимание критиков в конце 1920-х годов, когда среди читателей появились романы и рассказы о сельской жизни англичан. В этих работах Бейтс использовал выразительный прозаический стиль для раскрытия пасторальных образов, чтобы пробудить настроение и показать прелести или консерватизм сельской жизни, уделяя при этом внимание обычным, но значимым событиям в жизни его героев. Актуальностью данного исследования является тот факт, что произведения Герберта Бейтса стоят обычно выше всяких социальных комментариев, поэтому необходимо раскрывать его работы с точки зрения детального анализа художественного произведения, так как его повествование больше, чем личная история. В каждом рассказе главный герой, даже если он не имеет имени (что характерно стилю писателя) олицетворяет целое поколение людей, неспособных адаптироваться к изменениям и прогрессу. Иногда действия романов приводят героя к замкнутому кругу, на грани реальности, которую он пытается воссоздать.

Его ранние рассказы и романы получили высокую оценку, он стал широко известен как писатель о сельской местности и жизни сельскохозяйственных рабочих с такими рассказами, как «Браконьер» (1935 г.); «Дом женщин» (1936 г.); «Мой дядя Сайлас» (1940 г.), широко известным простодушным юмором; «Мертвая красота» (1941 г.). Бейтс написал свой первый роман «Две сестры» (1926 г.), работая клерком на

фабрике, которая занималась всеми комплектующими, необходимыми для изготовления ботинок и обуви – ключками, гвоздями, нитками, клеем и т.д. Когда его работодатель узнал, что он писал во время рабочего дня, он уволил «тунеядца». Именно тогда Альберт, отец Бейтса, предложил поддержать сына в течение года. Он отправил роман в девять разных издательств, пока Эдвард Гарнетт не взял его в руки и не принял от имени Джонатана Кейпа (того самого издателя оригинальных книг Яна Флеминга «Джеймс Бонд»), который сразу же увидел талант светловолосого голубоглазого двадцатилетнего мужчины. Его произведения переведены на шестнадцать языков мира. Посмертный сборник его рассказов «Желтые шарики Асподеля» появился в 1976 году.

Просматривая сюжеты первых произведений молодого писателя, можно заметить, что самый амбициозный из ранних романов Бейтса, «Браконьер», по сути, является автобиографическим повествованием, в котором центральная фигура, Епископ Люк, изображена по образу деда Лукаса, а самого Бейтса и его отца можно увидеть в Эдди Вайне и его отце Уолтере. Люк родился в семье бесшабашного браконьера, сапожника, он следует по стопам отца в выборе ремесла, пока отец не был убит. Создав свою семью, как и дедушка Лукас, главный герой романа берет небольшую ферму на скудной земле, трудится, не разгибая спины, возрождая в ней жизнь, выращивая продукты, зерно, разводя свиней и кур. Тем временем промышленность переезжает в Ненвеальд, тем самым положив конец свободному досугу



сапожников на даче, и приносит с собой железную дорогу, магазины и задает современный социальный тон респектабельности среднего класса.

В то время, как епископ упрямо цепляется за старые жизненные ценности, передавая их Эдди, жена епископа, ставшая директором школы, воплощает эти новые ценности в образовании. Далее по сюжету мы видим, что в преклонном возрасте Люка отправляют в тюрьму за браконьерство. Вскоре он возвращается в Ненвеальд и осознает, что ему больше нигде не место; его мир растворился в паре заводов и железнодорожных локомотивов, исчез в дыму Первой мировой войны. «Браконьер» - это мощная и трогательная личная история, которая не стремится ни к гламуру, ни к жалости к своему главному герою, но прямо или косвенно указывает на перемены, происходящие на фермах и в маленьких городах Англии в период индустриализации между 1880 и 1920 годами. Помимо описания глобальных изменений в стране, Бейтс в совершенстве описывает таинственные сцены браконьерства и воссоздает внутреннюю жизнь своего неуклюжего и упрямого героя. Автор также между строк раскрывая личность своего героя, намекает, что пассивный епископ не в состоянии справиться с переменами, которые кружатся вокруг него; он является продуктом прошлого века, игнорируемым «прогрессом», урбанизацией и изменениями нравов. Через епископа Бейтс привлекает симпатию читателя к тем, кого растоптал такой прогресс, но поскольку точка зрения на роман ограничена, история епископа не полностью вписывается в его контекст.

Во время Второй мировой войны, Бейтс получил поручение от Королевских военно-воздушных сил написать об опыте пилота-истребителя, что привело к созданию серии бестселлеров, в которых рассматриваются последствия войны для солдат и гражданского населения. Вторая мировая война сделала Бейтса знаменитым. Дэвид Гарнетт помог

молодому человеку устроиться на работу в Министерство Воздушного Транспорта. Его задачей было общение с авиаторами и написание коротких рассказов, собранных в сборниках «Как стать храбрым» (1943) и «Величайшие люди мира» (1942), написанных под псевдонимом «Летучий офицер X». В 1944 году молодой писатель опубликовал свой первый крупный успех – «Fair Stood the Windfor France», в котором летчик Джон Франклин разбивается в оккупированной Франции, влюбляясь в француженку. Этот роман был также адаптирован для телевидения в 1980 году.

В начале романа английский пилот Джон Франклин вынужден совершить экстренную посадку на своем бомбардировщике на оккупированной Франции. Франклин (или Фрэнки, как его знают его друзья) получает ужасную травму в руку. Опасаясь за свою безопасность на оккупированной противником территории, бойцы знают, что они должны уйти от обломков, прежде чем их обнаружат. Перемещаясь ночью, они натываются на пару отдаленных ферм. На первой ферме оккупированной территории жителя слишком пугает вид летчика, чтобы он мог помочь, но на второй – летчикам повезло – хозяин и его семья укрывают мужчин на своей мельнице, обеспечив их едой и кровом до тех пор, пока они не смогут благополучно уехать. Франклин знает, что он идет на огромный риск, оставаясь с хозяевами – наказанием за укрывательство британского военнослужащего является смерть от расстрела – но его физическое состояние означает, что выбора нет. Он должен доверять союзникам – это требование облегчается заверениями и поддержкой Франсуазы, спокойной и решительной дочери семьи фермера

*He did not say any more. The strain of things, of walking without food and sleep, of his wound and the loss of blood, of the final moments of wondering if the girl could be trusted, and now of relief, came rushing up through his body in a spasm of cold weakness, faint and stupid. He checked it and held it down. And in that moment he looked at the*



*girl, alert and dark and supremely assured, in the doorway. Her black eyes had not flickered for a moment since he had first surprised her among the hens. But now there was a faint smile of her face, her lips not quite parted, and she looked like the calmest, surest person he had ever known.*

Как видно из данного отрывка автор использует простые описания в тексте, при этом усиливая эффект повторами и таким литературным приемом как ассонанс-повтор отдельных гласных звуков(звука «а»), либо аллитерация- повтор согласных звуков(звуков «р-ф»). Эти приемы усиливают мелодичность повествования и его выразительность, создают атмосферу спокойствия и уюта, так необходимого герою в данном контексте

Франсуаза внимательно и заботливо ухаживает за Франклином, и ее сочетание веры и безмятежности доказывает, что это его спасительная благодать. Неизбежно Франклин оказывается влюбленным в эту замечательную девушку, чья вера в положительный результат сильна и непоколебима. В следующем отрывке автор умело использует сравнение с эпитетами в простом, грамматически незагруженном предложении, что позволяет читателю понять насколько чистыми и искренними были чувства молодых людей. В этом примере можно еще раз убедиться, что стиль Бейтса – простые предложения, богатые выразительными стилистическими приемами, с удивительной точностью воспроизводящие социальную обстановку, исторические события, которые окружают героев:

*His feeling for her was as clear as the square blue light of afternoon sun through the window. It was as serene and permanent as the sunlight. Beside it all the rest of him now seemed sick and tangled and hollow.*

Этот роман отличается особым своеобразием сочетания напряженности действий, искренности взаимоотношений и сильного чувства гуманности. Наряду с моментами привязанности между Франклином и Франсуазой существуют

сцены реальной опасности, особенно по мере того, как история доходит до развязки. Бейтс никогда не уклоняется от демонстрации истинных ужасов войны, как для военнослужащих, вовлеченных в конфликт, так и для других оставленных позади – особенно для тех, кто находится на оккупированных территориях. К счастью, эти опустошительные травмы закалены иллюстрациями более позитивных сторон человечества, щедростью и состраданием Франсуазы и ее семьи, которые самоотверженно рискуют своей жизнью, чтобы помочь авиаторам. Очень хорошо изображены также верные отношения между Франклином и его доверчивым оруженосцем О'Коннором, его «правой рукой». На самом деле это чувство неуверенности и беспомощности пронизывает весь роман. С точки зрения года публикации, тот факт, что роман был опубликован в 1944 году, когда исход военных действий был еще неясен, несомненно, способствует задаче тональности романа. Более того, в нем присутствует ошеломляющее чувство скорби, глубокое чувство утраты, тоски по мирной жизни, и чудовищное лицо войны, во что военные действия превратили мир и людей.

Бейтс написал большое количество романов, включая сельские романы, военные истории, короткие истории и рассказы (около трехсот), кульминацией которых стал чрезвычайно успешный и не поддающийся классификации роман «Милые бутоны мая», первый из пяти романов о семье Ларкиных, который позже станет популярным телевизионным сериалом, положившим начало карьере Кэтрин Зеты Джонс, обладательницы премии «Оскар» и премии «Бафта».

Отличительной чертой бейтсовского стиля является то, что у автора каждая деталь описания, каждая вещь (имя, местоположение и т.д.) наделена причинно-следственной связью, все имеет какой-то скрытый смысл, который раскрывается в ходе повествования.



Конечно, нельзя не отметить выразительные средства, используемые в прозе Бейтса, придают приятную, почти лирическую ноту повествованию. В приведённом ниже отрывке, коротком, простом, но эмоционально ярком, задающим тон с самого начала, сочетаются абсолютно противоположные чувства изящества, красоты и безмятежности природы среди насилия и разрухи войны. Следует также отметить, что в рассказах Бейтсанетни исторических лиц, ни особо важных исторических событий, ни общественных движений, но есть особая неповторимая бейтсовская обстановка реальности обыденной жизни. В то же время каждый из героев его рассказов индивидуален, реален, как и уникальна та обстановка, которая их окружает, и те мысли, которые их мучают:

*The moon was going down a little now, and the great glare that had lain over the snow-peaks had already diminished and was touched with amber. In this weak and more beautiful light the distances northward became shorter. France seemed for some time longer a country of placid yellow patterns smoothed out of sight by both wings of the aircraft, and then there were more mountains on the port side, not very high but sharp with abrupt shadow where the lowering angle of the moon struck them.*

Позже в своей карьере Бейтс вернулся к теме сельской местности, часто изображая острые моменты в жизни детей или пожилых людей. В своих послевоенных романах и историях Бейтс достиг высот своих сил.

Среди его самых популярных более поздних работ – те, в которых изображены главные герои, энергично преследующие чувственные цели, радость жизни и природы. Бейтс также написал «Современную короткую историю», уважаемое литературное исследование короткой художественной литературы.

Бейтс, пожалуй, наиболее известен своими короткими историями, особенно написанными в конце 1920-х и 1930-х годов, собранными в нескольких томах, в том числе «Конец дня», «Другие истории»,

«Семь сказок» и «Александр». «Сюжетом этих ранних работ, отметил В.С. Притчетт, «были, как правило, традиционный быт небольших ферм, коттеджей и холдингов, его люди – живые изгороди и местные перевозчики – лошади и телеги Англии, сельские торги и чувства, которые мало менялись на протяжении веков и часто звучат как шоссе и зрелые». Критики часто сравнивали его ранние рассказы с работами Антона Чехова, ссылаясь на их минимализм. Сюжетные линии, тематический акцент на повседневной деятельности, светлое пробуждение атмосферы и эмоций [D.Dakin, 1989, p. 601].

Бейтс был наделен особым талантом «нарисовать словами английскую сельскую жизнь на бумаге» пишет один из литературных критиков, Питер Джей Конради [B.Redman, 1983, p. 201]. Читатели не только получают удовольствие от его творчества, но и находят надежду и связь со своими жизненными историями. Бейтс был безмерно благодарен тому, что был «обычным, маленьким англичанином». До войны у Бейтса не было ни Парижа, ни Испании, не писал никаких исследований – несмотря на любовь к Тургеневу или Чехову. Он оказался скромным человеком, по-видимому, довольствовавшимся даром иметь возможность «описать английскую сельскую местность на бумаге» и, несмотря на то, что имел хороших друзей – писателей и любил хорошо поесть на Каприсе, не находил времени для литературного Лондона, настоящего аутсайдера. Он научил своих четверых детей никогда не упоминать своего знаменитого отца и не торговать его именем.

В рассказах неповторимой семьи Ларкинов, кроме бесспорно прозрачного юмора в творчестве Бейтса есть и красота, которая проявляется во всем лучшем, что есть в природе. Рассматривая эти описания мы видим, что почерк Бейтса обладает качеством, затрагивающим все струнки души. С увлечением наблюдая за мелкими деталями, возникает мысль, что здесь есть писатель, который знает, как прожить



жизнь с подветренной стороны и ценит мелочи. Мир, который рисует Бейтс, чреват множеством распрей, боли, страданий и неуверенности [R.Eggston, 2000, p. 34].

Изучая немногие неудавшиеся истории Э.Бейтса Ангус Уилсон находит «некое чувство сентиментальности, портящее то, что в противном случае было бы совершенством» [I.Buchen, 1981, p.61]. Вопреки отзывам современных критиков и в этих произведениях жизни героев одушевлены непоколебимым ощущением чудес, тонким восприятием красоты в природе, ненасытным желанием к размышлениям и воссозданию разнообразия и богатства человеческого опыта.

*In the midday heat of a June day a farm-boy was riding down a deserted meadow-lane, straddling a fat White pony. The blossoms of hawthorn had shriveled to brown on the tall hedges flanking the lane and wild pink and white roses were beginning to open like stars among the thick green leaves. The air was heavy with the scent of early summer, the odour of the dying hawthorn bloom, the perfume of the dog-roses, the breath of ripening grass*

Использование индивидуального авторского стиля, свойственного писателям коротких рассказов до появления на свет второй коллекции краткосюжетных рассказов Бейтса «Конец дня» и «Другие истории» Э.М. Форстер называл борьбой «с тиранией заговора сюжета» [B. Redman, 1983, p.64]. На основе проведенных исследований писателей данного литературного направления можно выявить, что лаконичный стиль использовали «пионеры»- мастера кратких рассказов от Чехова, Мопассана и Крейна до Джеймса Джойса, А.Э. Коппарда, Кэтрин Мэнсфилд и Шервуда Андерсона. Бейтс восхищался тем, что Чехов освободил рассказ от греха словесности XIX века [G.Miller, 1963, p. 65], внес в данный литературный жанр, полюбившийся всеми читателями, детали простоты и намека. Бейтс также был

поклонником «острого и доминирующего» лиризма Крейна, его «удивительного качества живописца» и изображения жизни не в «шерстяном, величественном гротеске» или «литературной» прозе, а в реальных жизненных картинах» [G.Miller, 1963, p.68]. Конечно, здесь стоит отметить, что работы «Конец дня и другие истории» по сути являются моделирующими или имитационными. Бейтс уже нашел свой собственный повествовательный стиль, свою собственный голос и свои методы; его главные акценты были связаны с индивидуальностью, настроением и особым чувством времени и места.

Большинство из двадцати пяти рассказов в сборнике «Конец дня и другие истории» рассказывают об английских равнинах, которые Бейтс так близко знал; все они, кроме пяти или шести, посвящены простым сельским жителям, предлагая в определенной степени определенную точку зрения на жизнь его героев – зарисовки, освещенные приглушенными откровениями, не отличающимися от зарисовок в «Дублине» Джойса (1914 г.). Мир, показанный в этих историях – это мир, в котором идеалисту или злодейству нет места. Никакая божественность не формирует жизнь его народа, который погряз в духовной нищете, разочарование и обособленность – это эпизод из чьей-то жизни, где сосуществуют абсолютные противоположности – холод и жара, засуха и наводнение – это часть Природы, равно как и их противоположности [Д.Бадвин, 1984, p.35].

Истории сборника – это короткие и простые летописи о бедных, одиноких и невыполненных. Несомненно, почти без исключения, живописное и поэтическое качество сборников коротких рассказов примечательно тем, что выдающиеся критики, прокомментировав четверть века спустя, отмечают: «В ясной, непринужденной прозе Бейтс может писать в пятидесятый раз летом, как будто он никогда раньше не видел поля».

*He swung his scythe with a long light caressing sweep, smoothly and masterfully, as though his limbs had been born to mow. The*





*grass was shaved off very close to the earth and was laid in a tidy swathe that curved gently behind him like a thick rope. On the backward stroke the grass and the buttercups and the bull-daisies were pressed gently backwards, bent in readiness to meet the forward swing that came through the grass with a soft swishing sound like the sound of indrawn breath.*

На протяжении всей своей долгой и продуктивной карьеры Бейтс занимался

исследованием других областей, использовал более традиционные приемы и методы повествования, нашел больше мелодраматических или экзотических композиций. В то же время, он продолжал изучать, вспоминать и писать об определенной части Англии, которая является миром большинства рассказов коллекции.

#### Литература:

1. Dean R. Baldwin, "Atmosphere in the Stories of H. E. Bates"- London: Penguin Books, 1984-135 p
2. Dorothy Dakin. News and Notes.-The English Journal Vol. 18, No. 7 (Sep., 1989), pp. 600-608 (9 pages) Published By: National Council of Teachers of English
3. Miller, Henry. Preface to the Best of H.E. Bates. Little, Brown and Company.London:,1963. – 348 p.
4. Robert Eggleston, "Overview of 'The Daffodil Sky,'" for *Short Stories for Students*, The Gale Group, 2000.- 230 p
5. Redman, Ben Ray. The Fighting Faces of the Sky. The Saturday Review of Literature. Volume XXVI, No. 32.- 1983.

**Abduvaxabova U. *The expressive-stylistic and literary peculiarities the author's style of Herbert Bates.*** In this article the author analyzes the expressive and stylistic means of Herbert Bates' authorial style. Peculiarities of his narration are considered on the example of several stories. In each story one cannot but notice the expressive means used in Bates' prose, which give a pleasant, almost lyrical note to his compositions.

**Abduvaxabova U. *Herbert Bates muallif uslubining ekspressiv-stilistik va badiiy xususiyatlari.*** Ushbu maqolada muallif Herbert Bates mualliflik uslubining ekspressiv-uslubiy vositalarini tahlil qiladi. Bir nechta hikoyalar misolida uning rivoyatining xususiyatlari ko'rib chiqilgan. Har bir hikoyada Bates nasrida ishlatilgan, uning asarlariga yoqimli, deyarli lirik eslatma beradigan ifodali vositalarni ta'kidlamaslik mumkin emas.



## СЕРГЕЙ ЕСЕНИННИНГ “ФОРС ТАРОНАЛАРИ” ДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН ТАЛҚИНИ

*Худойбердиева Дилфуза Мухтаровна,  
СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

**Калим сўзлар:** *Есенин лирикаси, туркум, лирик қаҳрамон, шахс концепцияси, образ, образлилик, троп, руҳий таҳлил.*

Сергей Есенин – рус адабиётининг ёрқин вакили, Ватан ва халқ тақдирига ўта қуёнчаклик билан ёндашган ҳассос шоир. Унинг тақдири, давр ва инсоний муносабатларнинг жами фожиавийлигини ўзига сингдирган шеърляти – ижод эркинлигини танлашга, баркамол шахсни шакллантиришга таъсир этадиган маънавий-руҳий озуқа. Шоирнинг улкан ҳиссий таъсирчанликка эга шеърлари, ҳар қандай одамни жўнбушга келтира оладиган туйғулари рози бошқа кўплаб халқлар миллий адабиётига ўз таъсирини ўтказган.

Шеърларининг умумбашарийлиги, олижаноб инсоний хислатлар улуғланганлиги туфайли ўзбек китобхонлари ҳам Есенин шеърларини севиб ўқийдилар.

Сергей Есенин оддий деҳқон оиласида туғилди. Кейинчалик яхши таълим-тарбия олганига қарамасдан табиатга ошуфталик, қишлоқ ҳаёти, содда, самимий инсонлари унинг шеърларини тарк этмади:

Рязань деҳқонлари  
Дон эккан замин,  
Қўнғир тупроқ эди  
Менинг ватаним<sup>25</sup>  
дея эслайди шоир.

“Онамдан мактуб” шеърида шоир ўз онаси тимсолида соддадил қишлоқ аҳли турмуш тарзини очиб беради. Аммо, шоир инсонни буюк мақсадлар жарчиси сифатида кўради ва кейинги ўринларда шунга даъват этади:

Барча кўклардан  
Мен севган кўклар –

Башар дилидаги буюк инкилоб.

Ўшанга интилиб чекарман алам,

Ўшани севаман, чорлайман шитоб.

Лекин, бор музлаган ер сайёраси.

Шундан мен нолалик шеър овораси.

(“Форс тароналари”, 13-б).

Кўринадики, шоирнинг лирик қаҳрамони бир қарашда содда, самимий инсон, яна бир ўринда эса мураккаб давр кишиси. Аммо, шоир инсонни оддийликдан буюкликка олиб чиқиш илинжида.

Есенин мураккаб ҳаёт чизгиларини гўё соддадил болакай нигоҳи остида тасвирлайди, бироқ, унинг аксар шеърлари кишини катталарга хос мулоҳазакорликка чорлайди. “Абадий болакай ва буюк донишманд” шоир – Сергей Есенин башариятни шундай талқин қилади:

Биз барчамиз гўдакмиз бир оз,  
Гоҳ кўзда ёш, гоҳ лабда кулгу,  
Бўлмиш ушбу дунёда мерос  
Барчамизга шодлик ва қайғу.

Талпинма кўп, девона кўнгил.  
(“Форс тароналари”, 23-б).

“Есенин – дунёнинг энг буюк шоирларидан бири, у дунёнинг энг ҳалол шоирларидан бири. У ўз ватанини яхши кўрарди. Есенин ҳамиша ҳаётни севадиган, гўзаллик ва ҳалолликни севадиган дунё халқлари билан бирга бўлди” ва шеърларида ҳам гўзалликка ошуфта инсон образини ўзига хос тарзда ёритди:

Ох, у оқ қайинлар,  
Оппок қайинлар...  
Қизлардек сарвиноз, сулув,  
хушқомат.

Севмаслиги мумкин уларни фақат –  
Қувноқ навнихолда кўрмаган самар.  
(“Форс тароналари”, 31-б).

<sup>25</sup> Есенин С. Форс тароналари. Шеърлар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. 25 б.



Ушбу парчада сокин руҳий кайфиятни сезиш қийин эмас. Аммо унинг шеърларида шундай ўринлар ҳам учрайдики, шиддаткор, гўё олдидан чиқадиган ҳар қандай нарсани ямламай ютишга қодир кайфият сингдирилган:

Онажоним,  
Келар бизга ҳам фурсат,  
Келадир интизор  
Кутганимиз дам.

Биз ахир турибмиз  
Жангга бўлиб тахт,  
Ким замбарак тутиб,

Ким тутиб қалам. (“Форс тароналари”, 13-б).

“У юраги ҳис қилган ҳамма нарсани: кувончни ҳам, аламини ҳам ёзди”, дейди Азиз Несин. У шеърларини ифодалашда эса табиат тасвиридан ғоятда гўзал тарзда фойдаланди. Қишлоқда туғилиб ўсган, айна дамда табиат ошнаси бўлган шоир шеърларида қалб тугёнлари, инсон руҳининг нозик товланишлари табиат гўзалликларига омухталашган ҳолда тасвирланади:

Тонг отади беозор ва жим,  
Туман ичра бўзарар осмон.

Бугун яна сени эсладим,  
Меҳрибоним, мунис онажон!

(“Форс тароналари”, 32-б).

Ёки:

Далалар оқ кийган, оқарган ой ҳам,  
Кафанга ўралиб ётибди ўлкам.

Ўрмонларда йиғлар оқ қайинлар жим,

Бу ерда ким ўлган? Балки мен ўзим?.. (“Форс тароналари”, 34-б).

Шоирнинг бутун борлиққа оқлик бериши бу мотам рамзи, хўш табиат нима сабаб мотам тутмоқда, нега оқ қайинлар йиғламоқда? Сабаби, уларнинг севимли шоири эҳтимол “ўлган”. Оддий кўз билан қарганда шеърда юқорида таъкидлаганимиздек, сокинлик кайфияти кўринади, аммо шеърнинг ҳар бир сатри қалбингизни жунбушга солади. Чунки ўлган кимса фақатгина шоир эмас, балки бутун инсоният мана шундай аянчли аҳволда, шундан оқ қайинлар мотам тутмоқда, йиғламоқда.

Ижодкор асарини, айтиш жоизки, ўз бағридан яратади, шу сабабдан асар ва унинг ҳар бир детали унга фарзандидек қадрли бўлади, айна дамда, ўша асарда ижодкорнинг бир парчасини кўриш мумкин бўлади. Сергей Есенин ижодида ҳам мана шундай боғлиқликни кузатиш мумкин. Есенин шеърлари қаҳрамони ҳам унинг ўзи сингари исёнкор, шиддатли. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Мен Московлик бир далли йигит  
Ўзига хон, танти, чапани (“Форс тароналари”, 5-б).

Кўринадики, шоир шеърларида инсонни кашф этиш ва унинг руҳий-маънавий оламини очиб беришда бадиий психологизм етакчилик қилади.

Сергей Есенин “Форс тароналари”даги шеърларида инсон ва унинг кадр-қимматини улуғлайди, айна дамда, унинг камчилик ва қусурларини аёвсиз танқид қилади:

Ўзгаларнинг овози билан

Тўтиқуш ҳам бийрондир, аммо,

Куйла фақат ўз созинг билан,

Қурбақадек бўлса ҳам ҳатто. (“Форс тароналари”, 25-б).

Ушбу парча орқали шоир инсонни ўз ҳолича, борлигича қабул қилишга чорлайди. Ўзгаларнинг “овози” билан куйловчи тўтиқушларни эса танқид қилади. Бундай дунёқараш Сергей Есениннинг нафақат шоирлар, балки бутун инсониятга дахлдор ҳулосаси бўлиб, шоир юқоридаги мисраларда инсоннинг маънавий қиёфасини шарқона оҳанг, қиёслар билан ёритади. Қуйидаги парчада ҳам шоир ҳар бир шахсни ўзига хосликда кўради ва кейинги икки мисра орқали фикрини исбот этибгина қолмай, китобхонни шунга даъват этади:

Ҳар кимда бир ўзгача эъзоз,

Ҳар кимда бор ўзгача ҳавас.

Гар Эроний куйлолмаса соз,

Билинги, у шерозлик эмас. (“Форс тароналари”, 22-б).

“Форс тароналари” (1924-1925) шеърлар туркуми ўзига хос поэтик тили билан ажралиб туради. Бир томондан, унда Шарқ шеърятининг таъсири аниқ-тиниқ сезилиб туради. Иккинчи томондан,



хаётининг сўнги йилларида ёзилгани учун бўлса керак, унда шоирнинг поэтик маҳорати бор бўйича қад ростлагани кўриниб туради.

“Форс тароналари” адабиётшунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганилган. В.Г.Белоусов туркумдаги ҳар бир шеърнинг ёзилган вақти, жойига аниқлик киритган, уларнинг ёзилиш жараёнига батафсил тўхталиб, бош образлар, масалан Шаҳина образининг прототиплари кенг кўламда таҳлилга тортилган<sup>26</sup>. Мазкур туркумда лирик қаҳрамон талқини, инсон руҳиятига берилган чизгилар ўзининг бетакрорлиги, поэтик қуввати билан шеърят ихлосмандларини хануз ром этиб келадими, бунинг таҳлили Есенин поэтикасини чуқурроқ англитишга хизмат қилади.

Сергей Есениннинг ушбу тўпламга кирувчи шеърлари унинг 1924-1925-йилларда Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатларига саёҳати даврида ёзилган бўлиб, шеърларида ҳам шарқона руҳият устунлик қилади. Шоир шарқ аёлларига мурожаат қилар экан, хижобга ўранган қизларни эркинликка даъват этиш баробарида, ғоят қисқа умрни мазмунли ўтказишга чақиради:

Хижоб билан дўст бўлма гулрў,  
Ёз сўзимни ёдинг лавҳига,  
Умр ўзи ғоят қисқа-ку,  
Тўймоқ қийин толе шавқига,

Ёз сўзимни ёдинг лавҳига. (“Форс тароналари”, 18-б).

Есенин шеърларида фақат ва фақат овоз, хур инсонни мадҳ этади. Чунки шоир қалби айнан шунга мойил, унинг ҳаёт йўли ҳам бунга исбот бўла олади, Есенин ҳар қандай чеклов занжирларни парчалаб, қалби амрига итоат этиб яшади ва буни лирик қаҳрамонига ва у орқали яратган идеал инсон образига сингдирди:

Шаҳарда ҳам қолмоғим маҳол,  
На қишлоққа майл сезарман,  
Бир йўл қолди; ўстириб соқол

Россияни дайдиб кезарман. (“Форс тароналари”, 4-б).

Афтидан, шоир “Форс тароналари” устида ишни йигирманчи йиллар бошида бошлаган кўринади. Ўша пайтлариёқ у форс шеърятини билан танишувдан таъсирланиб, ошуфталиги орта бошлаган эди. Аммо, бу даврда унинг ижоди шаклланиш жараёнини бошдан кечираётган бўлгани учун ҳали шоир услуби, поэтик тили сайқаллашиб улгурмаган эди. Унинг наздида “Форс тароналари” туркуми шоир ижодининг чўққиси бўлиши керак эди.

Дарҳақиқат, “Форс тароналари” Шарқ шеърятини “гавҳарлари”нинг энг сара топилмалари билан йўғрилган, муаллиф индивидуал услубини ярқиратиб юборган асар сифатида бўй кўрсатди. Ф. В. Лихолетов фикрича, “Форс тароналари” – “Туркистон осмони ва замини”дан таъсирланиш маҳсулидир<sup>27</sup>.

Сергей Есенин “Форс тароналари”да инсон талқинига, унинг ички кечинмаларига, осуда туюладиган кўнгул тубида қайнаб турган пўртаналарга алоҳида эътибор қаратди. Унинг лирик қаҳрамонлари доимо муҳаббатга талпинадиган, унгагина топинадиган кишилар сифатида қад кўтарди. Биргина Шаҳина образини олиб қарайдиган бўлсак, шоир унинг сиймосида Шарқ ва ўз ватани аёлларини таққослайди, турли-туман ўхшатиш ва метафоралар орқали улар тийнатидаги тафовут ва ўхшашликларни кашф қилади.

Шаҳина образини илк бор “Шаҳинам, о мани Шаҳинам...” шеъринида учратамиз. Шоирнинг лирик қаҳрамони Шарқ гўзалига худди ўз қайғу-аламларини, ватани ҳақидаги дил розларини эшитишга тайёр яқин кишисидек мурожаат қилади. Кейинроқ, “Дединг: Саъдий доимо ёрнинг...” шеъринида Шаҳина образи яна кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу шеърда шоир унинг гўзаллигидан ҳайратга

<sup>26</sup> Белоусов В. «Персидские мотивы». М.: Знание, 1968. С. 16.

<sup>27</sup> Тартаковский П. И. Свет вечерний шафранного края. (Средняя Азия в жизни и творчестве Есенина). С. 79.



тушади, қалбидаги ҳиссиётларини тўкиб солади:

Дединг: Саъдий доимо ёрнинг  
Сийнаси оларкан бўса.  
Худо ҳаққи, шошма, дилдорим,  
Қочмас ахир ўрганиш бўлса.

Дединг: – “Қуръон сўзи азалдан  
“Алқасосу миналҳақ” тамом!”  
Мен туғилган бўлсам Рязанда  
Қайдан таниш бўлсин бу калом.

Сен куйладинг: “Фрот ортида,  
Гуллар борки, қизлардан гўзал!”  
Бой бўлсайдим қўшиқ бобида  
Тўкир эдим бошқа бир ғазал.  
 (“Форс тароналари”, 16-б).

Таъкидлаш жоиз, Шаҳина образи  
“Форс тароналари” туркумидаги деярли  
барча шеърларда баъзан билвосита,  
баъзида эса бевосита учрайди, асар  
меҳваридан ўрин олган бу образ ундан  
кизил ипдек бошдан-охир сизиб ўтади.

“Фирдавсийнинг мовий диёри...”  
шеърида лирик қаҳрамон Форс диёри ва  
ўзининг Шаҳинаси билан хайрлашаркан, у  
хақидаги хотираларини асрлар мобайнида  
ёдда саклашга ваъда беради:

Сипқорурман энг сўнгги бора  
Шароб янглиғ мушқин бўйингни,  
Жоним Шаҳи, дилбар куйингни  
Айриларкан сендан, начора,  
Тинглагайман энг сўнгги бора!

(“Форс тароналари”, 21-б).

Севги мавзусида ёзилган “Бир жуфт  
оққуш – жонон қўллари...” дея  
бошланадиган шеърида Есенин яна  
ўзининг “дилбар Шаҳина”сига қайтади. Бу  
шеърида у муҳаббат туйғуси ва шоир  
тутган йўлнинг бир-бирига тўғри  
келмаслигидан, номувофиқлигидан  
ёзғиради:

Қандай яшай энди, билмайман,  
Ё Шаҳи-ла кечсин тунларим.  
Қариганда ё қилай армон  
Ишқни куйлаб ўтган кунларим.

(“Форс тароналари”, 22-б).

Орадан кўп ўтмай шоир “Хуросонда  
бир дарвоза бор...” номли шеърида яна  
Шаҳина ишқидея ўртана бошлайди:

Мардлигим не ишқ майдонида.

Айтинг, кимга қилай шарҳи ғам?!

Севмас бўлса Шаҳи жонидан,  
Ул эшикни очолмас бўлсам,

Мардлигим не ишқ майдонида?!  
 (“Форс тароналари”, 20-б).

Шарқ гўзали Шаҳина тимсоли ушбу  
туркум шеърларни бир ипга тизиб турган  
поэтик образ сифатида шоирнинг ер юзи  
аёлларига, нозик хилқат дея  
таърифланадиган ожизаларга  
муносабатини ифодалайди. Ушалмаган  
ишқ, амалга олмаган орзулар, озурда  
кўнгил қисмати яққол сезилиб турадиган  
мазкур шеърларда шоирнинг бетиним  
сиймоси, ҳассос шахсияти кўринади, ўзга  
юртларни ватанига қиёслаётган, таккослар  
орқали ўзини овутишга уринаётган озурда  
жоннинг ҳароратли нафаси уфуриб туради.  
“Форс тароналари” туркумидаги “Нечук  
маъюс таратар зиё, Ой Хуросон  
чаманларига...” дея бошланадиган шеърида  
биз форс гўзалини сўнгги бор учратамиз:

“Не учун Ой маъюс нур сочур?”

Чечакларни тутдим сўроққа.

Улар деди: гулдан сўраб кўр

Сахар пайти кирганда бокқа.

Гул тебратди аста шохини,

Тилга кириб сўйлади гулбарг,

“Ўзга билан бўлди Шаҳина,

Ўпди бу кеч ўзгани дилбар”. (“Форс  
тароналари”, 22-б).

Шоир лирик қаҳрамони бирмунча  
карама-қарши ва кўп қиррали. У шоир  
билан бирга ўзгарди, ўсди, одамлардан  
кўнгли қолди ва қайта жонланди. Шунинг  
учун айтиш мумкинки, Есенин  
шеърятининг лирик қаҳрамони, асосан,  
автобиографикдир.

Сергей Есениннинг “Форс  
тароналари” тўплами ўзбек шеърятини  
бу қадар шухрат топиши ва ўз ўрнига эга  
бўлишида тўпламни ўзбек тилига маҳорат  
билан ўгирган Эркин Воҳидовнинг ўрни  
беқиёс. Ўзбекистон халқ шоири У. Азим  
таъкидлаганидек, Эркин Воҳидов шоир  
шеърларини баъзи ўринда “китобга  
қарамасдан” таржима қилган. Шу  
сабабандир, Сергей Есенин шеърларида  
ўзбекона самимият, соддалик сезилиб  
туради. Эҳтимол, шунинг учун ҳам



бугунги китобхон уни ўз миллий шоиридек севиб ўқийди.

Аммо, Есенин шеърларида ва биринчи навбатда “Форс тароналари”да асосий нарса – бошқа миллий дунё билан учрашган қахрамоннинг лирик акси. Есенин лирик қахрамони жуда кучли ҳис-ҳаяжон эгаси. У теран ва ўта кучли ҳис-туйғулар қуршовида яшаётган маънавий бой одам. Севги унинг ҳаётида катта роль ўйнайди. Бошқача айтганда, бу – қахрамонга яшаш ва ижод қилиш учун куч беради.

Шу тариқа, “Форс тароналари”даги лирик қахрамон – муҳаббатга ошно ижодкор образи Есенин шеърлятининг меҳварида туради. Айтиш жоизки, Есенин лирик қахрамони ҳамиша ўзини қалбан ёш ҳис қилади, шунинг учун бўлса керак у

вояга етганини, етукликни жуда оғрикли қабул қилади. Йиллар уни ортга қарашга, яшаб ўтилган умр ҳақида баъзи хулосалар чиқаришга мажбур қилади. Бирданига бўлмаса-да, лекин, у барибир борлик қонуниятларини қабул қила олади ва тушунади, ўзини ва ҳаётини баҳолайди, қайғу таъмини тортса-да, ўз хотиржамлигини топади.

Сергей Есенин шеърляти шоир яшаган қийин ва қарама-қарши даврнинг барча аломат-белгиларини ўзида мужассам этган. Бу шеърят шоир бошдан кечирган воқеаларни, ҳис-туйғулар, фикрлар, энг муҳими, унинг руҳиятини ўзида ифода этади. Айтиш мумкинки, шоирнинг фожиали тақдири унинг ижодида тўлатқис ўз аксини топган.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Белоусов В. «Персидские мотивы». М.: Знание, 1968.
2. Есенин С. Пол. собр. соч. / Ин-т мировой лит. РАН / Гл. ред. Ю. Л. Прокушев. Т. 4 / Сост, подгот. текста, коммент. С. П. Кошечкина, Н. Г. Юсова; науч. ред. Л. Д. Громова. - М.: Наука; Голос. 1996.
3. Есенин С. Форс тароналари. Шеърлар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007.
4. Тартаковский П. И. Свет вечерний шафранного края... (Средняя Азия в жизни и творчестве Есенина).

*Худойбердиева Д. Толкование лирического героя в “Персидских мотивах” Сергей Есенина. В статье анализируется образ лирического героя и его духовное выражение в “Персидских мотивах” С. Есенина. В частности, образ Шахины, являющийся симбиотическим образом, который выражает природу поэзии С.Есенина, её эмоциональность и глубокую экспрессивность.*

*Khudoyberdieva D. Interpretation of the Lyric Hero in "Persian Motives" Sergei Esenin. The article deals with the interpretation and expression of the spirit of the lyrical heroes in the poems in the lyrical series “Persian songs” by Sergei Esenin. It is clarified that the concept of personality under the poet, the system of images in the series, in particular, the image of Shahina is a symbiotic image. The dark emotion, deep expression, and poetic originality of the comparative analogies inherent in Esenin’s poetry are analyzed.*



## СИНХРОН ТАРЖИМАДА ХАТОЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

*Сайфуллаев Анвар Исламович,  
ТошДЎТАУ (PhD) доцент в.б.*

**Калит сўзлар:** таржима сифати, тил қурилмаси, хатолар типологияси, қўйиш, тушиб қолдириш, алмаштириш.

Таржима сифатини баҳолаш муаммоси кўплаб методистлар ва таржимонлар томонидан ўрганилган. Баҳолашнинг объекти сифатида таржима маҳсулоти – таржима тилида яратилган матнлар ва уларнинг сифати, яъни уларнинг мукамаллик даражаси ёки стандартга мувофиқлигидир [4,133]. Таржима сифати муаммосига амалий ва лингвистик ёндашувлар мавжуд.

Лисоний маънода таржиманинг сифати хорижий тил ва таржима тилидаги хабарлар шакли ва мазмунининг муқобиллигига риоя қилиш билан боғлиқ [5, 78].

Прагматик маънода сифат мутлақ эмас, бу контекстга боғлиқ. Таржиманинг мақсади атроф-муҳитга, алоқа нормаларига, алоқа иштирокчиларига қараб ўзгаради. Ушбу жиҳатдан, баённинг семантик томони тил қурилмасидан кўра муҳимроқдир.

1986 йилда Х. Бюхлер синхрон таржима фаолиятида таржимани баҳолаш мезонларини таклиф қилди ва уларни конференция таржимонлари кўмитасига тақдим этди. Х. Бюхлер томонидан таклиф қилинган таржима сифати мезонларига қуйидагилар киради.

- таржима таркибини баҳолаш;

-таржиманинг тил қурилмаларини баҳолаш, яъни таржима матнини ҳосил қилишда тил равонлигини намойиш қилиш, мантикий изчиллик, грамматик тўғри ва шунингдек, атамалардан етарли даражада фойдаланиш.

- таржима баёнини баҳолаш (ёқимли овознинг мавжудлиги, акцентнинг етишмаслиги) [3]. 1995 йилда таржимонлар кўмитасининг таклифига биноан иштирокчиларнинг таржима

сифати ҳақидаги тушунчаларини ўрганиш ўтказилади. Натижалар шуни кўрсатдики, таржима жараёнида хабарнинг шаклини эмас, балки маъносини етказиш муҳимроқ. Таржимонлар ва хабарни қабул қилувчиларнинг, яъни конференция иштирокчиларининг фаолияти текширилди.

Тадқиқот давомида таржимонлар конференция иштирокчиларига қараганда техник ёрдамга нисбатан анча қатъий талабларга эга эканлиги аниқланди [6, 70].

1995 йилда И.Куртс, Ф. Поххекерлар Австрия ва Германия телевиденияларида таржима сифатини ўргандилар. Телевизион ходимлар ўртасида ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, семантик ёзишмалар ва мантикий изчилликдан ташқари, ёқимли овоз, таржима баёнида равонлик ва акцентнинг йўқлиги устувор аҳамият касб этган [4, 171]. Шу билан бирга, Ф.Поххекер маърузачи нутқини қабул қиладиган коммуникатив акт иштирокчиси томонидан таржима таркибига кириб бориш даражасининг чуқурлигини баҳолаш керак деган хулосага келди. Бундай ҳолда, тушуниш даражасига таъсир қилувчи омиллар муҳим роль ўйнайди: таржима ҳосил бўлиш тезлиги, интонация, хатоларнинг мавжудлиги/йўқлиги, овоз хусусиятлари ва бошқалар.

Шунингдек, Ф.Поххекер таржимани коммуникатив фаолиятнинг маҳсули сифатида баҳолашни ва алоқа ҳолати, мулоқотнинг ўзаро алоқадор томонлари ва гиперматн каби таркибий қисмларни ҳисобга олишни таклиф қилди. Ф. Поххекер томонидан таклиф қилинган баҳолаш усули матн параметрларини (камчиликлар, матн таркибидаги



ўзгаришлар), артикуляция ва овознинг ўзига хос хусусиятларини, вақтинчалик хусусиятларни (тезликни, паузаларни, таржима ҳосил қилишда ритмни), тақдирот хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради(тайёрланмаган нутқ, ёзувлардан фойдаланган нутқ, таржимани амалга оширишда ташаббуслар, жуда узоқ паузалар, дудуқланиш, паралингвистик элементларнинг мавжудлиги (йўталиш, кулиш) кабилар [7, 226].

Д.Гил ҳам сифат мезонларини аниқлаш муаммоси билан шуғулланган. У куйидаги мезонларни аниқлади: равшанлик, лингвистик мақбуллик, терминологик аниқлик; ахборотнинг аниқлиги (тўғрилиги), мантиқий кетма-кетлиги, таржимоннинг вазиятга мос хулқ-атвори [4,34]. Таржима сифатини баҳолашда А. Копсинский тафсилотларни узатишни, атамалардан фойдаланишда аниқликни, умумий таркибни таржима тилига ўтказишни ҳисобга олган.

Юқорида таъкидланган мезонларни таҳлил қилишда, аслиятнинг маъносига мувофиқлиги барча тадқиқотчилар томонидан таржима сифатини баҳолашда энг муҳим мезон сифатида тан олинган. Матн ичидаги мезонлар бўйича хабарнинг мантиқий бирлиги ва изчиллигини таҳлил қилиб, семантик мосликларни аниқлаш мумкин. Таржиманинг энг жиддий муаммолари атамаларни нотўғри ишлатиш, аслият тилини ҳаддан ташқари умумий ёки батафсил узатилиши деб ҳисобланади. Бунинг ортидан лингвистик нуқсонлар (тўлиқ бўлмаган жумлалар, грамматик ва услубий хатолар) ва таржима баёнида нуқсонлар келиб чиқади (равонликнинг етишмаслиги, ёмон дикция, монотонлик, нотекис темп).

Хорижий тил ва таржима матни таркиби бўйича баъзан тадқиқотларда улар таъсирининг коммуникатив функциясининг мослиги дейилади. Аммо, таъсирга таржиманинг тил қурилиши туфайли ҳам эришилади. Шунинг учун лингвистик ва нутқ атамаларида хорижий тил ва таржима бир-бирига мос келиши керак. Таржимани баҳолашда хабарни тақдир этиш омилларини ҳисобга олиш

керак. Уларнинг аҳамияти амалга ошириш шартларига боғлиқ.

Таржимада тил қурилишини таҳлил қилишда куйидагиларни баҳолаш тавсия этилади:

- семантик силжиш ёрдамида таржима қилиш ёки сўзнинг маъносини ўзгартириш;

- шакл ўзгариши билан таржима қилиш, яъни парафраза ёрдамида;

- хорижий тилдаги нутқни таржимада сўзма-сўз узатиш: таржиманинг энг юқори лексик ва грамматик эквивалентлиги даражаси каби.

Ҳар бир маълумот учун хорижий тил ва таржима тили ўртасидаги фарқ / ўхшашлик мезонлари куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади:

- семантик силжиш билан таржимада тақдир этилган хабарлар сони,

- парафразланган хабарлар сони,

- сўзма-сўз таржима қилинган хабарлар сони ёки максимал лексик ва грамматик эквивалентликнинг мавжудлиги,

- парафраз ва семантик силжиш ёрдамида таржима қилинган хабарлар сони.

Хорижий тил ва таржима тилининг синтактик эквиваленти / тенгсизлиги таржимадаги хабарларнинг жойлашуви билан, яъни хабарларнинг асосий ёки бўйсунувчи бандга тегишлилиги ва жойлашишини таққослаш йўли билан аниқланиши мумкин. Таржима пайтида хабарлар жойининг ўзгариши, маълумотларни бошқа турдаги жумлага кўчириш сабаблари ўрганилди.

Таржиманинг сифатини баҳолашда ҳар доим таржиманинг ҳақиқийлиги ёки мақбуллиги тўғрисида савол келиб чиқади. Демак, таржимон референт хабарининг маъносига чуқур кириб бориш учун билимга эга бўлиши керак. Бошқа тадқиқотчилар фикрича таржимоннинг билим даражаси таржимани амалга ошириш учун етарли бўлиши керак, аммо, таржимонга ушбу билим соҳаси мутахассиси бўлиши шарт эмас.

Шундай қилиб, таржима сифатини баҳолаш мезонларини белгилаш шакл ёки





мазмундаги устувор йўналишларни аниқлаш билан боғлиқ. Шу билан бирга, таржима учун таркибни муҳимлигини англаган ҳолда, тилни етарли даражада лойиҳалаштириш ва таржима баёнини етказиш зарурлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Синхрон таржимани ўқитишда таржимани баҳолашда талабалар томонидан йўл қўйилган турли хил хатолар таъкидланади.

Синхрон таржимани амалга оширишда талабалар таржималарида турли хил хатолар пайдо бўлиши муқаррар. Хатоларнинг турларини ажратиб кўрсатиш, шунингдек, уларни бартараф этиш йўллари топишга ҳаракат қилиш керак.

Таржимон тадқиқотчилари ва ўқитувчилари такрорланган хатоларни таҳлил қилиш таржима пайтида пайдо бўлишини олдиндан билиш ва ҳатто унинг олдини олиш, шунингдек, ўқитиш услубларини такомиллаштиришга имкон беришини аниқлайдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, хатонинг сабабини тушуниш, уни йўқ қилиш йўллари топиш учун зарурдир. Таржима матнини яратишда хатолик хорижий тил ёки таржима матнининг лингвистик ёки таржима хусусиятларини билмасликдан келиб чиқадиган хатони ажратиб туради.

Адабиётларда таржиманинг лингвистик меъёрларидан алоқа жараёнини амалга оширишга таржимоннинг асосий вазифаси - маърузачи ва тингловчи ўртасида маълум шароитларда мулоқотни амалга ошириш даркор [5, 75].

Синхрон таржимада таржима матни асл матндан уч жиҳатдан фарқ қилиши мумкин: уни таржима матни билан таққослашда фрагментларининг етишмаслиги, таржимага мавжуд бўлмаган қисмларни қўшиш ёки таққослашда баъзи қисмларини алмаштиришнинг мавжудлигидир.

Г.Барик, таржиманинг маъносини сезиларли даражада бузадиган бир қисмини алмаштириш “хато” деб

ҳисоблайди [2, 121]. Келинг, бу турларни кўриб чиқайлик:

**Тушириб қолдиришлар (Omission).** Ушбу матнларни таққослашда таржима матнида лексик бирликлар, иборалар ёки жумлаларга тенг келадиган ҳолатлар мавжуд эмас. Камчиликларнинг қуйидаги кичик гуруҳларини ажратиш мумкин: етишмовчиликлар - камчиликлар; тушунмовчилик туфайли камчиликлар; маърузачидан ортиқча орқада қолиш сабабли камчиликлар; турли хил нутқ сегментларининг комбинацияси туфайли қолдирилган хабарлар [2, 123].

**Қўшишлар (Addition).** Қўшимчаларни ишлатиш сабаби - бу аслиятда топилмайдиган, аммо, таржимада мавжуд бўлган лексик бирликлар, иборалар, жумлаларни киритиш орқали амалга оширилади. Ушбу хатолар гуруҳига қуйидагилар киради: таржима матнида қўшимчалар, фикрни ривожлантириш учун қўшимчалар, уланишнинг янги турини ёки боғловчи элементни қўшиш, хабарни бажариш учун қўшимчалар [2, 125].

**Алмаштиришлар (Substitution).** Алмаштириш - бу тушириб қолдириш ва қўшишнинг комбинацияси. Баъзи алмаштиришлар таржима матнидаги таркибини ўзгартирмайди, бошқалари эса уни бузади. Алмаштириш лексик бирликка ҳам, иборага ҳам, бутун гапга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Алмаштиришларнинг бир нечта турлари мавжуд. Алмаштириш фақат маълум бир сўз маъносига таъсир қиладими ёки жумла маъносини ўзгартирадими, сўз даражасидаги алмаштиришлар ёки сўз бирикмаси ёки ҳатто бутун жумла маъносига таъсир кўрсатадиган жойлар ажратиб кўрсатилади. Ушбу гуруҳлар ичида алмаштиришлар таржима матнининг ўзгариши даражасига кўра бўлинади: моҳиятни сақлаб қолиш билан алмаштириш ва хабар моҳиятини ўзгартариш билан алмаштирилади.

Сўз даражасидаги алмаштиришларга муҳим семантик алмаштиришлар ва кичик семантик алмаштиришлар киради.



Кичик семантик алмаштириш нотўғри таржима туфайли сўз ёки иборани алмаштириш мумкин, аммо, умуман олганда, бундай алмаштириш бутун жумланинг маъносига таъсир қилмайди. Мисол: 1. ***The whole result was cast into doubt.*** Бутун натижа шубҳа остига қўйилди. Аммо, қайта санаи шубҳа остига қўйилди.

Муҳим семантик алмаштириш сўз маъносини ўзгартиради, аммо, бутун иборанинг маъносини ўзгартрмайди. Бу куйидагиларга боғлиқ бўлиши мумкин: агар қабул қилинган сўз омонимига эга бўлса, сўзнинг таржимада нотўғри тушунчаси; маълумотларнинг нотўғри боғлиқлиги ёки нотўғри етказилган маъноси бўлиши мумкин.

Фраза ёки жумла даражасидаги алмаштиришлар куйидаги турлардан иборат: иборанинг озгина ўзгаришини ўз ичига олган алмаштиришлар; иборадаги сезиларли ўзгаришларни ўз ичига олган алмаштиришлар.

Сўз бирикмасининг озгина ўзгаришини назарда тутадиган алмаштиришларга хабарнинг моҳиятини сақлаб қолган ҳолда нутқ фрагменти таркибини алмаштириш киради. Масалан:

1. ***Bush's campaign manager spoke to the crowd.*** Бушнинг сайлов компанияси менежери оломон билан гаплашди. Бушнинг сайлов компанияси менежери оломон олдида чиқиб кетди.

Сўз бирикмасида сезиларли ўзгаришларни ўз ичига олган алмаштиришларда ибора маъноси ўзгаради, аммо, умуман, гапнинг умумий маъноси сақланиб қолади. 1. ***The mood changed and the Democrats who had slumped into despair found all enough beat lost just as yet.*** Кайфият ўзгарди ва умидсизликка тушиб қолган демократлар ҳали ҳам маглубиятни тан олишмади. Ва аллақачон умидсизликка тушиб қолган демократлар, сайлов компанияси ҳали тугамаганлигини эълон қилишмади.

Сўз бирикмасининг сезиларли ўзгаришини ўз ичига олган алмаштиришлар сўзлар маъносининг жиддий бузилиши билан боғлиқ. Буларга

таржимон маърузачидан орқада қолиб кетадиган нутқнинг бир қисмини тушунмаслик ёки жуда кўп нутқ сегментининг мавжудлиги билан боғлиқ спекуляция; йўқолган қисмини тиклашга уриниш туфайли сўзнинг бошқа маъносини англатадиган алмаштиришлар; фақатгина нотўғри таржима қилинган эмас, балки бутун фрагментининг маъносини ўзгартирадиган нотўғри тушунишдан келиб чиқадиган алмаштиришлар киради [2, 130].

Таржима хатоларини ўрганувчилар билан биргаликда биз Г.Барикнинг юқорида тавсифланган хатоларининг типологиясини ўта умумий деб ҳисоблаймиз. Ушбу типология ёрдамида баъзи хатоларни қандай қилиб енгиб ўтиш ҳақида ғояни шакллантириш мумкин эмас. Г.Барик томонидан аниқланган хатоларнинг кўп турлари ноаниқликлар, масалан, қўшимчалар ёки алмаштиришларнинг айрим турлари сифатида талқин қилиниши мумкин. Хатолар типологиясида тил даражаларига бўлиниши, шунингдек, шакл ва мазмун даражасида хатолар мавжудлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Г.Барик томонидан таклиф қилинган хатолар таснифидан фойдаланганда маълум бир қўшимчалар ёки камчиликлар тил қурилмаси даражаси билан боғлиқми ёки бу хабарнинг маъносини етказишга ҳам таъсир қиладими ёки йўқлигини аниқлаш қийин.

Агар биз Д.Гил томонидан берилган таржима сифати таърифидан келиб чиқадиган бўлсак –“маълумотларнинг аниқлиги бу таржима нутқининг сифатини белгилайди” [4, 34], демак, биз учун энг муҳим таҳлил қилиш соҳалари таржиманинг мазмуни ва тил тузилишидир. Шунга кўра, таржимани таҳлил қилишда икки хил ноаниқликларни ҳисобга олиш керак: ахборот мазмуни билан боғлиқ ноаниқликлар ва таржимани баён этиш билан боғлиқ ноаниқликлар ва унинг шаклини бузишлари ҳисобга олиниши керак.

Маълумот таркибни узатишда ноаниқликларга куйидагилар киради:



ноаникликлар, камчиликлар, бузилишлар. Аниклик, тингловчини чалғитадиган, йўналтирувчи характердаги нуқсон деб тушунилади. Масалан: *The result is still open. Natijasa xali xam ochiq, qayta xisoblash xali xam ochiq.* Нуқсон - бу ноаникликнинг жиддий шакли, бу ноаниклик мавжудлигидан кўра кўпроқ даражада тингловчининг нотўғри маълумотларини ўз ичига олади.

Масалан: *Thousands of Americans waited for the results. Minglab amerikaliklar natijalarini kutishdi. Bushning minglab saylovchilari ovoz berishini ёmgir ostida kutishdi.* Бузилиш, нутқ фрагментини нотўғри тушуниш сабабли таржимада ноаниклик мавжудлигини англатади. Ушбу турдаги ноаникликлар семантик хатоларга имкон қадар яқинроқ [1, 74].

Масалан: *The last picture showed Gore casting his ballot ... Oxirgi rasmda Gore ovoz beraytgani aks etgan ... Bush oxirgi марта бюллетенни оvoz berishi savatiga tashlaytgani kўrilgan.*

Таржима матнини ҳосил қилишда улар пайдо бўладиган тил ва нутқ даражаларига мувофиқ, яъни лексик, грамматик даражадаги ноаникликларни ажратиб кўрсатиш биз учун ўринли кўринади; тил тизими, меъёр ва узус даражасидаги ноаникликлар ҳам мавжуд.

Таржима тилини лойиҳалашдаги ноаникликларга қуйидагилар киради: тизим-тил, семантик, норматив-лингвистик, одатий (норматив-услубий, функционал-услубий).

Тизим тилидаги ноаникликлар - бу тизим даражасида бўлиши мумкин бўлган, аммо, норма даражасида қабул қилинмайдиган ҳолатлар. Масалан: *Our analyst reports. Taхlilchimiz xisobot beradi. Bizning taхlilchi xisobot beradi.*

Семантик ноаникликлар - бу тил тизими бузилишининг алоҳида ҳодисасидир, улар сўзларнинг семантик мувофиқлиги бузилишини англатади. Масалан: *Instead Bush's campaign manager spoke to the crowd. Uning ўrniga Bushning saylov kompaniyasi menejeri oломон bilan gaplashdi. Uning ўrniga Bushning*

*saylov kompaniyasi menejeri oломон oldida chiqib ketdi.* Лингвистик ноаникликлар - бу сўзнинг, грамматик конструкциялар ва синтактик шакллардан тил нуқтаи назаридан нотўғри фойдаланиш ҳолатларидир. Масалан: *The decision on who's going to be the president of the US has been postponed. AQSh prezidenti kim бўлишига oid qaror қолдирилди. AQShning navbatdagi prezidenti kim бўлишининг natijasasi кечиктирилди.*

Анъанавий ноаникликлар гуруҳига услуб бўйича сўздан ноўрин фойдаланиш ҳолатлари (меъёрий услубий ноаникликлар) киради. Масалан: *The last picture showed Gore casting his ballot on election day. On Tuesday evening he conceded defeat. Sўnggi rasmda Gore saylov kuni ovoz beraytgani aks etgan. Seshanba kuni кечқурун у мағлубиятини тан олди. Уни oxirgi марта saylov бюллетенни ташлаганида кўришган. Seshanba kuni кечқурун Gore мағлубиятини тан олгани кўринди.*

Ушбу гуруҳга меъёрий ва услубий ноаникликлар билан бир қаторда функционал ва услубий ноаникликлар ёки функционал услубга риоя қилмаслик ҳолатлари киради [1, 34-35].

Таржимани етказишдаги ноаникликлар қуйидагиларни ўз ичига олади: таржимани баён қилишда равонликнинг етишмаслиги, бу таржимани талаффуз қилишда нотўғри бошланишни келтириб чиқариши, тингловчининг концентрациясини бузиши ва мулоқотга халақит бериши мумкин; таржимон томонидан таржима фрагментининг жуда эрта киритилиши ва талаффуз қилиниши, у охиригача қулоқ солмаган ва таржимада етказилиши керак бўлган сегментнинг барчага етиб бормаганлиги; таржиманинг такрорий бошланиши, бу тингловчини безовта қилади.

Таржима жараёнида юзага келадиган иккинчи ноаниклик - бу риторик таъсирни йўқотишдир. Синхрон таржимада ҳосил бўладиган ноаникликларни танлаш ва тахлил қилиш биз учун машқлар мажмуасини ишлаб чиқишга туртки бўлади.



Таржима маҳоратига эга бўлиш, синхрон таржимани амалга оширишда тажриба тўплаш, шунингдек, ўзини бошқариш қобилияти ривожланганлиги қийин шароитларда ҳам муносиб таржимага эришишга ёрдам беради.

Синхрон таржимани амалга оширишда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш йўллари излашда ўқитишни самарали ташкил этиш муҳим роль ўйнайди.

Хулоса ўрнида таржима сифатини баҳолашнинг муҳим мезонлари - бу хабар маъносини узатиш ва таржиманинг тил қурилишидир. Талабалар таржима матнини таҳлил қилишда қуйидаги ноаниқликларни текширишади: маънони

узатишда ноаниқликлар (камчиликлар, бузилишлар) ва таржима матни тилини лойиҳалашдаги ноаниқликлар (тизим-лингвистик ва семантик, норматив-лингвистик, одатий (норматив-) хабар маъносини узатишда ноаниқликлар, услубий, функционал-услубий). Аслият тилида тинглаш қўникмаларини оширишга қаратилган машқлар тавсия этилади.

Синхрон таржимани она тилида ўқитишда таржима матнини шакллантириш ва талаффуз қилишда риторик маҳоратнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва махсус терминологияни билмасликлари каби қийинчиликларни ҳисобга олиш керак.

#### **Адабиётлар:**

1. Латышев Л. К., Проворотов В. И. Структура и содержание подготовки переводчиков в языковом вузе. -М.: НВИ - Тезаурус, 2001 - 136 с.
2. Barik H. C. A Description of various Types of Omissions, Additions and Errors of Translation encountered in Simultaneous Interpretation. University of North Carolina. In: "Bridging the Gap: Empirical Research in Simultaneous Interpretation". Eds. S. Lambert, B. Moser-Mercer. Amsterdam/Philadelphia, John Benjamins, 1994. P. 121-137.
3. Buehler H. "Pragmatic Criteria for the Evaluation of Professional Translation and Interpretation". J. Den Haese, Nivette J., eds. AILA 1984 Proceedings. Brussels. 4.
4. Gile D. "Basic Concepts and Models for Conference Interpretation Training. Paris, INALCO and CEEI[ISIT], 1990.
5. Koczynski A. Quality in Conference Interpreting: Some pragmatic problems. In: Eds. S. Lambert, B. Moser-Mercer B. "Bridging the Gap: Empirical Research in Simultaneous Interpretation". Amsterdam/Philadelphia, John Benjamins, 1994. P. 69-73
6. Kurz I. Overcoming Language Barriers in European Television. In: "Interpreting-Yesterday, Today and Tomorrow", ATA [American Translators Association], Scholarly Monograph Series, volume 6. Ed. by Bowen D. And M. State University of new York at Binghamton [SUNY], 1990. P.168-175.
7. Pochhacker F. Quality Assurance in Simultaneous Interpreting. University of Vienna, Austria. In: "Teaching Translation and Interpreting. Aims, Insights, Visions". Ed. By C. Dollerup. Amsterdam-Philadelphia. Benjamins, 1993. P. 233-242.

*Сайфуллаев А. Типология ошибок и их способы устранения в синхронном переводе. В статье проанализированы теоретические исследования и даны рекомендации по ошибкам, возникающим при синхронном переводе, их типам и способам устранения.*

*Sayfullaev A. Typology of errors and ways of solving them in simultaneous interpreting. The article analyzes the theoretical research on the errors encountered in the process of simultaneous translation, their types and methods of elimination, and develops recommendations.*



## ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОНЯТИЯ КОНЦЕПТОСФЕРЫ

*Амануллаева Камола Муминовна,  
Кандидат филологических наук СамГИИЯ (PhD)*

**Ключевые слова:** концептосфера, доминирующий, этноконцепт, идиоконцептосфера, языковая личность.

В этих строках трагедия не в героической смерти сыновей царя, а в любви и соперничестве двух братьев. В российском обществе, в котором живет А.С.Пушкин, наблюдались такие случаи, когда благородные мужчины убивали друг друга на дуэли из-за красивых женщин. Красивая жена А.С.Пушкина и жена Дантеса были сестрами – эти двое соперничающих дворян были близкими родственниками. Сказка поэта изображает красоту женщины, но если она служит злым, эгоистичным целям, морально не возвеличивает влюблённых, то скорее приводит к катастрофе. Узбекский поэт Рамз Бабаджан описывает ситуацию в этом отрывке следующим образом:

*Тор дарада беомон –  
Қирилиб қўшин ётар,  
Қандай даҳшатли аҳвол!  
Кўз ташлар бориб дарҳол  
Жонажон қўш ўғилга,  
Бесовут, бедубулга  
Иккиси ётар жонсиз,  
Бир-бирига омонсиз –  
Ўткир қилични санчиб.  
Отлари юрар санқиб ... [5:346]*

Трагическая сцена в этом отрывке представлена в захватывающих и страстных словах со множеством значений, как в оригинале, так и в переводе. Здесь мы видим, что вдохновение автора повлияло и на переводчика. Затем Пушкин создает трагикомедию и изображает короля Дадона: хотя он и стар, он попал в сети «любви» шемаханской принцессы, забыв, что именно её красота погубила его сыновей:

*Царь завыл: «Ох, дети, дети!  
Горе мне! попались в сети  
Оба наши сокола!  
Горе! смерть моя пришла». [7:65]  
Король плачет: “Фарзандим,  
Вой шўрим! Жигарбандим!  
Тузоққа лочинларим –  
Тушипти! Битди умрим” ... [5:346]*

Однако поэт изображает глупого царя: влюбившись в красивую женщину, принцессу шемаханскую, тот забыл о смерти своих сыновей. Поэт использует

гротескные, буквальные, символические аналогии.

Поэт сравнивает красоту принцессы шемаханской с ранним светлым лучом света, а царя Дадона – с ночной птицей, совой, которая не может смотреть на яркий свет и закрывает глаза:

*Вся сияя как заря,  
Тихо встретила царя.  
Как пред солнцем птица ночи,  
Царь умолк, ей глядя в очи... [7:66]*

Эти слова повторяются в переводе Рамза Бабаджана следующим образом:

*Шомахон маликаси,  
Сулув қизлар бекаси  
Жилмайиб тонгдай ёрқин,  
Шоҳни қаршилар сокин.  
Кунга боққан бойқушдек  
Шоҳ тикилиб қолди тек... [5:346]*

В этом отрывке добавление переводчиком фактически двух отрывков в текст перевода оправдывается, оно дается плавно, и поэтому незаметно, поскольку добавленный отрывок дает полное значение оригинала. Принцесса шемаханская принимает царя Дадона как гостя в течение недели, потом царь забирает ее и свою армию, а затем возвращается на свою землю. И в стране случается несчастье из-за прекрасной принцессы.

В конце произведения американского писателя Ибрагим ибн Абу Айюб, мудрый старик и султан Абен Абус ссорятся из-за принцессы. Мудрец использует свою магию, чтобы увести принцессу в подземный королевский дворец и исчезает. В сказке А.С. Пушкина царь Дадон убивает мудреца, ударив палкой ему в лоб, так они тоже ссорятся из-за принцессы. Золотой петух слетает с башни и убивает царя Дадона. Хотя Пушкин написал свою сказку по роману представителя американского романтизма Вашингтона Ирвинга, он создал совершенно новое произведение, отражающее настроение народа, его ненависть к тираническим и глупым королям. И не случайно, что царская цензура постоянно держала его творчество под надзором.





Накануне столетия со дня смерти А.С.Пушкина, включение перевода «Сказки о золотом петушке» Рамза Бабаджана в четырехтомное собрание произведений великого русского поэта, созданного известными узбекскими поэтами-переводчиками и писателями, показало достойное место данного произведения в творчестве поэта. Узбекский переводчик, восстановив при переводе и лингвистическую, и поэтическую тонкость произведения, добился нового произведения путём переработки исходного текста, эстетически воздействующего на читателя. Ибо, как утверждает Шахриёр Сафаров в своей книге «Когнитивные основы

переводоведения»: “Естественно, переводной текст это такой текст, который воссоздан путем переработки исходного текста. Воссоздание текста не происходит само собой, то есть машинально. Переводчик обрабатывает текст с учетом требований культурной и социально-политической среды. Такое осознанное перерабатывание дает толчок для создания нового текста. В результате, такой творческий перевод заканчивается внесением в литературный процесс инноваций, новых жанров, понятий и стилей” (перевод наш – А.К.). [6:28]

### Использованная литература

1. Аникин В.П. Русские писатели и сказка. // Сказки русских писателей. Москва, «Детская литература», 1982, стр.8
2. Друзья Пушкина. Сб.М.:«Правда», 1985. – 640 с.
3. Вашингтон Ирвинг. Новеллы, М., «Правда», 1985. – 352с.
4. Пушкин А.С. Сказка о золотом петушке // Сказки русских писателей. М., «Детская литература», 1982, стр.63-68.
5. Пушкин А.С. Олтин хўроз ҳақида эртак. // Танланган асарлар. Тўрт томлик. 2-том, Т., Ўздавнашр, 1954, Б.340-345.
6. Сафаров Ш.С. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2019. – 300 б.
7. Сказки русских писателей. Москва, «Детская литература», 1982. – 687 с.

*Кенжаев А. А.С.Пушкиннинг “Олтин хўроз ҳақида эртак” асарининг яратилиши манбаи ва уни ўзбек тилига таржимаси ҳақида. Ушбу мақолада А.С.Пушкиннинг “Олтин хўроз ҳақида эртак” асарининг яратилиши тарихи тўғрисида гап боради. Бундан ташқари, ушбу эртакнинг шоир-таржимон Рамз Бобожон томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси таҳлилга тортилади.*

*Kenjayev A. About the source of creation and translation into the Uzbek language of A.S.Pushkin's "The Tale of the Golden Cockerel". This article considers the creation history of A.S.Pushkin's "The Tale of the Golden Cockerel". The author also provides the translation analyses of this story into the Uzbek language, which is made by poet-translator Ramz Babajan.*



## ARAB TILIDA ZOIDA HARFLAR (AFFIKSLAR)

*Maxmudova Diyora Jamol qizi,  
ToshDShU 2-kurs doktoranti,*

**Kalit soʻzlar:** zoida harf, affiks, prefiks, suffiks, ot, feʼl, sifat, sifatdosh, soʻz vaznlari, harakatlar.

Arab tilida ism va feʼl soʻz turkumlariga oid yangi soʻzlarning yasashida zoida harflar muhim ahamiyat kasb etadi. Tilshunoslikda “zavaid” deb ham yuritiladigan ushbu harflar “affiks” termini maʼnosini bildirib, ular soʻzning boshi, oʻrtasi yoki oxiriga qoʻyiladi.

Somiy tillar oilasiga mansub tillarda qoʻshimchalar orqali soʻz yasalishi – affiksatsiya muhim ahamiyat kasb etib, arab tilida ham uning ahamiyati katta ekanligini koʻrish mumkin. Arab tilshunosi Ibn Yaʼyish zoida harflarni shunday taʼriflaydi:

“Zoida harf (affiks) soʻzga ergashib keluvchi qism boʻlib, u orqali maʼno kengayib boradi. Zoidaning asl mohiyati uning oʻzakka qoʻshilib, baʼzi holatlarda esa tushib qolishi, fa, ʼayn va lam harflari oʻrnida kelayotgan hech bir oʻzak harfining oʻrnini bosa olmasligida namoyon boʻladi. Zoida yo soʻzning bir qismining takrorlanishi, yoki oʻzak tarkibiga kirmaydigan boshqa bir harfning qoʻshilishi bilan xarakterlanadi” [Ibrohim Mustafu, Abdulloh Amin hij.1393: 11].

Rus tilshunosi Grande qoʻshimchalar yordamida soʻz yasalishi (“affiksatsiya”) somiy tillarga tegishli eng muhim morfologik xususiyatlardan biri ekanligini aytadi. Bu oilaga kiruvchi tillarda, xususan, arab tilida ham affikslar bir vaqtning oʻzida soʻzning boshi yoki oxirida, yo boʻlmasa oʻrtasida ham kelishi mumkin [B.M.Grande 1998: 101].

Arab tilidagi soʻzlar tarkibida affikslar ikki xil koʻrinishda namoyon boʻladi. Birinchisi, soʻz tarkibida harf affiks vazifasida kela oladi, masalan, “k,t,b” (“kataba” feʼlining oʻzbek tilidagi maʼnosi “yozmoq”) oʻzining birinchi harfidan soʻng alif qoʻshish bilan “kātibun” (“yozuvchi”/“yozayotgan”) soʻzi yasaladi, bu yerda alif sifatdosh yasovchi “-ayotgan”, yoki ot yasovchi “-uvchi” qoʻshimchalari maʼnosini bildiradi. Ikkinchidan, soʻz tarkibida harakat qoʻshimcha boʻlib keladi, masalan, “nahrun” (daryo) va “naharun” (kenglik, daryo) [Yasir Muhammad Albadaviy Muhammad 2012:22].

Arab tilida yangi soʻzlarning yasashida quyidagi harflar affikslar vazifasini bajaradi:

Alif	ا	Hamza	ء
Waaw	و	Nun	ن
Yay	ي	Ha	ه
Miym	م	Sin	س
Ta	ت	Lam	ل

Bu harflarni yodda saqlashni yengillatish maqsadida ular ishtirokida gap tuzilgan – “alyawma tansāhu” (tarj. Sen bugun uni unutasan) [N.Ibrohimov, M.Yusupov 1997: 33] va “sa ʼaltumūniyhaa” (tarj. Sizlar mendan uni soʻradingiz) iboralari koʻrinishida yod olinadi. Arab tili oʻrganuvchilari soʻzlarni oʻzak va affiks morfemalarga ajratayotganlarida bu iboralarga murojaat qiladilar, yaʼni, soʻz

tarkibidagi ushbu ibora ichida mavjud boʻlgan harflarni chiqarib tashlash orqali, ular soʻzlarni maʼnoli qismlarga ajratadilar. Zoida harflarga bagʻishlangan koʻpchilik tadqiqot ishlarida ularni umumiy “zavāid” deya, baʼzi holatlarda esa bunday harflarning soʻz tarkibida kelish oʻrniga koʻra, “savābiq” (“prefikslar”), “lavāhiq” (“sufikslar”) hamda “dawāxil” (“infikslar”) nomlari tilga olinadi. Arab tilida zoida harflar-affikslarning oʻzakka

### 1-jadval



nisbatan joylashishiga ko'ra tinterfiks, simulfiks, transfiks kabi turlari mavjud [ar.m.wikipedia.org].

Arab tilshunoslarining zoida harflarning soni xususidagi fikrlari doim ham bir joydan chiqmagan. Bunga misol sifatida Basra va Kufa tilshunoslik maktabi vakillarining zoidalar xususida bildirgan fikrlarini keltirish mumkin. Ushbu ikki maktab vakillarining zoida harflar haqidagi fikrlari bir-biridan tubdan farq qiladi. Biz bugungi kunda o'rganayotgan, zoida harflar soni o'nta ekanligi haqidagi nazariya, aslida, Basra maktabi vakillariga tegishli bo'lib, ular faqatgina mana shu o'nta harf arab tilida zoida bo'lib kela oladi, degan fikrni qo'llab-quvvatlaganlar. Kufa maktabi vakillari esa arab tilida ushbu o'nta harfdan boshqalari ham zoida bo'lib kela oladi, degan fikrni ilgari surganlar. Saudiyalik arab tilshunosi, professor Abdurrazzoq bin Faraj As-Soidiy esa zo'ida harflar sonini o'nta emas, sakkizta deb qayd etib, ularni eslab qolishga oson bo'lishi uchun "anistu yawman" (tarj. "bir kuni ko'nikaman") iborasini taklif qiladi. Yuqoridagi ibora tarkibiga ahamiyat berilsa,

lam hamda ha harflari zoidalar qatoridan chiqarib tashlanganini ko'ramiz. As-Soidiy buni lam va ha harflari so'z tarkibida zoida harf bo'lib kelganda, ular, qolgan zoida harflardan farqli ravishda, hech qanday so'z yasovchi yoki o'zgartiruvchilik xususiyatiga ega bo'lmasligi bilan izohlaydi. Olim fikriga ko'ra, zoida harflar ikki xil bo'ladi:

1. Standart morfologik so'z yasovchi qo'shimchalar, ularga yuqorida sanab o'tilgan sakkizta harf kiradi;

2. Tarixiy so'z yasovchi qo'shimchalar, ularga arab alifbosidagi barcha harflarni kiritish mumkin [As-Soidiy 2012].

As-Soidiy arab tili alifbosidagi barcha harflar ham so'z tarkibida qo'shimcha bo'lib kela oladi, degan fikriga klassik davr arab tilshunoslari Sa'lab, Ibn Foris Manha, Ali bin Al-Hasan al-Hunayy Al-Azidiylarning kitoblarida bu borada keltirilgan misollar bilan isbotlaydi. Al-Azidiyning "Arablar aytgan so'zlar g'aroyibotlarining saylanmasi" kitobida bunday so'z yasovchi qo'shimchalarga ko'plab misollar berilgan, quyida ulardan ba'zilar keltirilgan [Al-Azidiy 1989: 700]:

O'zak so'z	Zo'ida harflar qo'shilishi natijasida yasalgan hosila so'z
'Irtajja – qaltiramoq	'Irta 'aja – qaltiramoq ('ayn harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Şolama – uzmoq	Şolma 'a – uzmoq ('ayn harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Jarrada – mahrum qilmoq	'Ajrada – mahrum qilmoq ('ayn harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Hadilun – osilish	Hadliqun – osilish (qof harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
'Asalun– asal	'Asallaqu – mushuksimonlar oilasiga mansub yirtqich hayvonlar (qof harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Şolqun – baqirish, qichqirish	Şolanqoĥu – baqirish, qichqirish (qof va nun harflari qo'shimcha sifatida kelgan)
Şuflun – qoldiq	Ĥuşfulun – suyuq taomlarning tagida qolgan non ushoqlari (ĥa harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Şarraba – qattiq koyimoq	Xaşarrabat albi 'r –quduq suvi ifloslandi(xo harfi qo'shimcha sifatida kelgan)
Dumrun – ozg'inlik	Dumrū – ozg'inlik (xo harfi qo'shimcha sifatida kelgan)

2-jadval



Shuningdek, Al-Azidiy tarkibida standart oʻnta zoida harflaridan (alif, lam, yay, waw, mim, ta, nun, sin, ha, xamza) tashqari qoʻshimchalar boʻlgan soʻzlarning yasash xususiyati borasida ham oʻz fikrlarini bildirib oʻtgan boʻlib, muallif fikriga koʻra, zoida harflar qoʻshilishi natijasida baʼzi uch oʻzakli soʻzlar dastlab toʻrt oʻzakliga, unga yana qoʻshimcha qoʻshilishi bilan esa besh oʻzakliga asta-sekinlik bilan oʻzgarib boradi, masalan:

Hamara – ming ʼirlamoq

↓

Hamraja – shovqin solmoq

↓

Hamarjalatun – tez yuruvchi tuya

Baʼzi uch oʻzakli soʻzlar aslida zoida harf qoʻshilgan ikki oʻzakli soʻzlarning hosila shaklidir, masalan:

matʼta (“choʻzmoq”) – maʼtala (“orqaga tortmoq”, “choʻzmoq”)

romma (“aynimoq”) – rozama (“kiyim taxlamoq”)

rajja (“silkitmoq”, “titramoq”) – raʼija (“koʻpaymoq”)

Al-Azidiy bilan bir qatorda, ibn Foris Manha ham hijoiy harflarning soʻz tarkibida qoʻshimcha sifatida kelishini oʻrganib, oʻzining “Oʻlchamlar” nomli lugʼatida ularni tahlil qilgan. Olim jami 249 ta toʻrt va besh harfli soʻzlarni oʻrganib, ularning har birini qaysi hijoiy harflar vositasida yasalganini koʻrsatgan. Ushbu soʻzlardan 35 tasi ro, 20 tasi ʼayn, 19 tasi ba, 11 tasi dal, 6 tasi fa va beshtasi ha qoʻshilishi natijasida yasalganini aniqlagan hamda sha, za va sod harflarini qoʻshimchalar qatoriga kiritmagan [As-Soidiy 2012].

Arab tilida soʻz, unga zoida harflarning qoʻshilishi natijasida toʻrt, besh, olti va hatto, yetti oʻzakli hosila soʻzga ham oʻzgarishi mumkin. Ushbu harflar soʻz tarkibida, albatta, arab tilidagi unli tovushlarni bildiruvchi kasra (“i”), qomma (“u”) hamda fatha (“a”) harakatlaridan biri bilan keladi. Soʻzni maʼnoli qismlarga ajratishda, ushbu harflarning joylashish oʻrniga ham eʼtibor berish lozim, aynan shu jihat orqali soʻzlarni maʼnoli qismlarga oson ajratish mumkin. Buni quyidagi bandler orqali muxtasar izohlab beramiz:

1. Soʻz tarkibidagi uch undosh harflardan oldin kelayotgan har bir hamza, yay, nun va ta harflari zoida harflar sanaladi, masalan:

**ʼAktubu:** Men yozayapman. Ushbu soʻzning birinchi hamzali alif harfi hozirgi zamon feʼlining birinchi shaxs, birlik shaklini yasovchi “-yapman” qoʻshimchasi sanaladi.

**ʼAhmadu:** 1. Ahmad; 2. Eng maqtovli. Ushbu soʻzda ham birinchi hamzali alif harfi sifatning qiyosiy-orttirma darajasini yasovchi qoʻshimcha hisoblanib, bu yerda u “eng” yuklamasi maʼnosini bildiradi.

**ʼYadribu:** U urayapti (muzakkar jinsi). Bu soʻzning birinchi ya harfi feʼlining hozirgi zamon shaklini yasovchi uchinchi shaxs birlik “-yapti” qoʻshimchasidir.

**ʼNajma ʼu:** Biz yigʼayapmiz. Ushbu feʼl tarkibidagi dastlabki nun (n) harfi feʼlining hozirgi zamon shakli, birinchi shaxs, koʻplik sonini yasovchi “-yapmiz” qoʻshimchasidir.

**ʼTasma ʼu:** 1. Sen eshitayapsan (muzakkar jinsi). 2. U eshitayapti (muannas jinsi). Ushbu feʼldagi ta harfi feʼlining hozirgi zamon shakli, ikkinchi shaxs, birlik sonini yasovchi “-yapsan” (kontekstga qarab, “-yapti” deb ham tarjima qilish mumkin) qoʻshimchasidir.

2. Uch va undan ortiq undosh harflardan oldin kelayotgan har bir mim zoida harf sanaladi, masalan:

**ʼMaʼshna ʼun:** zavod. Bu soʻzning mim harfi oʻrin-joy nomini yasovchi qoʻshimcha sanaladi.

**ʼMahmuudun:** maqtalgan. Bu soʻzda esa mim, choʻziq “u” unli tovushini bildirayotgan waw bilan birgalikda majhul daraja sifatdash yasovchi “-l” qoʻshimchasi vazifasini bajarib kelmoqda.

**ʼMusmi ʼun:** majburlab eshittiruvchi, ijrochi. ʼAsma ʼa (majburlab eshittirmoq; ijro etmoq) toʻrtinchi bob vazni shaklida turgan feʼldan, uning boshiga “mu-” prefiksini qoʻyish orqali aniq daraja sifatdash shakli yasaldi. Bu soʻz tarkibida mim zoida harf sanaladi. U oʻzbek tilida ot yasovchi “-chi” yoki “-yotgan” qoʻshimchalariga toʻgʻri keladi.

**ʼMunʼtoliqun:** yoʻlga chiqayotgan odam. Bu yerda ham ajratib koʻrsatilgan zoida harf orqali aniq daraja sifatdash shakli yasaladi.



3. Uchta undosh harflardan oldin kelayotgan har bir alif va nun, yay va nun, ta va nun, nun harfining o'zi, nun va mim harflari zoida harflar sanaladi, masalan:

**Inqasama:** bo'linmoq. Bu yerda ajratib ko'rsatilgan zoida harf o'zbek tilidagi majhullikni anglatuvchi "-il" qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**yandaḥiru:** u yengilayapti. Bu so'zda ajratib ko'rsatilgan zoida harflar fe'lining hozirgi zamon shakli, muzakkar jinsidagi uchinchi shaxs, birlik soni shaklini yasovchi "-yapti" hamda o'zlik nisbatini yasovchi "-il" qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**Tanḥaniy:** sen burilayapsan/u burilayapti. Bu so'zda ajratib ko'rsatilgan zoida harflar fe'lining hozirgi zamon shakli, muannas jinsidagi uchinchi shaxs, birlik soni shaklini yasovchi "-yapti" (kontekstga qarab, muzakkar jinsida, "-yapsan" deb ham tarjima qilish mumkin) hamda o'zlik nisbatini yasovchi "-il" qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**Tansa:** sen eshitayapsan/u eshitayapti. Bu so'zda ajratib ko'rsatilgan ta zoida harfi fe'lining hozirgi zamon shakli, muannas jinsidagi uchinchi shaxs, birlik soni shaklini yasovchi "-yapti" (kontekstga qarab, muzakkar jinsida, "-yapsan" deb ham tarjima qilish mumkin) qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**munfa** 'ilun; hayajonlanuvchi, hayajonlanayotgan/hayajonlanayapti. Bu yerda ajratib ko'rsatilgan zoida harf fe'lining hozirgi zamon shaklini yasovchi "-yotgan" hamda aniq daraja sifatli shaklini yasovchi "-uvchi", "-yotgan" qo'shimchalari ma'nosini beradi.

4. Sin va ta harflaridan oldin kelayotgan har bir alif, yay, ta va nunlar, o'zidan keyin turgan sin va ta bilan birgalikda, zoida harflar sanaladi. Misol uchun:

**Istafhama:** so'ramoq.

**Yastajmi** 'u: yig'ayapti, yig'ilyapti. Bu so'z tarkibidagi yay hozirgi zamon fe'lini yasovchi "-yap" hamda "-ti" shaxs-son qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**Nastaxriju:** qazib chiqarayapmiz. Bu yerda nun hozirgi zamon fe'lini yasovchi "-

yap" hamda "-miz" shaxs-son qo'shimchasi ma'nosini beradi.

**Tastashiyru:** sen maslahat so'rayapsan/u maslahat so'rayapti. Bu so'z tarkibidagi ta hozirgi zamon fe'lini yasovchi "-yap" hamda "-san" va "-ti" shaxs-son qo'shimchasi ma'nosini beradi.

Yuqorida zoidalar sifatida qayd etib ko'rsatilgan alif, sin hamda ta harflari arab tilida fe'li yasovchi prefikslar sanalib, ular uch o'zakli fe'llarga qo'shib, o'ninchi bob fe'li shaklini hosil qiladilar. Keltirilgan misollarda o'ninchi bob fe'lini yasovchi zoida harflardan oldin kelayotgan ay, ta va nun harflari esa bu yerda fe'lining hozirgi zamon shakli va shaxs-son qo'shimchalari ma'nosini anglatayapti.

5. To'rt, besh va olti harfli so'zlarning tarkibidagi, oxirgi undoshdan oldin kelayotgan har bir alif, yay, waw harflari zoida harflar sanaladi, shuningdek, ular, bunday holatlarda, cho'ziq "ā", "ū" va "ī" unililarni ham ifodalab keladi. Masalan:

**Ṭobībun:** davolovchi, shifokor. Bu so'z aslida, "ṭobba" ("davolamoq") fe'lidan yasalgan bo'lib, bu yerda yay ("ī") harfi fe'ldan ot yasovchi "-lovchi" qo'shimchasi vazifasini bajarmoqda.

**Rihānun:** garovlar. Bu so'z arab tilidagi "rahnun" ("garov") so'zining ko'plik shakli bo'lib, alif ("ā") bu yerda ko'plik shaklini yasovchi "-lar" qo'shimchasi vazifasida kelayapti.

**G'ofūrun:** kechirimli. Ushbu so'z arab tilidagi "kechirmoq" ma'nosini bildiruvchi "g'afara" fe'lidan yasalgan bo'lib, bu yerda waw ("ū") sifat yasovchi "-li" qo'shimchasi vazifasida kelayapti.

6. To'rt harfli so'zning ikkinchi harfi bo'lib kelayotgan har bir alif affiks sanaladi, bu holatda ham alif cho'ziq "ā" unlisini ifodalaydi, masalan:

**Kātibun:** yozuvchi/yozayapti.

**Jālisun:** o'tirayotgan/o'tirayapti.

**Ṭālibun:** izlovchi/izlayapti.

Arab tilida yuqorida keltirilgan misollardagi kabi tuzilgan so'zlar aslida uch o'zakli fe'llarga alif ("ā") zoida harfini qo'shish orqali yasilib, bu yerda alif kontekstga qarab bir necha, "-uvchi", "-lovchi" va "-yotgan" sifatli shakl yasovchi



hamda hozirgi zamon fe 'lining uchinchi shaxs shaklini yasovchi "-ayapti" qo'shimchalari vazifasini bajarib keladi.

7. Besh harfli so'zning uchinchi harfi bo'lib kelayotgan har bir ta zoida harf sanaladi, masalan:

'irtada: kiyinmoq.

'ibtasama: tabassum qilmoq.

'iktasaba: topmoq, izlab qo'lga kiritmoq.

Ushbu misollarda keltirilgan so'zlar tarkibidan joy olgan dastlabki alif, bu yerda u "i" tovushi orqali ifodalanmoqda, hamda ta harflarining uch o'zakli fe 'llarga qo'shilishi natijasida o'zlik nisbati ma 'nosini beruvchi sakkizinchi bob fe 'l shakli yasaladi. Shunga ko'ra, bunday tuzilishli fe 'llardagi ushbu zoida harfni o'zlik nisbati yasovchi "-in", "an", "-it", "-il" qo'shimchalariga muqobil variant sifatida ko'rsatish mumkin. Yana qo'shimcha sifatida, agarda besh o'zakli so'zlarning dastlabki harfi ham ta bo'lsa, bunday holatlarda ham ushbu harf zoida sanaladi va u beshinchi va oltinchi bob fe 'llari tarkibida kuzatiladi.

Shu o'rinda, chalkashlik kelib chiqmasligi uchun yana bir jihatga e 'tibor qaratish lozim. Besh harfli so'zlar tarkibidagi hamzali alif va nun, yoki hozirgi zamon shaklini yasovchi qo'shimchalar (yay, nun, ta) hamda nundan so'ng kelayotgan ta harfi ham zoida sanalib, bunday tarkibli so'zlarda nun o'zak harf, undan avval kelayotgan barcha harflar zoida hisoblanadi, ushbu holatda ham ta harfi o'zlik nisbat yasovchi "-t" qo'shimchasi ma 'nosini anglatadi:

'intabaha: e 'tibor qaratmoq.

'intaha: tugatmoq.

8. So'zning oxirida turgan tamarbuta belgisi ("atun" tovushini bildiradi) ham zoida harf sanaladi. Ushbu belgi arab tilida muannas jinsini bildiradi, misol uchun:

Mazra 'atun: poliz.

Tolibatun: talaba qiz.

9. Uch harfli so'zning oxirida turgan alif va hamza ikkisi zoida harflar vazifasini bajarib keladi. Bu ikki zoida harf so'z oxirida birgalikda kelganda, o'sha so'zning muannas jinsida turganligiga ham ishora qiladi. Misollar:

Samra 'u: bug 'doy rang (muannas jinsida).

Najla 'u: shahlo ko'zli (muannas jinsida).

Hamra 'u: qizil rang (muannas jinsida).

Shahra 'u: sahro (muannas jinsida).

Ushbu keltirilgan misollarning tahlilidan shu narsa ma'lum bo'ladi, so'z tarkibidan joy alif va hamza zoida harflari so'zlarning muannas jinsida ekanligini bildirish bilan birga, "ot+sifat+li", "ot+rang" tuzilishli qo'shma va birikmali sifatlarni ham yasaydi.

10. Arabcha so'zning oxirida turgan alif va nun harflari zoida harflar sanaladi. Masalan:

Shofvānu: beg 'ubor, musaffo.

Shinvānu: tug 'ishgan aka-ukalar.

Kaslānu: dangasa, behafsala.

'atshānu: chanqagan.

Demak, keltirilgan misollar, so'zga qo'shilgan alif va nun zoida harflari sifatdosh hamda sifat so'z turkumiga mansub so'zlarni yasab, ular anglatgan ma'nosiga ko'ra, o'zbek tilidagi sifat yasovchi "be-", "-agan" qo'shimchalariga to'g'ri keladi. Shuningdek, ushbu zoida harflar "-lar" ko'plik yasovchi qo'shimchasi vazifasini ham bajaradi.

Arab tilidagi birikma olmoshlari hamda shaxs-son qo'shimchalari ham zoida harflar sanaladi:

Katabtu: men yozdim.

Kitaabuhu: uning (muzakkar jinsi) kitobi.

Xulosa qilib aytganda, arab tilida zoida harflar (affikslar) deyilganda, odatda, "alyawma tansāhu" iborasi tarkibiga kiruvchi harflar tushunilib, ular o'zak so'zga qo'shib, ism va fe 'l turkumlariga oid so'zlarni yasashga xizmat qiladi. Shuningdek, ular so'z yasovchilik vazifasi bilan birga so'z o'zgartiruvchi va shakl yasovchi affikslar vazifasini ham bajarib keladi. Zamonaviy arab tilshunosligida yuqoridagi ibora tarkibida kelgan harflar affikslar vazifasida kelishi qayd etilgan bo'lsa, klassik davr arab tilshunosligida, nafaqat ular, balki arab alifbosidagi barcha harflar - sha, za va shod bundan mustasno -, affiks bo'lib kela oladi, degan fikrni ham bildirganlar. Ular affiks bo'lib qo'shilgan hosila so'zlarda ma'noning



butunlay o'zgarishi, uning kuchayishi yoki umuman o'zgarishligi holatlarini ham ko'rdik. Ammo, hozirgi kunda ushbu harflarning affiks vazifasida kelishi umuman kuzatilmaydi, bu holat mumtoz arab tili davrida shakllangan so'zlarga xos jihatdir. Shuningdek, arab tilida hosila so'z tarkibidagi zoida harflar (affikslar) ni ajratishda ularning so'z tarkibida joylashgan o'rniga ham ahamiyat berish lozim. Odatda, shakl o'zgartiruvchi zoida harflar so'z oxiriga

qo'shilsa, so'z yasovchi va so'z o'zgartiruvchi zoida harflar so'zning boshi yoki o'rtasiga qo'shilib kelar ekan. Yana, arab tilshunosligida uch o'zakli so'z tarkibidagi birinchi, ikkinchi va uchinchi undosh harflarning yolg'iz o'zi yoki yonidagi o'zak undosh bilan birga takrorlanishi natijasida ham so'zlar yasilib, bunda ushbu takrorlangan harflar ham zoida harflar, deya sanalar ekan.

### Adabiyotlar ro'yxati

1. المنصف، شرح الإمام أبي الفتح عثمان بن جني النحوي لكتاب التصريف للإمام أبي عثمان المازني النحوي البصري، تحقيق: إبراهيم مصطفى عبد الله أمين، إدارة إحياء التراث القديم وزارة المعارف (القاهرة)، الطبعة الأولى 1393- هـ 1943. - ج 1 ص 11،
2. ياسر محمد البدوي محمد. الزيادة و دلالتها الصرفية و النحوية. السودان، -2012. ص. 22.
3. (Affix(language)) زائدة (لغة)
4. عبد الرزاق بن فراج الصاعدي. حروف الزيادة الصرفية ثمانية و ليست عشرة المدينة. 2012. <https://www.google.com/amp/s/www.al-madina.com/ampArticle/192027>
5. <https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/>
6. Б.М.Грандэ. Введение в сравнительное изучение семитских языков. Издательская фирма «Восточная литература» РАН, -Москва: -1998. -С.101.
7. N. Ibrohimov, M.Yusupov. Arab tili grammatikasi. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti, – Toshkent, 1997. – 33 b.
8. Azim Hojiyev. O'zbek tili morfologiyasi, morfemikasi va so'z yasalishining nazariy masalalari. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti, – Toshkent: 2010.
9. Qo'shimcha va ularning turlari. Hozirgi o'zbek adabiy tilidan ma'ruzalar matni. 2013. – 23 b.
10. "An-na'im" arabcha-o'zbekcha lug'ati. –Toshkent :2003.

*Махмудова Д. Буквы зоида (аффиксы) на арабском языке. В арабской лингвистике тема аффиксов широко изучается в последние годы, и лингвисты разделили их на несколько типов в зависимости от расположения аффиксов в слове и от того, как в итоге они влияют на значение слова. Кроме того, большинство арабских ученых отмечают, что количество аффиксов в арабском языке равно десяти, но в то же время как некоторые лингвисты говорят, что их число равно восьми. Аффиксы в арабском языке неразрывно связаны с типом морфологии словообразования, и их добавление к основе приводит к образованию прилагательных, производных частей глагола и масдара. В этой статье представлена информация об аффиксах на арабском языке и о подходах к ним арабских лингвистов и характеристиках размещения аффиксов в структуре слова, и каждая проанализированная информация поясняется с примерами.*

*Maxmudova D. Zaida letters in Arabic language. In Arabic linguistics, the topic of affixes has been widely studied in recent years, and linguists have divided them into several types according to their place in the word and how they affect the meaning of the word as a result. Also, most Arab scholars note that the number of affixes in Arabic is ten, while some linguists say that their number is eight. Affixes in the Arabic language are inextricably linked to the type of morphology of word formation, and their addition to the stem results in the formation of adjectives, derivative parts of the verb, and masdar. This article provides information on affixes in Arabic, the approaches of Arabic linguists to them, and the characteristics of the placement of affixes in the word structure, and each analyzed information is explained with examples.*



## ХУДОЖЕСТВЕННО – ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА

*Темирова Лола Рахматуллаевна,  
Ассистент СамГУ*

**Ключевые слова:** любовь к природе, красота человеческой души, эстетика, повесть “Первый учитель”, повесть “Джамиля”, творческое вдохновение, идея истины и добра.

Чингиз Айтматов считается одним из самых популярных писателей XX века. Интерес к творчеству писателя многих читателей и литературоведов объясняется тем, что в своих произведениях он поднимает актуальные проблемы Вселенной и общества. Из произведения в произведение у него проходят герои, национальный характер которых развивается и крепнет. Примером может послужить главная героиня повести “Джамиля”: “А вот Джамиля с первых же дней, как пришла к нам, оказалось не такой, какой положено быть невестке. Правда, она уважала старших, слушалась их, но никогда не склоняла перед ними голову, зато и не язвила шепотком, отвернувшись в сторону, как другие молодухи. Она всегда прямо говорила то, что думала и не боялась высказывать свои суждения” [7,65] “Джамиля бросалась в глаза своими уверенными, точными движениями, легкой походкой, словно бы все это происходило на просторе” [7,81]. Кемель из повести “Верблюжий глаз: “... я решил про себя: в лепешку разобьюсь, но сделаю так, чтобы никто не посмел меня не то что обругать, но и упрекнуть. В конце концов надо доказать, что я ничем не хуже других” [7,211] Алтынай из повести “Первый учитель”: “Я бежала, не думая куда, словно бы от избытка сил, и сердце мое билось в груди так радостно, словно бы знало, почему я так легко и вольно бегу. Потому что я сделала маленькое доброе дело” [7,19] Все они стараются выйти за тесные рамки патриархального родового быта, ради своего личного пути. В основном главные персонажи произведений Айтматова -это молодой человек, это старик или мать, это ребенок. [6,5]

В каждом произведении Чингиз Айтматова есть символ, который олицетворяет природу. Это два могучих тополя из повести “Первый учитель”: “В нашем аиле сколько угодно всяких деревьев, но эти тополя особенные – у них особый язык и, должно быть, своя особая, невучая душа” [7,6] предгорные степи из повести “Джамиля”: “Широко простиралась окрест предгорная степь, погруженная в сиреневые сумерки. Темные смутные поля, казалось, медленно растворялись в тишине” [7,75], это маралы и рыбы из повести “Белый пароход”: “Была у него такая заветная мечта: он хотел превратиться в рыбу” [8,261] “Он мечтал превратиться в рыбу так, чтобы у него было рыбье – тело, хвост, плавники, чешуя, - и только голова бы оставалась своя, на тонкой шее, большая, круглая, с оттопыренными ушами, с исцарапанным носом” [8,265] “А мальчику было хорошо. Он и не подозревал, что ждет его дома. У него горели глаза и уши. Как, неужели вернулись маралы? Значит, все это правда! Дед говорит, что простила Рогатая мать – олениха людские преступления против неё и разрешила детям своим вернуться в Иссык - кульские горы. Дед говорил, что сейчас пришли три марала, чтобы разузнать, как тут, и если им понравится, то все маралы снова вернуться на родину” [8,303] и др. Сюжеты действий у главных героев разворачиваются у писателя на кыргызских степях, у горных рек, у жемчужины Кыргызстана Иссык – Куль. Все его художественно – литературные образы ярко отражают киргизский образ мира.

Немецкий критик Г.Юнгер проводит параллели между творчеством





немецких писателей и произведениями Чингиза Айтматова. По его мнению, понимание искусства как средство изменения действительности складывалось во многом у писателя под воздействием теории эпического театра Брехта. Брехт использовал жанры, существовавшие веками, а также вводил различные приемы и повествовательные модели, такие как параболы и монтаж, мифы и легенды. Именно в этом смысле Чингиз Айтматов - прямой продолжатель немецкого писателя. Введенные им разнообразные народные легенды и мифы считается органичной частью идейно - эстетической системы Ч. Айтматова.[6,5]. Любая художественная литература, поднимая проблемы экологии, любви к природе и живому миру, как бы подстраховывает взаимосвязь между человеком и природой. Что следует отметить, великие классики художественной литературы, а именно, начиная с эпохи Возрождения романтического направления У.Вордсворт, Дж.Байрон, Г.Гейне, Т.Мани, У.Фолкнер, Р.Ролан, А.Камю, Б.Шоу, Ф.Тютчев, А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, Л.Н.Толстой и др. считали природу первоисточником творческого вдохновения и началом всех эстетических критериев. [2,34] Природа у Чингиза Айтматова оживает, дышит, радуется, печалится как живое существо *“Дождь, что хлынул среди ночи, постепенно пошел на убыль. Ушел, как пришел, ещё куда - то пролиться ливнем. И наконец и вовсе стих, лишь изредка срываясь сверху запоздавшими каплями. А время близилось к рассвету, омытому и усыпанному звездами рассвету, - небо, ещё темно - агатовое в глубине, после дождя все больше светлело по краям. Прохладой веяло от влажной почвы, от вытянувшихся за ночь трав.”*[9,165] *“Снег порошил, ветер со всех сторон, как злая собака, цепляется”* [9,382]. Природа изображается у Чингиза Айтматова как носительница всего прекрасного “содержательного”, что автор не устает восхищаться её величиим. *“Весна в ту пору была в полном цвету. Земля в*

*предгорье полыхала тюльпанами”* [7,125] *“Зима откочевала за перевал. Уже знала свои синие табуны весны. С оттаявших, набухших равнин потекли в горы теплые потоки воздуха. Они несли с собой весенний дух земли, запах парного молока. Уже осели сугробы, и тронулись льды в горах, и тренькнули ручьи, а потом, схлестываясь в пути, они хлынули бурными, всесокрушающими речками, наполняя шумом размытые овраги”* [7,35]. *“И горы Кунгеи, обращенные к солнцу; на склонах Кунгеев ничего не росло, кроме травы. И горы еще поменьше, в той стороне, где озеро, - просто голые каменистые увалы. Увалы спускались в долину, а долина смыкалась с озером. В этой же стороне лежали поля, сады, селения...”* [8,258]. *“Тем временем за белесой дымкой горизонта шевельнулось солнце. Оно долго не всходило, медлило, точно боялось окинуть взглядом всю ширь и даль анархайской земли. А потом приподнялось и выглянуло одним краешком. Что может быть красивее степи на утренней заре!”* [7,211]. Взаимосвязь природы и человека в повестях “Первый учитель”, “Джамия”, “Верблюжий глаз”, “Тополек мой в красной косынке” и др. имеет особый и божественный смысл, когда человек и природа взаимно растворяются друг в друге. *“Когда мы загрузили последнюю мажару, Джамия, словно позабыв обо всем на свете, долго смотрела на закат. Там, за рекой, где - то на краю казахской степи, отверстием горящего тандыра пламенело разомлевшее вечернее солнце косовицы. Оно медленно уплывало за горизонт, обагрив заревом рыхлые облачка на небе и бросая последние отсветы на лиловую степь, уже подернутую в низинах просинью ранних сумерек. Джамия смотрела на закат с таким тихим восторгом, словно ей явилось сказочное видение”* [7,69]. *“А ночь выдалась великолепная. Кто не знает августовских ночей с их далекими и в то же время близкими, необыкновенно яркими звездами! Каждая звездочка на виду. Вон одна из них, будто заиндевевшая по краям,*



*вся в мерцании ледяных лучиков, с наивным удивлением смотрит на землю с неба. Мы ехали по ущелью, и я долго глядел на неё.”[7,85]. “Она охотно согласилась. Я не узнавал её. И себя не узнавал. Все тревоги, горести как рукой сняло. Были только мы, было наше счастье, небо и дорога...” [1,130]. “Я шел смятенный и растерянный. Странной, непривычной вдруг показалось мне эта притаившаяся, грустная тишина. Словно бы степь прислушивалась к моим шагам, к моим мыслям.”[7, 234]*

Литературно – художественный образ в повестях Чингиза Айтматова являются органичной частью природы, вместе с природой он переживает смену времен года, грустит или смеется, испытывает энергетический подъём. *“Иногда посмотришь на человека со спины – и сразу поймешь, в каком он состоянии, что творится у него на душе. Вот и тогда было видно, что учитель наш убит горем. Он шел с поникшей головой, с трудом волоча ноги. Я до сих пор помню страшное чередование перед глазами черного и белого: мы взбирались гуськом на бугор – под черной шинелью горбилась спина Дюйшена, а выше по крутизне над ним горбились верблюжьими хребтинами белые сугробы, и ветер срывал с них поземку, а еще выше – в белом мутном небе темнела одинокая черная туча”[7,28]. “С приходом весны мы зажили веселее”[7,35]. Великий писатель Ч.Айтматов, как и многие творческие гении мировой классики, призывал внимательнее взглянуть на красоту и гармонию в природе, что несет в себе идею истины и добра.*

Творческий подход Чингиза Айтматова к описанию красоты гор, степей родного края отражает патриотические чувства, его твердую убежденность в самоценности естества, эстетическое значение которого преумножается в связи высоким уровнем мастерства писателя, его эмоциональные впечатления позволяют выделять в окружающей действительности точные характеристики явлений. В его повестях

*“Белый пароход,” “Джамия,” “Тополек мой в красной косынке”, “Верблюжий глаз” и др. красота природы обладает мощным эстетическим воздействием. “Среди растений тоже – “любимые”, “смелые”, “боязливые”, “злые” и всякие другие. Колючий бодяг, например, - главный враг. Мальчик рубился с ним десятки раз на дню. Но конца этой войне не видно было – бодяг все рос и умножался. А вот полевые вьюнки, хотя они тоже сорные, - самые умные и веселые цветы. Лучшие всех встречают они утром солнце. Другие травы ничего не понимают – что утро, что вечер, им все равно. А вьюнки, только пригреют лучи, открывают глаза, смеются.... Ширалджины высокие, цветов на них нет, а пахучие, растут они островками, собираются кучей... Пахнут они, как сосновый лес на опушке” [8,245]. В данном отрывке из повести “Белый пароход” описывается мир богатых красок, населенный разнообразными растениями, кустами, деревьями.*

Эстетика – это один из разделов философии, который изучает вопросы красоты, искусства и вкуса. В переводе с греческого слово “эстетика” означает “чувственный, восприимчивый к прекрасному”. В научный обиход понятие “эстетика” в середине 18 века ввел немецкий философ – просветитель Александр Готлиб Баумгартен. “Под красотой, - писал М.Горький, - понимается сочетание различных материалов, а также звуков, красок, слов, которое придает созданному, сработанному человеком – мастером форму, действующую на чувство и разум как сила, возбуждающая в людях удивление, гордость перед их способностью к творчеству” [4,1].

Творчество Чингиза Айтматова развивалось в реалистическом направлении. С большим интересом творческий путь писателя изучали такие исследователи как К.Асаналиев, А.Акматалиев, Д.Гачев, Ч.Т.Джолдошева, Ч.З.Мамытбекова, Н.Иванова и мн.др. [5,72]. В повести “Первый учитель” Ч.Айтматов рассуждал о гуманизме, о



красоте человеческой души, о красоте трудной и чистой жизни, отданной на благо народа.[3,52]. Эту идею истину, связанную с тополями учитель Дюйшен вселил в сознание Алтынай. “Мне кажется, что ты будешь ученым человеком. Я в это верю, вот посмотришь, у тебя на роду так написано. Ты сейчас молоденькая, точно прутик, такая же, как эти топольки. Так давай посадим их, Алтынай, своими руками. И пусть твое счастье будет в учении, звездочка ты моя ясная” [7,38]. Чистосердечный энтузиазм учителя Дюйшена не пропал даром. В городе Алтынай учится на рабфаке, потом – в Москве. Алтынай росла и набирала силы вместе топольками, и стала хорошим человеком: академиком, ученой Алтынай Сулеймановой, заведующей кафедрой в университете. У этих тополей своя, особая

и певучая душа. Чингиз Айтматов видел одно из главных преимуществ литературы в том, что она пытается изменить человека в плане гуманизма: “Художники не только благосклонны к людям, они и требуют от них кое – что, потому что они верят, что человек сумеет изменить мир и себя” [4,71]

В заключении подчеркнем, что художественно – эстетические принципы Ч.Айтматова воспевают красоту человеческой души, красоту трудной и чистой жизни, красоту природы родного края. Природа, как эстетическая ценность представлена в творчестве Чингиз Айтматова как тема бесконечно обновляющейся жизни, торжества гармонии во взаимоотношениях человека и природы.

### Литература

1. Айтматов Ч. Ответственность перед будущим // Вопросы литературы. – 1967. - №9. С. 74.
2. Болданова И.С., Надагурова А.А. Художественная литература как форма эстетического восприятия (на примере русской литературы XX в.)// Вестник Бурятского государственного университета.- 2016. - Вып.3.
3. Брусиловский Д.А. Философия Ч.Айтматова как новая сущность межкультурного и межрелигиозного диалога в едино цельной социально планетарной системе //Философские науки. – 2016.- Ч.2, №11 (73).- С.51
4. www.design.wikireading.ru Ванслов В.В “ Прекрасное в жизни и искусстве”
5. Джолбулакова Ч.А., Арстанбекова Ж.А. Идеино – эстетические поиски современной прозы Кыргызстана на русском языке // Литература народов стран и зарубежья. – 2009. – С.71 -75
6. Пу Сяо Лун. Авторская концепция национального характера в прозе Ч.Айтматова: автореф. дис. ... канд. филол. наук. Москва, 1993. 18 с
7. Айтматов, Ч. Повести. – Ташкент: “Узбекистан”, 2015.- 236 с
8. Айтматов, Ч. Повести и рассказы. - Фрунзе. “Кыргызстан”, 1985. – 608 с
9. Айтматов, Ч. Плаха. Романы: Нукус. “Каракалпакистан”, 1988.-604 с

**Темирова Л. Ч.Айтматов ижодининг бадиий – эстетик принциплари.** Буюк кыргыз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг бадиий – эстетик принципларини ҳамма асарларида сезиш мумкин. Ч.Айтматов асарларида юртига бўлган муҳаббатини, инсон қалбининг гўзаллигини, азобли ва тоза ҳаётнинг гўзаллигини мадҳия этади. Адибона – бадиий сиймо инсонда эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларини шакллантиришида катта аҳамиятга эга.

**Temirova L. Artistic and aesthetic principles of Ch. Aitmatov's creativity.** The artistic and aesthetic principles of the great Kyrgyz writer Ch. Aitmatov can be seen in almost all of his stories. In his works, Ch. Aitmatov glorifies love for the native land, the beauty of the human soul, the beauty of a difficult and pure life. The literary and artistic image has a tremendous influence on the formation of aesthetic and moral - moral feelings and a sense of beauty in a person.



## EVIDENSIALLIK VA EPISTEMIK MODALLIKNING KOGNITIV VOQELANISHI ("TASTE"- "TA'M BILMOQ" SEZGI FE'LLARI MISOLIDA)

*Xamrayeva Maxzuna Gayratovna,  
QarDU o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi*

**Kalit so'zlar:** evidensiallik, epistemik modallik, kognitiv voqelanish, grammatik kategoriya, lingvistik konsepsiya, lingvistik kategoriya, epistemologik makon, ta'm bilmoq.

Psixolingvistik nazariyalarga ko'ra, bizni o'rab turgan borliq (undagi subyekt va obyekt, voqea-hodisalar, yer, falak va hokazolar)ni biz tafakkurimiz orqali anglaymiz. Sezgilirimiz orqali qabul qilingan narsa-hodisalarni ongimizda aqlan idrok etgach, ushbu ma'lumotlarni til orqali bayon qilamiz. Lingvistik olam tadqiqotchilari bunday klassik modellarni dunyoni tasvirlovchi universal konsepsiya sifatida aksariyat holatlarda nutq bilan bog'laydilar. Zero, insonlar atrof-olamni his qilish hamda qabul qilingan ma'lumotlarni o'zlarining qobiliyat va tafakkuri yordamida qayta ishlash jarayonida o'y-fikrlari va mulohazalarini turlicha bayon qiladilar. Mazkur jarayonda kattalar va bolalarning fahmlash (cognition) konseptiyasining vujudga kelishi orasidagi tafovutining ahamiyatli tomoni hisoblanadi. [Jackendoff 1996, Miller and Johanson Laird 1976, Pinker 1989]. Bu konsepsiya tilshunoslikda evidensiallik hodisasi nomini olgan.

Evidensiallik bu – grammatik kategoriya bo'lib, unda asosiy diqqat ma'lumotga qaratiladi. Evidensial tahlilda so'zlovchi ko'rgan yoki ayrim dalillarga asosan tahmin yoki gumon qilgan ma'lumoti tushuniladi. Ma'lumotning qay yo'sinda yetkazilgani, ya'ni insonning uni qay darajada idrok etganiga ko'ra ifodalanishi e'tiborga olinadi. Shuning uchun bu lisoniy hodisa sifatida baholanadi.

"Evidensiallik tushunchasi inson idrokini aks ettiruvchi til tarkibining kognitiv-lisoniy voqelanishi natijasida paydo bo'ladigan real voqelikka aloqador hodisadir", deydi ispaniyalik tilshunos [Cornillie 2004; 62]. Bu borada Aykenvaldning qarashlari ma'lum ma'noda farq qiladi. Muallifning ta'kidlashicha

evidensiallik aslida lingvistik kategoriya bo'lib, u gapning semantik xususiyatlari bilan aloqador bo'ladi, chunki undagi bosh ma'no ma'lumot o'chog'i hisoblanadi. Bu esa, har qanday turdagi ma'lumotning, hoh u rost bo'lsin hoh yolg'on, qabul qilinganini bildiradi. Evidensiallikda bu kabi morfemalar ma'lumotning tag ma'nosiga qaratilgan bo'lib, belgilanmagan yohud bajarilmagan ish-harakatni ham yuzaga keltirib chiqarishi mumkin [Aikhenvald 2004; 3]. Avstraliyalik lingvist B. Monika evidensiallikni quyidagicha izohlaydi: "Ta'riflarning qanchalar xilma-xil bo'lishidan qat'i nazar, evidensiallik hodisasi kognitiv asosga ega bo'lib, so'zlovchi tomonidan yetkazilayotgan ma'lumotning tinglovchida ishonch uyg'otishi, so'zlovchining epistemologik makoniga aloqador ma'lumotiga asoslanadi [Bednarek Monica 2006; 635].

Har qanday ma'lumot evidensial tahlilda bir nechta sezgilar orqali qabul qilinadi. Bular: *ko'rish, eshitish, his qilish, hid bilish va ta'm bilish* sezgilaridir.

Quyida biz ana shu sezgilardan biri bo'lgan taste (*ta'm bilish harakati*)ning ingliz va o'zbek tillarida ifodalanishini qiyosiy jihatdan evidensial aspektda tahlil qilishga harakat qilamiz. Odatda, evidensiallik quyidagi kategoriyalar orqali tahlil qilinishi mumkin:

- turli tillarda kichik sistemalar va evidensial paradigmalari; semantik farqlar yoki pragmatik xususiyatlar orqali;

- evidensial birliklarning boshqa grammatik kategoriyalar bilan mayl, zamon va aspektda bog'liqligi orqali;

- sintaktik va pragmatik masalalarni hal qilishda tobe yoki ergash gapda evidensiallikning cheklovlari orqali;



- grammatikalizatsiya darajalari hamda evidensiallikning diaxron ko'tarilishi orqali;

- sezgi fe'llarida evidensial markerlarni leksik manbalarga tasniflash orqali;

- evidensial markerlarning turli kontekstlarda takroriyliigi, distributsiyasi va o'ziga xos funksiyalari orqali [Diewald 2010; 3].

Evidensiallikka bag'ishlangan tadqiqotlardagi ma'lumotlar dalolaticha, mazkur tadqiqotlarda turlicha qarashlarni kuzatish mumkin. Masalan, ba'zi olimlar evidensiallik hamda epistemik modallik o'rtasida bog'liqlik bor deb hisoblashadi, ayrimlar ularni ayro tushunchalar deb ta'kidlaydilar. Evidensiallik tushunchasi ko'pincha epistemik modallikning quyi qismi sifatida tushuniladi va bu ikki tushuncha bir-biriga o'xshaganligi bois, ko'pchilik tadqiqotchilarni chalg'itadi. Chunonchi, *Palmer (1986)* bilan *Kiefer (1994)* evidensiallik hamda epistemik modallik o'rtasidagi bog'liqlikni quyidagicha farqlaganlar: "Evidensiallik aynan sodir bo'lgan voqea-hodisa sifatida haqiqatni anglatrsa, epistemik modallik esa o'sha holatdagi ishonchning qat'iylik darajasini belgilaydi", - deya ta'riflab, ingliz tilida quyidagi misollarni keltiradilar:

*I see that he is coming. (evidential) – Men uning kelayotganini ko'rayapman.*

*I know that he is coming. (epistemic) – Bilishimcha u kelayapdi. [Anna Papafragou; bet]*

Aslida epistemik modallik lingvistik modallik bo'lib, u *bilmoq, ishonmoq, imyon keltirmoq* kabi harakat fe'llarining modal fe'llar orqali ifodalangan variantlari hisoblanadi. Shu bois, ular ko'pincha turli kontekstlarda *can, may, might, must, should* kabi modal fe'llar ko'rinishida uchraydi. Ta'kidlash joizki, epistemik modallik o'z o'rnida ikki guruhga bo'linadi: 1) *weak (kuchsiz)*; 2) *strong (kuchli)*. Agar u kuchsiz bo'lsa, unda *may, can* kabi modal fe'llar bilan, kuchli bo'lsa *must* yoki *should* kabilar bilan ifodalanadi [Johnson 1979; 38].

Masalan, *Ali may taste the cake = Ali can taste the cake (I permit) – Ali tortni yeb qo'yishi mumkin (ruhsat beraman).*

Keltirilgan mazkur gap kuchsiz epistemik modallikka misol bo'la oladi.

*Ali should taste the cake (I suggest) – Ali tortni ta'tib ko'rishi kerak (tavsiya qilaman).* Mazkur jumlaning kuchli epistemik modallikning namunasi deya ayta olamiz.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, *must* modal fe'li ham *obligation* (majburiyat) niham *possibility* (ehtimollik) ni ifodalagan bo'lsa, uni ikki xil zamonda va ikki xil sema bilan uchratishimiz mumkin bo'ladi:

*Ali must taste the cake (I insist) – Ali tortni yeb ko'rishi shart, boshqachasi ketmaydi (Men majburlayman).*

*Ali must have taken the cake (I suppose) – Ali tortni ta'tib ko'rgan bo'lishi mumkin (deb o'ylayman).*

Biz evidensiallikni grammatik markerlar orqali ham tahlil qilishimiz mumkin. Boshqa tillardan farqli ravishda ingliz tilida evidensial marker degan tushuncha mavjud bo'lib, ular tilda biz qabul qilgan ma'lumotning bir bo'lagi sifatida xizmat qiladi. Markerlar, odatda, zamon (*-ed, -ing, -es*) ni suffiks (*s/es/d/ed*) ni, qisqartmalar (*can't, ain't*) ni ifodalab keladi [Faller 2001, F de Haan 2001, Mayer 1990]. So'zlovchi ingliz tilida ma'lumotning manbasini shifrlab yoki detallab yetkazishi shart emas, garchi ularda leksik va sintaktik semalar mavjud bo'lsa ham. Masalan, ular gapning boshida aytmoqchi bo'lgan ma'lumotini visual (ko'rish) yoki direct (to'g'ridan-to'g'ri) bo'lgan sezgilar orqali ko'rsatib o'tadilar.

1. *I saw Ali taste the cake.*

2. *I heard Ali tasted the cake.*

3. *Ali apparently, tasted the cake.*

Yuqoridagi gaplarda to'ldiruvchi vazifasida kelgan ergash gaplarning barchasi bir xil ma'noni ifodalaydi, ammo bosh gapdagi fe'llar ma'lumotdagi evidensiallikka o'zgacha ma'no yuklaydi. Misol uchun, birinchi gapda *I saw* deganda so'zlovchi o'z ko'zi bilan ko'rgan ma'lumotni yetkazgan bo'lsa, *I heard* deganda birovdan eshitganini bildirmoqda, u rost yoki yolg'onligi hali aniq emas. Uchinchi gapdagi *apparently* ravishi esa o'zbek tilida *shubhasiz* yoki *aniq* ma'nolarini bildiradi.

Demak, evidensiallik turlicha shakllarda ifodalanadi. Yevropa tillarida



evidensiallik grammatik shakllar, ya'ni verbal affikslar yoki yuklamalar orqali yuzaga chiqadi. Misol uchun, o'zbek tilida o'tgan zamonni ifodalovchi quyidagi suffikslar mavjud: *-di, -ti, -gan, -kan, -qan, -gandi, -kandi, qandi, -ganmish, -kanmish, -qanmish* va h.k.lar. Masalan,

(*I saw*) *Ali tasted the cake - Ali tortni yedi* (o'zim ko'rdim).

(*I heard*) *Ali tasted the cake - Ali tortni yeganmish* (birovdan eshitdim).

Boshqa tillarda yanayam chuqurroq o'rganilgan sistema mavjud bo'lib, olimlar Kolumbiya hamda Braziliya aholisi tili bo'lmish tuyuka tilidagi evidensial morfemalarni beshta guruh (isbot)ga ajratib o'rganishgan [Barnes 1984; bet]. Biz bu holatni quyida ingliz va o'zbek tillari misolida tahlil qilib ko'ramiz.

1) *Ali tasted the cake (I saw) – Ali tortni yeb ko'rdi (ta'mini bildi) men o'zim ko'rdim* (guvohlik).

2) *Ali tasted the cake (I heard) – Ali tortni ta'tib ko'rganini eshitib qoldim* (qulog'imga uning chapillashi eshitildi).

3) *Ali tasted the cake (I heard, another person told me) – Ali tortni ta'tib ko'rdi, deb eshitdim* (boshqa odam aytdi).

4) *Ali tasted the cake (I assume) – Ali tortni ta'tib ko'rdi, deb o'ylayman holatga ko'ra, lekin ko'zim bilan ko'rmadim* (tahmin).

5) *Ali tasted the cake (evidence) – Ali tortni aniq ta'tib ko'rgan, chunki u doim bir nimalarni yeb ko'radi* (avvalgi ma'lumotga doir fakt)

Biz yuqorida birgina gapning turlicha evidensial ma'nolarini ko'rdik. Bunda evidensiallik sistemasi pragmatik xulosalarni keltirib chiqarganligi sababli, ma'lumot manbalari evidensial markerlarning turli xilligiga qarab o'zining ishonchligi yoki noaniq manbalar orqali yetkazganini ifodalab beradi.

O'zbek tilining izohli lug'atida "ta'm bilmoq" fe'li e'tiborga olinmagan, "ta'm" so'zining esa quyidagi ma'nolari keltirilgan:

**Ta'm [a. – maza, ta'm, yoqimli his-tuyg'u] 1 Totib yoki yalab ko'rib bilinadigan xususiyat;**

**2 maza-tot sezuvchi a'zolarga ta'sirdan uyg'onadigan tuyg'u; maza tot.**

### 3 ko'chma. Boshdan kechirilgandagi taassurot, maza.

*Ta'm bilmoq* fe'lining o'zbek tilidagi sinonimlari sifatida quyidagilarni matnda qo'llashimiz mumkin: *totmoq, totib ko'rmoq, yalab ko'rmoq, yeb ko'rmoq, ta'mini tuymoq* kabilarni kontekstda qo'llashimiz mumkin. Misol uchun:

1. *Hademay bir yil ham o'tib ketyapdi, Hali o'sha mayning ta'mi lablarda. Uyg'un, muzdek qovunni yesangiz ta'miga ta'm, mazasiga ma'za qo'shiladi* [Sh.Rashidov; Bo'ron dan kuchli].

2. *Dolchin, zanjabil va kardamon maxsus ta'm beruvchi ziravorlardir* [Nargiza Ikramova, Ziravorlar va maxsus ta'm beruvchi vositalar savdosining rivojlanish tarixi haqida ba'zi masalalar; 1-bet].

3. *Amir sarbozlikning ta'mini bir marta totgan Yodgor, bunday "ozodlik"ni istamadi, sarboz bo'lishdan zindonda qamalib yotishni a'lo bildi* [S.Ayniy; Doxunda].

Bunda 1- va 2-gaplardagi ta'm so'zi aynan bir xil semaga ega, 3-gapda esa so'z ko'chma ma'noda qo'llangan.

**Ta'm bilmoq fe'li ish-harakatni ifodalovchi birlik sifatida izohli lug'atdan joy olgan bo'lmasa-da, ammo ingliz tilidagi taste fe'lining ma'no bo'yoqlarini o'zbek tilida ham turli grammatik vositalar yordamida ifodalash mumkinligini misollarda ko'rdik.**

Lingvistik evidensiallik epistemik modallik bilan chambarchas bog'liq bo'lib, u so'zlovchining bayonotidagi fikr va e'tiborni dalillar orqali isbotlanganini bildiradi. Evidensiallikning tilshunoslikda ikki xil turi mavjud: 1) *kvotativ evidensiallik*; 2) *sezgi fe'llari evidensialligi* [Alexandra 2004; 32].

- *Kvotativ evidensiallik* deganda aslida yetkazilgan ma'lumotning yoki bajarilgan ish-harakatning ko'chirma gapdagi ma'nosi tushuniladi. Bunda shaxs to'ldiruvchi vazifasini emas, subyekt hamda harakat o'rtasidagi bog'liqlikni namoyon qiladi [Lionnet 2017;38]. Masalan;

- *He said: I don't eat the cake – U dedi: men tortni yemayman* (ko'chirma gap).

- *He said that he doesn't eat the cake – U tort yemasligini aytdi* (o'zlashtirma



gap). Bunday holatda *I won't taste the cake* (*tort yegim kelmayapti*) ma'nosi chiqib keladi (*it is disgusting, yoki I hate sweets - U yoqimsiz yoki shirinlikni yomon ko'raman*) degan pragmatik ma'no paydo bo'ladi.

Sezgi fe'llari evidensialligi deganda *ko'rish, eshitish, ushlab ko'rish, hid bilish va ta'm bilish* kabi his qilinuvchi barcha sezgi fe'llari yordamida ifodalanadigan ma'lumot nazarda tutiladi. Chunki, nutq jarayonida sezgi fe'llari evidensial hodisaga nisbatan referensiya vazifasini bajaradi. Bunda so'zlovchi yohud yozuvchining ma'lum taklif uchun mantiqiy dalillarga asoslanib, fikr bildirishi tushuniladi [Murray 2017; 32].

Evidensiallikni modal elementlardan farqlashning yana boshqa bir yo'li shundaki, evidensiallik kuchli epistemik fe'llar orqali ishlatiladi. Bunda ular ingliz tilidagi ikki asosiy fe'l *must* hamda *shall* fe'llari bilan kognitivlik hosil qiladi. Nemis, dat hamda shved tillarida *must* fe'lga nisbatan *shall* fe'li faolroq ekanligini e'tirof etish lozim. Masalan: *He is said to be extremely hungry – u juda och ekanligini*

*They are said to taste the cake. I shall taste the cake.*

Merriam Websterning ingliz tilini yuqori darajada o'zlashtirishga mo'ljallangan lug'atida "taste" fe'lining 7 dan ziyod ma'nolari keltirilgan bo'lib, unga quyidagicha izoh berilgan:

- 1) the sweet, salty, bitter or sour quality of a thing that you can sense when it is in your mouth;
- 2) the ability to notice or recognize flavours when you eat or drink something;
- 3) something that gives you some knowledge about what something is like;
- 4) to experience something;
- 5) to have a particular taste;
- 6) a small amount of food or drink that you have in order to see how it tastes;
- 7) the feeling that each person has about what is appealing or attractive.

Ma'lumot sifatida shu ham ta'kidlash joizki, ingliz tilidagi *taste* so'zi omonimik shaklga ega bo'lib, lug'atlarda uning ham otga ham fe'l fe'lga doir ma'nolari beriladi. Masalan, *The wine has a slightly bitter taste – Vinoning birozgina tahir ta'mi bor (ot).*

*The food was very pleasant to taste – Ovqat ta'tib ko'rish uchun juda mazali edi (fe'l).*

Bunday hollarda, tabiiyki fe'lva ot gapning kontekstidan anglashiladi. Ushbu shakldosh so'zlarni evidensial tahlil yordamida ham ajratib olish mumkin. Chunki evidensial tahlilda grammatik markerlar muhim o'rin tutadi. Ular zamonni ifodalovchi suffikslar oqali og'zaki va yozma nutqda ko'p uchraydi. Chunonchi,

1. *The milk tastes sour. (hozirgi zamon fe'l shakli)*

2. *The hot fried ham and eggs tasted wonderful [E.Hemingway, The Battler p 92] (o'tgan zamon fe'l shakli)*

3. *But there was a good bottle of really cold, dry, resinous tasting Greek white wine and for desert they had cherry pie. [E.Hemingway. The strange country p 2] (hozirgi zamon sifat shakli)*

4. *The food was very pleasant to taste (fe'lining infinitiv shakli).*

5. *"It's got a swell smoky taste", Nick said, and looked at the fire through the glass. [E.Hemingway, The three day blow p 82] (hozirgi zamon ot shakli).*

Ingliz tilidagi internet manbalarida *taste* fe'lining sinonimlari sifatida *flavor, savour, smack, tang, relish, nibble, mouthful, tidbit, nibble, nugget, morsel* so'zlari keltiriladi. Yuqoridagi fe'llarning barchasi sezgi harakatini ifodalab, ushbu fe'llar *ta'm bilmoq* semasi dominant vazifasini o'taydi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, evidensiallikdagi eng muhim jihat ma'lumotning asosini belgilashga xizmat qiladi. O'z navbatida, asos bir tomonlama subyektning shaxsiy kuzatishi, ya'ni bevosita guvohlik berishini amalga oshirib, biror kimsaning ma'lum obyektini yoki voqelikni ko'rish orqali, sezgi organlari yordamida his qilishiga nisbatan ishlatiladi. Bu esa so'zlovchining tafakkuri bilan chambarchas bog'liq holat hisoblanadi. Bundan tashqari, ma'lumot asosi boshqa manbaga tegishli bo'lib, u bilvosita ham yuzaga kelishi mumkin. Demak, evidensial tahlil kognitivlik asosida yuzaga keladi, vatildagi epistemik, grammatik va pragmatik hodisalarni aniqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.



### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alexandra Y Aikhenvald, Evidentiality. Oxford University Press 2004.– 481 p.
2. Barnes J. Evidentials in the Tuyuka verb. International Journal of American Linguistics, 1984.-271 p.
3. Bednarek M. Epistemological Positioning and Evidentiality in English News Discourse 2006.–P 635-660.
4. Bert Cornillie. Evidentiality and epistemic modality . On close relationship between two categories. Functions of language 2004. – 168 p.
5. Diewald G., Smirnova E. Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages. Berlin-Germany 2010. –378 p.
6. Faller M. Reportative evidentials and modal subordination. Lingua 2014. –P 367.
7. Fricker E. Testimony and epistemic autonomy In Lackey J. Sosa E. The epistemology of testimony. Oxford University Press 2006.– 225 p.
8. F de Haan WALS. Semantic Distinctions of evidentiality, Privacy Policy Disclaimer 1999.– 413p.
9. Jackendoff R. Semantics and cognition In Lappin S // The handbook of contemporary semantic theory 1996.–P 539-559.
10. Johanson Laird and Utas, B. Evidentials: Turkic, Iranian and neighbouring languages. Berlin-Germany 1976.–P 28-43.
11. Murray Sarah. The Semantics of Evidentials. Oxford University Press 2017.– 517p.
12. Merriam-Webster Advanced LEARNER’S English dictionary. Springfield Massachusetts, USA 2008.– 2032 p.
13. Ernest Hemingway, The complete short stories of E.Hemingway. The Finca Vigia Edition. Simon and Schuster Inc 1987, p 535.
14. O‘zbek tilining izohli lug‘ati, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2006, TO‘RTINCHI JILD, 648 bet.

*Xamrayeva M. Evidensiallik va epistemik modallikning kognitiv voqelanishi (“Taste”-“ta’m bilmoq” sezgi fe’llari misolida). Maqolada ingliz tilidagi “taste” hamda o‘zbek tilidagi “ta’m bilmoq” sezgi fe’llari evidensial hamda epistemik tahlilga olingan, shuningdek, evidensiallikning inson tafakkuri (kognitivlik) bilan bog‘liqligi tushuntirilgan.*

*Xamrayeva M. Evidentiality and epistemic modality in cognitive occurrence (In the sample of “taste”-“ta’m bilmoq” perceptual verbs). The article deals with evidential and epistemic analysis of the perceptual verbs "taste" in English and “tam bilmoq” in Uzbek, as well as explains that evidentiality is linked with human thinking (cognition).*





## KONCHILIK FAKULTETI TALABALARIGA INGLIZ TILINI O'RGATISHDA LEKSIK KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISH USULLARI

*Saydullayeva Husnora Utkirovna,  
Navoiy davlat konchilik instituti tadqiqotchisi*

*Kalit so'zlar: ingliz tili, xorijiy tillar, tanqidiy pedagogika, mutaxassislik, konchilik fakulteti talabalari, o'qitish usullari.*

Kasbiy muloqot bu sohalarda chet tilini o'rganishda leksik kompetensiyani shakllantirishning asosiy yondashuvlaridan biridir. Konchilik fakulteti talabalariga ingliz tilini o'qitishda leksik kompetensiyani rivojlantirish metodikasini o'zlashtirish, kasbiy muloqotda chet tilini o'rganish talabalarning vazifasidir. Talabalar leksik kompetensiyada umumiy va mutaxassislik terminologiyani bilishni, shuningdek, nutq faoliyatida orttirilgan so'z boylıklaridan foydalanish qobiliyatini nazarda tutadi.

Muloqotda leksik kompetensiyani shakllantirishning samarali vositasi sifatida o'qituvchi rahbarligida matnlar ustida intensiv va sinchkovlik bilan ishlashni o'z ichiga oladi.

Konchilik talabalariga ingliz tilini o'rgatishda leksik kompetensiyani rivojlantirish metodikasi intensiv o'qishga yaxshilanadi, chunki matnning lug'ati, grammatikasi, izchilligi va uning mazmuni mutaxassislik bo'yicha, matnning kommunikativ maqsadini tushunishga yordam beradi. Matn bilan intensiv ishlashda talabalar 150-200 so'zdan iborat kichik parchani yoki qisqa matnni batafsil o'rganadilar, shu bilan birga ushbu matn taqdim etiladigan vazifalar ko'p miqdordagi leksik mashqlardan va matnni tushunish uchun mo'ljallangan vazifalardan iborat. Bu matnning o'zi matn hajmidan sezilarli darajada oshib ketadi.

Mutaxassislik bo'yicha matn ustida olib boriladigan intensiv ishlarning maqsadi - bu matnni batafsil tushunish va matn misolida til hodisalarini o'rganish, lingvistik fikrlashni rivojlantirish va konchilikda so'z boyligini kengaytirishdir.

So'z boyligini oshirishda intensiv o'qish uchun matn materialini tanlashning

umumiy mezonlari - bu konchilik mutaxassisligi ixtisoslashuvi nuqtayi nazaridan matnning professional yo'nalish nuqtayi nazaridan qiymati, matnlar mavzusining kasb manfaatlariga muvofiqligi talabalar va ularning til darajasidir. Ma'lum bir mavzuga muvofiqligi, matnning qiymatini bilish, matnning semantik to'liqligi va tuzilishi, har xil turdagi o'quv matnlari korpusida namoyish etilishi, ilmiy, publitsistik va pragmatik uslublarning turli janrlari matn materialining haqiqiylikidadir. Konchilik sohasida chet tilining professional so'z boyligini o'rgatish bizning holatimizda konchilik ixtisosiga oid matnda keltirilgan ma'lumotlarning madaniyatlararo xarakteri kabi mezon alohida ahamiyatga ega. Tilshunoslik aloqalari sharoitida terminologiyani o'qitishni optimallashtirishga mo'ljallangan pedagogik texnika sifatida mutaxassislik bo'yicha murakkab autentik matnlarni intensiv o'qish, pedagogikaning metodologik konsepsiyasiga organik ravishda mos keladi, biz uning afzalliklari haqida oldinroq ko'rib chiqdik.

Talabalarga mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini singdiradigan, faol, tanqidiy fikrlaydigan, ongli va mas'uliyatli jamiyat a'zolarini shakllantirishga hissa qo'shadigan o'qitish amaliyotiga xos yondashuv hosil qiladi. Pedagogik metodlarning o'ziga xos xususiyati - bu ta'lim jarayonidagi ishtirokchilarning pozitsiyalari va qarashlari xilma-xilligini, ularning individual xususiyatlarini hisobga olgan yondashuv foydasiga an'anaviy o'qitishning ratsional-dogmatik usullarini rad etish; ushbu yondashuv tinglovchilarining kasbiy vakolatlarini rivojlantirishga katta hissa qo'shadi. Pedagogika doirasida an'anaviy rollar buziladi, bu talabalarning bilim



tashuvchisi va talabaning qabul qiluvchi sifatida passivligini anglatadi; o'quv vakolatining bir qismi talabalarga beriladi. Bunday amaliyot talabalarga o'zini namoyon qilish va bilimlarni jamoaviy qurish jarayonida faol ishtirok etish imkoniyatini beradi, ularning ijtimoiy tayyorgarligi va faolligini oshirishga yordam beradi.

Pedagogik metodika talabalarining o'qish ko'nikmalarini rivojlantirishga va mutaxassislikka yo'naltirilgan chet tilidagi matnlarni tushunishga yordam beradi, zamonaviy ilmiy matnlarning har xil shakllarini qog'ozda ham, elektron ommaviy axborot vositalarida ham qamrab olishga yordam beradi. Xususan, muallif tomonidan o'tkazilgan tajribaviy tadqiqotlar natijalari ingliz tilidagi mutaxassislikka yo'naltirilgan matnlarni o'qish va tushunishda o'qitishda tanqidiy pedagogika metodlarini qo'llash maqsadga muvofiqligini ko'rsatdi.

Mutaxassislik tilini o'qitishda tanqidiy pedagogika usullaridan foydalanishning maqsadga muvofiqligi, boshqa jihatlar qatorida, shu jihatdan eng katta darajada ekanligi, o'qituvchi vakolatini talabaga berishning afzalligi bilan bog'liqligi namoyon bo'ldi. Darhaqiqat, chet tili o'qituvchisi talabalarining ixtisoslashuvi sohasida etarlicha vakolatli bo'lmaganligi sababli, tegishli sinflarda stajor sifatida juda organik ravishda ishtirok etishi mumkin.

Jahon amaliyotida ingliz tili lug'atini chet tili sifatida o'qitish metodikasi to'plangan. Tinglovchilarning ona tili o'zbek tili bo'lganligi sababli, bizning o'rganishimiz uchun chet tillarni o'qitish milliy maktabi doirasida ishlab chiqilgan metodika eng dolzarb bo'lib, u uchun mashqlarning integrallashgan to'plamidan foydalanishga asoslangan. o'qish jarayonida so'z boyligini o'rgatish.

So'z boyligini o'qitishning yuqoridagi metodologiyasini asos qilib olib, biz ingliz tilini chet tili sifatida professional aloqa sohasida o'qitish vazifalariga moslashtirdik. Bundan tashqari, metodikani ishlab chiqishda biz chinakam murakkab matnlarga asoslangan intensiv o'qish uslubini hamda tanqidiy pedagogika usullarini qo'llashning

yuqorida aytib o'tilgan maqsadga muvofiqligini hisobga oldik.

Shunday qilib, biz kasbiy so'z boyligini o'rgatish uchun mashqlar to'plamini ishlab chiqdik, ular tarkibiga turli xil professional so'z boyliklarini tanib olish, idrok etish va tushunishga yordam beradigan mashqlar kiradi.

Ushbu mashqlar to'plami tanqidiy pedagogika metodlaridan foydalangan holda nutq faoliyatining turi sifatida intensiv o'qishni o'rgatishga qaratilgan mashqlar tizimiga kiritilgan va o'quvchilarning tillararo almashinuvi, intellektual va lingvistik imkoniyatlarini hisobga olgan holda tuzilgan.

Ushbu integral mashqlar to'plami doirasida so'z birikmalarini tayyorlash uchun bosqichda amalga oshiriladi.

Lug'at bilan ishlashning birinchi (qisqa matn) bosqichida, professional muloqot sohasida leksik kompetensiyani birlamchi konsolidatsiyasini ta'minlash uchun paradigmatic va sintagmatic aloqalarni shakllantirish uchun mashqlardan foydalaniladi.

Leksik ko'nikmalarni shakllantirishning ikkinchi bosqichi matn bosqichi va pedagogik metodlaridan foydalangan holda intensiv o'qish ko'nikmalarini rivojlantirish bilan birlashtirilgan. Ushbu bosqichda atamalardan foydalanish, vaziyatga qarab bir qator taqdim etilganlardan terminni tanlash va matnni to'liq va aniq anglash qobiliyatini rivojlantirish uchun turli xil og'zaki va yozma mashqlardan foydalaniladi. Matn bosqichidan keyin mos keladigan matn va kasbiy so'z boyligi bo'yicha ishlashning uchinchi bosqichi leksik bilim va ko'nikmalarni mustahkamlashni, shuningdek, ularni yozma va og'zaki nutqning turli xil shakllarida (nutq mashqlari) ishlatish jarayonida faollashtirishni nazarda tutadi.

Bundan tashqari, siz sinonimlarni / antonimlarni tanlashni, bo'shliqlarni to'ldirishni, turli xil sharoitlarda leksik birliklarni ikki tomonlama tarjima qilishni, so'zlarni birlashtirish bo'yicha mashqlarni o'z ichiga olishi mumkin bo'lgan leksik



aralashuvni bartaraf etish uchun tematik terminologiyani mashq qilish uchun topshiriqlarni qo'llashingiz mumkin.

Ingliz tilini o'rganayotgan talabalarning odatdagi leksik xatolari qaysi til ilgari o'rganilganiga qarab turlicha bo'lganligi sababli, ingliz tilini o'qitishning tegishli metodik vositalari va mashqlari bilan maxsus metodikasini ishlab chiqish muhim ko'rinadi. Ushbu uslub muallif tomonidan ishlab chiqilgan va taklif qilingan.

Taklif etilayotgan metodikaning maqsadga muvofiqligi va samaradorligini sinab ko'rish uchun har bir guruhda 10 talabadan iborat guruh tashkil etilgan. Eksperimental guruh o'qitishni tanqidiy pedagogika metodlaridan foydalangan holda o'qitishni o'rgatish uchun yaxlit leksik mashqlar majmuasiga asoslangan metodika bo'yicha o'qitildi; nazorat guruhi an'anaviy uslub yordamida o'qitildi. Ikkala guruh ham bir xil "Ingliz tili professional sohada bir xil o'qituvchilar va o'quv qo'llanmalaridan foydalangan holda bitta o'qituvchi rahbarligida bir xil maqsad va vazifalarga ega bo'lgan muloqot. Guruhlar anketalar, intervyular va til testlari / xalqaro imtihonlar natijalari tufayli tanlangan).

Talabalar haftasiga ikki soat davomida bir semestr davomida professional aloqa sohasida ingliz tilini o'rganishdi. O'quv natijalari oraliq va yakuniy attestatsiya paytida o'lchandi. Trening davomida talabalar bilan suhbatlar o'tkazildi va ularning kasbiy so'zlarni o'zlashtirishdagi yutuqlari va paydo bo'lgan muammolar to'g'risida savollar berildi.

Sinov sinovning uchala qismi uchun eksperimental va nazorat guruhlarining baholari o'rtasida statistik jihatdan muhim farqlarni aniqladi. Leksikaviy kompetensiyada sezilarli farq bor: testning barcha bo'limlarida eksperimental guruhning o'rtacha ballari nazorat guruhiga nisbatan yuqori bo'ldi.

Ta'lim jarayonida eksperimental guruh talabalari o'qish va matnni tushunish qobiliyatlarini rivojlanganligini, so'z boyligi kengayganligini, motivatsiya va jamoaviy ko'nikmalarni oshirganligini ta'kidladilar. Oraliq va yakuniy sertifikatlash natijalari

o'quv kursini tugatgandan so'ng eksperimental guruhda leksik ko'nikmalar rivojlanganligini ko'rsatadi.

Shunday qilib, muallif tomonidan ishlab chiqilgan eksperimental metodikadan foydalanish birinchi fransuz tili bo'lgan talabalar tomonidan kasbiy lug'atni o'zlashtirish samaradorligini oshirdi degan xulosaga kelishimiz mumkin.

Tadqiqot natijalari birinchi fransuz tilida ikkinchi chet tili sifatida professional ingliz tilini o'rganishda lingvistik aralashuvning mavjudligi va yuqori ahamiyati haqidagi farazni tasdiqlaydi; aralashuv manbai fransuzcha. Xatolarning asosiy manbai to'liq yoki qisman assimilyatsiya qilingan qarindosh so'zlardir.

Tadqiqot davomida muallif chet tilini o'qitish uchun maxsus o'quv-uslubiy majmuani ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir degan xulosaga keldi va o'z versiyasini taklif qildi, so'zlashuv jarayonida so'z birikmalarini o'qitish uchun integral mashq majmuasidan foydalanishni birlashtirdi tanqidiy pedagogika usuli bilan intensiv o'qishni olib boradi.

Eksperimental mashg'ulotlar davomida leksik ko'nikmalarni shakllantirish, intensiv o'qish qobiliyatlarini, so'z boyligini kengaytirish va til aralashuvi bilan bog'liq xatolar sonining kamayishi nuqtayi nazaridan tavsiya etilgan metodikaning maqsadga muvofiqligi va samaradorligi tasdiqlandi. Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, tanqidiy pedagogika metodidan foydalangan holda intensiv o'qish jarayonida so'z boyligini o'rgatish uchun integral mashqlar to'plamidan foydalanish leksik ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi. Sifatli va miqdoriy tadqiqot ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, ishlab chiqilgan metodologiyani tanqidiy pedagogika texnikasi bilan parallel ravishda ishlatish leksik materialni o'zlashtirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, intensiv o'qish ko'nikmalarini rivojlantiradi va o'quvchilarning so'z boyligini kengaytiradi. Olingan natijalardan leksik aralashuv hodisasini keyingi tadqiqotlar jarayonida, chet tilini o'rganishda leksik ko'nikmalarni



shakllantirish usullarini ishlab chiqishda foydalanish mumkin. Ingliz tilini o'qitish bo'yicha amaliy mashg'ulotlar jarayonida, shuningdek, chet tilini o'qitish uchun

maxsus darsliklar va o'quv qo'llanmalar ishlab chiqilmoqda.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. A.S. Andrienko, Texnologik ta'limga asoslangan texnik oliy ta'limida chet tilida talabalarining kommunikativ vakolatlarini malakasini oshirish. // Janubiy Federal Universitet, Rostov-Don, Rossiya Federatsiyasi (2007).

2. L.I.Chetverikova Ingliz tilini o'qitishning interaktiv shakllari va usullari. Chet tillarni o'qitishda yangi ishlab chiqarish texnologiyalari, 137-141 (2004).

3. Gnatishina E. A. Kasbiy-pedagogik universitet bitiruvchisining kasbiy kompetensiyasining konseptual modellarini yaratish texnologiyasi // Ta'lim va fan. 2008. № 4 (52) -son. S. 36–41.

4. Gorovaya V. I., Tarasova S. I. Zamonaviy inson tizimidagi pedagogik faoliyat. -M.: Ileksa, (2005).

5. Desyatova E. Yu., Texnik universitetlar talabalarining ijtimoiy va shaxsiy kompetensiyalari // Ta'lim va fan. 2008. No 7 (55). s. 22–27.

6. Popov Yu. V., Podlesnov V.N., Sadovnikov V.I., Kucherov V.G., Androsyuk E.R. Texnik universitetda ko'p bosqichli ta'lim tizimini amalga oshirishning amaliy jihatlari: ta'limni tashkil etish texnologiyasi // Oliy. -M., 1999. № 6. P. 105-110.

*Saydullaeva X. Методы развития лексической компетенции в обучении студентов факультета горной металлургии английскому языку. В данной научной статье исследуются современные языковые ситуации, характеризующиеся совершенствованием методологии развития лексической компетенции при обучении иностранным языкам, а также способы повышения научного интереса к феномену языковой интерференции при изучении иностранных языков.*

*Статья посвящена методике развития лексической компетентности при обучении английскому языку студентов горного факультета.*

*Saydullayeva H. Methods of developing lexical competence in teaching English to the students of mining department. This scientific article examines modern linguistic situations characterized by the improvement of the methodology for the development of lexical competence in teaching foreign languages, as well as ways to increase scientific interest in the phenomenon of linguistic interference in the study of foreign languages.*

*The article is devoted to the methodology for the development of lexical competence in teaching English to students of the mining faculty.*



## БИЗНЕС ТУРИЗМ МОҲИЯТИ ВА БОШҚАРУВДАГИ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ

*Гавҳарой Исроилжон қизи,  
АндУ катта ўқитувчиси*

*Калит сўзлар:* турист, туризм, маҳаллий, эко туризм, агро туризм, ёзги ва иш юзасидан, зиёрат (диний), таълимий, маданий, заргузаит, қишки, спорт туризми.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир раҳбар, энг аввало, ўз идорасидаги, бошқарув аппаратидаги ходимларни, мутахассислар ва хизматчилар ишини бошқара олиши керак. Чунки фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув командаси ишининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Бу масалани ижобий ҳал қилиш раҳбар ходимлардан уларнинг шахсий қобилиятлари билан бирга бошқарув фаолияти асослари илмини мукамал эгаллашлари, маъмурий менежмент асосларини билишлари ва юқори даражали малакага эга бўлишларини талаб қилади. Ташкилотда маъмурият ишини тўғри ташкил эта билиш, вазифа ва ваколатларни тақсимлашда ходимнинг малакасини эътиборга олиш, бошқарув усулларида ўз ўрнида фойдаланиш, самарали ва аҳил бошқарув аппаратини шакллантириш ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосини ташкил этади. Раҳбарнинг қўл остидаги ходимларга бўлган илиқ муносабати ходимларнинг ўз ишларини юқори сифатли қилиб бажаришларини ва кўтаринки руҳда ишлашларини таъминлайди. Раҳбарларнинг ходимлар билан ишлаш жараёнида ходимларнинг ҳолатларини ва шахсий хусусиятларини инобатга олиши, ижтимоий адолат тамойилига риоя этиши уларнинг қалбига йўл топа билиши унинг билим даражасига, муомала маданиятига боғлиқдир. [John R. Walker, 2012] Бу каби хусусиятларга эга бўлган раҳбарлар ўзлари бошқариб турган жамоалари олдига қуйилган мураккаб масалаларни тўғри ҳал қилишга ва режаларни юқори самарали қилиб бажаришга кодир бўладилар. Бундай жамоаларда руҳий иқлим муқаррар

барқарор топган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бундай жамоалар ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга кодир бўладилар. Мазкур жамоалар республикамиз иқтисодиётини кўтаришда марказий устун бўлиб хизмат қилади. Шундай хусусиятларга эга бўлган раҳбарларнинг сонини ошириш олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш даражасига ва ишлаб турган раҳбарларнинг малакасини узлуксиз тарзда оширишга боғлиқдир. Ҳар қандай корхонанинг маъмурий аппарати фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда ходимлар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш муҳимдир. Ташкилотда вазифаларни белгилашда ташкилотнинг структурасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Ташкилот структураси ташкилотнинг ўз мақсадларига самарали равишда эришишини таъминлайдиган бошқарув поғоналари ва функционал соҳалар ўртасидаги мантикий ўзаро муносабатни ифодалайди. Ҳар бир ташкилотда меҳнат тақсимоти мавжуд бўлади. Айниқса, ихтисослаштирилган меҳнат тақсимоти кенг тарқалган – бунда маълум ишни мутахассисга, яъни шу ишни ташкилот нуқтаи назаридан энг яхши бажара оладиган ходимга юклаш тушунилади.

Умуман, маъмурий ходимларнинг ваколати уларнинг бошқарув поғонаси ўсиши билан ошиб боради. Ҳар бир ходимнинг лавозими доирасидаги барча ваколатларнинг маълум чегараси мавжуд. Ҳатто энг юқори раҳбарнинг ҳам ваколатлари чегараланган. Масалан: Акционерлик жамияти директори акционерлар олдида харажатлар учун жавобгардир. Директорлар кенгаши



келишувисиз раҳбар ўз маошини мустақил равишда белгилай олмайди ёки ошира олмайди.

Ўзбекистон Республикасида кўрсатилаётган туристик хизматларда функцияларнинг таксимланиш хусусиятлари куйидагича: Барча саёҳатлар хоҳ ички, хоҳ халқаро туризмда бўлсин, уюштирилган ва уюштирилмаган сифатида баҳоланади. Туристлик фирмалар воситачилиги ёрдамида хорижга ёки ўз мамлакатига яқка ёки гуруҳ бўлиб саёҳат қилиш уюштирилган тур ҳисобланади. Яқка ёки гуруҳ бўлиб ўз мамлакати ёки хорижга туристларнинг ўзлари томонидан ташкил этилган саёҳат эса уюштирилмаган тур ҳисобланади. Одатда, туризмнинг бу категориясига нисбатан «ҳаваскор туризм» (оддий тилда «Ёввойилар») деган атама қўлланилади. [Kotler P., Bowen J. & Makens J., 2014].

Уюштирилган ва уюштирилмаган тур маҳсул статистикаси миллий ва халқаро масштабда юргизилмайди, аммо экспертлар баҳоси бўйича жаҳон туризми умумий ҳажмига уюштирилган туризмнинг 35 % га яқин, уюштирилмаган туризмнинг 65 % га яқин улушлари тўғри келади. Уюштирилган турларнинг улуши ҳозирча уюштирилмаган турлардан анча орқда қолаётган бўлса-да, мутлақ рақамларда уюштирилган турлар кўп сонли оқимларни ташкил қилади ва йилдан-йилга ортиб борапти. Туристлик фирмалар тадбиркорлик таркиби, туристик хизматлар олди-сотдиси соҳасида тижорий асосларда воситачилик операциялари билан шуғулланувчилар тушунилади. Туристлик фирманинг ўзи туристик хизматлар ишлаб чиқармайди. У бунинг учун зарур ишлаб чиқариш воситаларига эга эмас. Шунинг учун у соф воситачилик вазифасини бажаради ва истъомлчи топшириғи билан ишлаб чиқарувчилардан ҳар хил туристик хизматларни сотиб олади (меҳмонхона, транспорт, овқатланиш корхоналари ва сайр томошалар ва бошқ.). Туристлик фирма истъомлчи ва туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида воситачи вазифасини эгаллайди. Туристлик хизматларнинг олди-сотди жараёни

мамлакатнинг катта қисмида туристик бизнес кўп сонли тадбиркорлик фаолиятига берилган. Улар миллий қонунчиликка мувофиқ тузилади ва фаолият юритади. Улар ўрнатилган стандартлар, талаблар, шартларига қатъий амал қилишга мажбурдирлар. [By Hans Mol Series edited by Terry Phillips, 2010.]. Таъкидлаш керакки, туристик фирмалар фаолиятида операциялар ҳажми ва характери, бозордаги ўрни, фаолият ихтисослашуви ва туристик бозорнинг бошқа шартлари билан боғлиқ сезиларли фарқлар кўзга ташланади. Энг аввало, туристик фирмалар туроператорлар (турташкilotчилар) ва турагентлик (турагентлар)га бўлинади. *Туроператорлар.* Улар туристик маҳсулотларни улгуржи сотувчилари ҳисобланишади. Туроператорлар туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилар ва уларни чакана сотувчилар ўртасида боғловчи ўринни эгаллайди. Оммавий туристик маҳсулотлар (инклюзив сафарлар) яратиш учун улар меҳмонхона, ресторанлар, транспорт корхоналари катта ҳажмдаги хизматларини сотиб оладилар, улардан белгиланган йўналишда гуруҳ ва индивидуал саёҳатлар учун сафар пакетларини шакллантирадилар. Туроператорлар уюштирилган туризмнинг бош генераторлари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси бозор талабларини ўрганиш ва қондиришдан иборат. Улгуржи турфирмаларга ўз бизнесини ривожлантириш учун сезиларли молиявий воситаларни инвестиция қилишга тўғри келади. Бу ўз савдо маркази ва маҳсулотнинг ҳаракати, самарали сотиш тармоғи яратиш ва бошқалар учун зарурдир. Туристлик бозорнинг катта бўлаклиги, сегментацияси ва талаби туоператорларнинг фаолиятини ўз маҳсулотини аниқ ихтисосланган йўналишга қаратишига зарурат туғдиради. Туоператорлик фаолияти асосий ихтисослашга йўналишлар ҳисобланади:

1. Хорижий туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашиш. Бу фаолият билан шуғулланувчи турфирмалар қабул қилиш



бўйича туроператорлар дейилади. Ўзларининг асосий вазибаларини бажариш учун улар: а) мамлакатда мавжуд туристик ресурсларни ва улардан фойдаланиш, эгаллаш, ўз мамлакати бўйлаб туристик турлар хусусиятлари хақида ахборотларни яхши билиши; в) ўз мамлакатада туризмнинг моддий-техник базаси хақида ахборотга эга бўлиши, туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ишчан алоқада бўлиш ва хорижий туристларга хизмат кўрсатиш учун улардан фойдаланиш имкониятлари; с) хорижий туристларни визали кўллаб-қувватлаш, турфирма таклиф этадиган мамлакатга сафарларни сотиб олиш ҳуқуқи (референс)га эга бўлиш; д) хорижий туристик бозорда ўз маҳсулотини сотиш ва ҳаракатланиш каналларига эга бўлиш.

2. Ўз мамлакати фуқароларини хорижга туристик сафарга боришини ташкил қилишга ихтисослашиш. Бу операциялар билан шуғулланувчи турфирмалар йўналиш бўйича туроператорлар дейилади. Ўзларининг асосий функцияларини бажариш учун улар: а) ўз мамлакатада чиқиш туризми бозорида яхши ўринга эга бўлиши, ўз юртдошларига хорижга туристик турларни таклиф этиш ва сотиш имконига эга бўлиши; в) ўз туристларини халқаро давлатларга боришини таъминлаш учун халқаро ташрифчилар (авиа ва автотранспорт, темирйўл ва сув транспорти) билан мустаҳкам ишчанлик алоқасида бўлиш; с) қабул қилинадиган хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш ва визавий кўллаб – қувватлашни таъминлаш учун қабул қилиш бўйича чет эл туроператорлари билан мустаҳкам шерикчилик муносабатларига эга бўлиш; д) турли мамлакатларга туристик сафарлар шартлари бўйича зарур ахборотга эга бўлиш.

*Бозор сегментлари бўйича туристик фирмалар ихтисослашуви.* Ҳозирги замон эҳтиёж таракқиётида ва кўп сонли туристлар хоҳиш-истакларида бирорта фирма, ҳатто у йирик туристик фирма бўлсин, мавжуд бозор сегментлари ва

қашшоқлигини фаолиятига камраб ололмади. Амалда ҳар бир туристик фирма ўзи учун нисбатан кириш қулайроқ ва бозор талабининг фойдалироқ сегментини танлайди. Шу асосда у ўз туристик маҳсулотини шакллантиради, нархларни белгилайди, тегишли сотиш ва ҳаракатланиш каналларидан фойдаланади. Шундай қилиб, ихтисослашган туристик фирма вужудга келади. Демографик, ижтимоий – иқтисодий ва талабнинг психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда биз туроператорларни қуйидаги йўналишлар бўйича ихтисослашувини кузатишимиз мумкин:

1. ёшлар туризми (мактаб ўқувчилари, талабалар);
2. кексалар туризми (пензионерлар, ветеранлар);
3. оммавий туризм (ўртача даромадли кишилар учун);
4. алоҳида эътиборли Элитар туризм (юқори даромадли шахслар учун);
5. автобус ва кема туризми;
6. экскурсия – томоша туризми;
7. дам олиш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш мақсадидаги туризм;
8. конгресс туризми ва бошқалар.

*Туристтик агентлик (агентлар).* Улар ватандошлари ёки чет эллик туристларга шахсий нотижорий истеъмол учун туристик хизматларни чакана сотувчилари сифатида чиқишади. Чакана турагентлик туроператорнинг туристик маҳсулотларини реализация қилишда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, улар жуда кўп бошқа хизматлар–масалан, меҳмонхонага жойлаштириш, ресторанда овқатлантириш, транспортда ташиш, театр – томоша тадбирлари билан шуғулланиладилар.

Инсонлар фаол меҳнат қилиш билан бирга дам олишни ҳам режалаштирадилар. Инсон омили оғир меҳнатдан кейин дам олишни ҳеч қачон рад этмайди. Психологларнинг таъкидлашларича, инсонларнинг дам олиш омиллари қаторида саёҳат етакчи ўринда турар экан. Саёҳат инсонга руҳий енгиллик бериш билан бирга меҳнатга тўла куч ва ғайрат билан қайтишнинг энг зарур омилдир.



Саёҳат бирламчи иш фаолиятини тиклаш ва ҳордиқ чиқариш учун ҳамда иккиламчи ўзга юртда ишлаш ёки иш юзасидан қилинади. Қуйида, биз саёҳат ва туризм моҳиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Биламизки, инсонлар турли хил сабабларга кўра саёҳат қиладилар. Шу ўринда биз саёҳат турларини эслатиб ўтамиз [Cartrin E.Morriis, 1996].

Вақтни мазмунли ўтказиш учун қилинадиган саёҳат, кўнгилхушлик, ҳордиқ чиқариш туризми инглиз тилида **Recreational tourism** деб номланади. Бу жараёнда инсон фаол дам олиш унсурлари, масалан, дамолиш учун вақтичоғлик, кино кўриш, ракс тушиш, китоб ўқиш, кино кўриш кечки сеансда ёки премьераси, ёқтирган таомларини истеъмол қилиш каби фаолиятлар саёҳат давомида бажарилади.

Маданий туризм инглиз тилида **Cultural tourism** деб юритилади. Бу жараёнда сайёҳ ташриф буюрган давлатнинг тарихий жойларини, диққатга сазовор жойларини ва биноларини, табиат манзараларини, музейлари, кутубхоналари, ўша юртда яшовчи халқнинг урф-одатлари ва қадриятлари, санъати ҳамда яшаш тарзини томоша қилиш, ўрганиш учун сафар қилинади.

Саргузашт туризм инглиз тилида **Adventure tourism**-деб номланиб узоқ сафарга саргузаштли воқеаларга гувоҳ бўлиш учун ёки янги жой ва ажойиб инсонлар ҳаёти ва яшаш тарзи билан танишиш мақсадида узоқ ва нотаниш юртларга саёҳат қилинади.

Табиат муҳофазаси экотуризм инглиз тилида ҳам **Ecotourism**-дейлади (тилшуносликда бу ҳолатни англицизм деб атаймиз, яъни сўзни тилда айнан транскрипция ёки транслитерация варинтини истеъмол учун тўғридан-тўғри қабул қиламиз), атроф-муҳит муҳофазасига доир фаолият билан қизиққан ҳолатда табиат манзараларини томоша қилиш, этник ва табиий фауна ва флоралар билан яқиндан танишиш учун амалга оширилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда Агротуризм-agrotourism ривожланмоқда.

Қишки туризм инглиз тилида **Winter tourism** деб аталади ва инсонлар доимо қиш фасли ҳукмрон юртларга ёки қиш фасли даврида ёғаетган қор ва табиий музликлардан завқ олиш учун ҳамда қишки ўйинлар: қорли тепаликларда лижа учиш, муз устида коньки учиш, қор бўрон ўйнаш ва қорбобо ва муз хайкалларини яшаш учун саёҳат қиладилар, ҳатто сунъий муз хайкаллари яшаш конкурсларида қатнашиш учун ҳам сафарга чиқадилар.

Спорт туризми ҳам англицизм ҳисобланади ва инглиз тилида **Sport tourism** деб номланиб, спорт ўйинларини ўйнаш ёки кузатиш ҳамда нуфузли спорт воқеликлариди: анъанавий ёзги ва қишки спорт олимпиадаларида қатнашиш ёки томоша қилиш учун саёҳат қилинади.

Маърифий (Таълимий саёҳат) туризм инглиз тилида **Educational tourism** деб номланиб, ўзга давлатда таълим олиш, ўша юрт тилини мустаҳкам ўрганиш мақсадида ва малака ошириш, тажриба алмашиш учун таълим муассасаларига хизмат сафари билан ҳарактерланади.

Бугунги кунда янги туризм инглиз тилида **Health tourism**-(тиббий) саломатлик туризмини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, сабаби бугунги кунда инсонлар ўз соғлигини тиклаш учун хорижий давлатларга ташриф буюриб, санаторийларда даволаниб, дам олиб, ўзга юрт тиббиёт мутахассислари ёрдамида саломатликларини тиклаб даволаниб қайтмоқдалар.

Зиёрат (диний) туризм инглиз тилида **Religious tourism**-бу жараёнда инсонлар муқаддас Каъба жойлашган юрт Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж сафари ва диний байрам ва воқеликларни нишонлаш мақсадида ташриф буюрадилар.

**Gap-year tourism**-кўнгиллилик ёки ёшлар туризми дейлади ва бир йилгача ёки кўпроқ муддатга кўнгилли тарзда ишлаш мақсадида, таълим муассасалари: мактаб, коллеж ва университетларга ишлаш ва тажриба орттириш мақсадида сафар қилиш ва мактаб, коллеж ва университетни тугаллаганидан сўнг саёҳатга чиқиш тушунилади.





Халқаро ва ички туризм-нафақат туризмнинг, балки бизнес туризмнинг ҳам шакллари бўлиб, мамлакатимизда миллий туризм салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий тармоқлари ҳисобланади ҳамда бизнес имкониятларини янада такомиллаштирувчи омил саналади. Халқаро туризм қуйидагиларни ўз ичига олади: кириш туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳати; чиқиш туризми — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг бошқа мамлакатга саёҳати.

Ички туризм Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳатини ўз ичига олади. Туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усуллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларига бўлиниши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 2013 йил 17 апрелдаги «2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари. 5. David Weaver, Laura Lawton "Tourism Management" 5th Edition. SBN: 978-1-118-64481-2014.
2. Kotler P., Bowen J. & Makens J. "Marketing For Hospitality & Tourism" Pearson International Edition. 2014, USA.
3. Sondra J. Dahmer, Kurt W. Kahl "Restaurant Service Basics Wiley" 2 edition 2009, New York, United States.
4. David Weaver "Sustainable tourism: Theory and Practice" 3rd edition, Sydney Pearson Education 2006, Australia
5. John R. Walker "Introduction to Hospitality Publisher: Prentice Hall"; 6 edition 2012, Australia..
6. By Hans Mol Series edited by Terry Phillips "English for Tourism and Hospitality in Higher Education Studies", Course Book with audio CDs" Patricia Paskins, 2010.
7. Cartrin E. Morris, Flash on English for tourism, second edition, 1996.

*Gavharoy Isroiljon kizi. The definition of business tourism and national cultural activities in management. The author conducts a sociocultural analysis of tourism management in Uzbekistan based on the existing tourism management of European tourism management. In the following pages of article devoted to the strategic and structural development of tourism and its opportunities in the country. Here main notions about tourism and touristic relationships are given.*

*Гавҳарой Исроилжон қизи. Определение делового туризма и национальной культурной деятельности в управлении. Автор проводит социокультурный анализ туристического менеджмента в Узбекистане на основе существующего туристического менеджмента европейского туристического менеджмента. Следующие страницы статьи посвящены стратегическому и структурному развитию туризма и его возможностям в стране. Здесь учитываются главные понятия о туризме и туристических отношениях.*



## TASHXIS VA UNING ZAMIRIDA YUZAGA KELADIGAN BADIY TIMSOLLAR TURKUMI

*Kayumov Nodir Nayimovich,  
SamDU tayanch doktoranti*

*Tayanch soʻzlar: tashxis, jonlantirish, badiiy sanʼat, timsol, tabiat, gʻazal, fors, mahorat.*

Tashxis va jonlantirish sanʼati badiiy soʻz sanʼati namunalarining maʼnaviy sanʼatlar turkumiga kiradi. Tashxis va jonlantirish sanʼati badiiy asarning yanada qiziqarli, jozibali va voqelikni yaqqol koʻrsatishda xizmat qiladi. Tashxis adabiyotda jonlantirish maʼnosida, jonsiz va tabiat hodisalariga jon ato etib, turli xildagi hasharot va parrandalarni inson tilida gapirtirishdir. Shoir tashxis sanʼati bilan jonsiz va mavhum narsalarga jon bagʻishlab, ularni odam koʻrinishida namoyon etadi [1:103,].

Tashxis va jonlantirish sanʼatining oʻziga xosligi shundaki, bu sanʼat namunalarida jonsiz narsalar inson qarshisida odam shaklida gavdalaniriladi. Har bir oʻquvchi nazarida tasvirga bunaqa yondashish judayam qiziqarli va maroqli boʻlib, u jonlanib inson shaklida namoyon boʻlgan jonsiz narsalardan zavqlanadi va buning asl mohiyatini tushunishga harakat qiladi. Buning natijasida, ijodkor tasvirlayotgan jonsiz narsa insonga oʻxshab harakatlanadi, gapiradi va hokazo. Masalan, Hofiz Sheroziyning mashhur gʻazalidan olingan quyidagi baytda tabiat, lola va nargis guli koʻzga tashlanib, unda lola guli sogʻar, yaʼni qadah tutqazuvchi shaxs misolida va nargis guli mast inson shaklida namoyon boʻladi:

*Lola sogʻargiru nargis mastu bar mo nomi fisq,*

*Dovari doram base, yo rab, kiro dovar kunam?* [5:67,].

Bu baytda shoirning lirik qahramoni shaxsiyati gʻamga choʻkkan, dunyo ishlaridan hayratda qolgan inson sifatida namoyon boʻladi. Yaʼni u dunyo ishlarining adolatsizligidan, yaxshi insonlarning tuhmat va boʻhtonlarga duchor boʻlishi, adolat mezoni buzilganini nihoyatda yuksak did bilan bayon etadi. Baytda lola qadah

tutqazadi, nargis boʻlsa qadah olib may ichib, sarxush boʻladi. Mazkur baytda keltirilgan badiiy obrazlar oʻquvchi qalbiga tabiatda inson harakatlarini bajarishga qodir boʻlmagan narsalarni insondek harakat qildirib zavq va shavq beradi.

Fors-tojik shoirlari tashxis va jonlantirish sanʼatidan koʻproq sheʼrlarining mazmunli, dilga yaqin va notakror boʻlishi uchun foydalanishgan. Sharq mumtoz adabiyotida juda koʻp jonlantirilgan va maʼmul boʻlgan obrazlardan biri bu «gul» obrazidir. Gul obrazi koʻpincha insonga xos fazilatlarini qabul qilib, tarovati, goʻzalligi va lozarligidan maqtanadi, kiborlik va gʻurur sifatlarini oʻzida namoyish etadi.

Masalan, mashhur fors-tojik mumtoz shoiri Umar Xayyomning bir ruboyisida gul oʻzini maqtab, quyidagi sifatlarni bayon etadi:

*Gul guft, ki man Yusufi Misri chamanam,*

*Yoquti garonmoyai pur dar dahanam.*

*Guftam: Chu tu Yusufi, nishone binmoy,*

*Gufto ki: Ba xun gʻarq nigar pirahanam*

[3:72,].

Bu ruboiyda gul shoir bilan munozara qilib, oʻzining mashhur sifatlarini tavsiflaydi. Ruboiyning birinchi misrasida tashxis va tashbih sanʼatlari bir radifda kelgan va gul oʻzini Yusuf alayhissalomga oʻxshatib, goʻzalligidan gʻururlanadi. Ikkinchi misrada gul goʻzalligini qimatbaho yoqutga oʻxshatadi. Uchinchi misrada shoir gulga savol berib, agar Yusufga oʻxshasang, unda oʻxshash jihatingni koʻrsat deb izoh talab qiladi. Gul insonlarga xos soʻzlash sifatini oʻziga qabul qilib, oʻzining rangiga ishora etadi va taʼkidlaydiki, uning tanasini berkitgan kiyimi Yusufning birodarlari tomonidan otasi Yaqubga koʻrsatgan qon bilan boʻyalgan qizil libosdan namunadir. Toʻrtinchi misrada shoir tashxis va talmih



badiiy san'atlarini birgalikda keltirib, ruboiy mazmunini boyitgan. Aytib o'tish joyizki, mazkur ruboiyda tashxis san'ati badiiy ifodalashning asosiy mezoni sifatida xizmat qilib, tashbih va talmih san'atlari bu san'at turining yaxshiroq ifoda etilishiga ma'lum darajada xizmat qilgan.

Tashxis va jonlantirish san'atining o'ziga xos xususiyatlaridan biri bu inson qo'li bilan yaratilgan jonsiz moddiy jism va buyumlarni jonlantirishdan iboratdir. Mumtoz adabiyotda mavjud bunday badiiy obrazlar qatoriga qadah, shamshir, qalam va boshqa jonsiz narsalarni misol tariqasida keltirishimiz mumkin. She'riyatda ba'zan bu jonsiz jismlar jonlanib, insonlarga xos xarakter va xususiyatlarga ega bo'ladilar. Asadiy To'siyning quyidagi ruboiysini bunga misol tariqasida keltirishimiz mumkin:

*So'roxi ba go'shi qadah burda sar,*

*Bad-o' rozi sarbasta gufti magar.*

*Nadonam, chi gufti, chi ando'xti,*

*Ki guftiyu az dida xun rexti* [1:103,].

Mazkur ruboiyda ko'zachaning og'zi qadahning labiga insondek labini qo'yib, kechinmalarini bayon etadi. Ko'zacha qadahning qulog'iga o'zining dardu alamini, sirlarini aytib, yig'layotgan inson qiyofasida namoyon bo'ladi va didalaridan ko'z yoshi o'rniga qon tomchilaydi. Bu ruboiyda shoir oddiygina shishadan qadahga sharobning quyilishini yuqori mahorat bilan, ularga jon ato etib, ruboiyning badiiy mazmunini yuksaltirishda foydalanadi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, tashxis va jonlantirish san'ati orqali inson ko'ziga ko'rinadigan tabiatning umumiy jismlari, shaxs tafakkurida sayqallanib, jonlantirilgan holatda o'quvchiga havola etiladi va ular o'zlarining odamlarga xos xususiyatlari bilan namoyon bo'ladi. Tabiatning jonsiz jismlari jonlantirilgan holda, insonga xos xususiyat va xislatlarga ega tarzda namoyon bo'ladi va o'zlarining harakatlari orqali atrof muhitga ta'sir o'tkazib, uning rivojiga yoki inqiroziga sabab bo'ladi.

Mumtoz adabiyotda jonlantirilib, badiiy obrazlar sifatida qo'llanilgan, ko'zga ko'rinmaydigan va faqatgina tasavvur qila oladigan mavhum narsalar aql, bilim, so'z, yaxshilik va yomonlik, yolg'on, rostgo'ylik,

muhabbat va boshqalarni misol tariqasida keltirishimiz mumkin. Shoirning kasbiy mahorati natijasida, quyida zikr etilgan mavhum jismlar jonlantirilib, insonga xos xususiyatlarni qabul qilgan holda namoyon bo'ladi. Masalan:

*Do'sh devona shudam, ishq maro didu biguft:*

*Omadam man na'ra mazan, joma madar hej mago'.*

*Guftam: Ey ishq man az chizi digar metarsam,*

*Guft: On chizi digar nest, hej mago'.*

*Man ba go'shi tu suxanhoi na on xoham guft,*

*Sar bijunbondu bale juz, ki ba sar hej mago'.*

*Guftam in ro'z sarishta ajab ast yo bashar,*

*Guft in g'ayri basharastu, hej mago'* [2:115,].

Buyuk mutasavvif shoir Mavlono Jaloliddin Balxiyning ushbu baytlarida ikki qahramon: ishq va shoirning o'zaro munosabatlari ko'zga tashlanadi. Shoir jonlantirish san'ati imkoniyatlari bilan bog'lagan holda, adabiyotning asosiy mavzularidan bo'lgan ishq obrazini jonlantirib, u bilan suhbat quradi va unga o'zining qalbidagi kechinmalarini oshkor aylab, ishqga xos xususiyatlarni ishqning o'zidan so'raydi. Bu g'azalda ishq va oshiq o'zaro savol-javob qiladilar. Oshiq ishq bilan kechgan mukolamani tashxis va jonlantirish san'ati asosida sahnalashtiradi. Insoniyatning oliy tuyg'usi muhabbat bu g'azalda insonga xos xarakterga sohib bo'lib, oshiqning oldiga keladi va unga «Men sening oldingga keldim, endi devonalikni bas qil, jomalaringni yirtib o'zingni har kuyga solma deb murojaat qiladi». Oshiq bu savollarga javoban boshqa narsadan qo'rqishini izhor etadi. Ishq yana tilga kirib, ta'kidlaydiki, «Ishqdan bo'lak boshqa narsa yo'qdir. Olam ishq asosida yaratilganini va unda faqat ishq mavjudligini», ta'kidlaydi. Mukolama yana davom ettirilib, ishq oshiqning savollariga javob beradi, javob berish jarayonida insondek bosh silkitib, oshiq so'zlarini tasdiqlaydi. Shuni aytish lozimki, tasavvufiy mazmundagi mazkur g'azalda asosiy mavzu



ishq va muhabbatning buyukligidir. Bu g'azalda tashxis san'atidan tashqari savol-javob, tazod va boshqa badiiy san'at turlari ham qo'llanilgan.

Tashxis va jonlantirish san'ati X-XI asr shoirlari ijodiyotida ham ko'p uchraydi. Mazkur davr shoirlari ijodiyotida tashxis va jonlantirish san'ati, asosan, tabiat manzaralarini tasvirlash jarayonida foydalaniladi. Farruxiy Siistoni o'zining bir qator g'azal va she'rlarida tabiat manzaralari va unda yuz beradigan hodisalarni tasvirlash jarayonida tashxis va jonlantirish san'atining badiiy imkoniyatlaridan samarali foydalangan. Shoir kuz faslining kelishini, tabiatdagi mavjudotlarni sovuq urgan va qarigan inson qiyofasida gavdalandirishni jonlantirish san'ati vositasida mohirlik bilan bayon etadi. Mazkur she'rda shoir oddiy tabiat hodisasi, fasllar almashuv jarayonini tasvirlaydi. She'rda kuz o'zining lashkarlari bilan bostirib kelib, tabiatdagi mavjudotlar va unsurlarni zir qaqshatadi, kuzning qahrli hujumidan zulol suv dag'-dag' titrab qaltiraydi va kuz tabiatda hukmronlikni qo'lga oladi:

*To xazon toxtan ovarad so'i bodi  
shamol,*

*Hamchu sarmozada bo larza gasht obi  
zulol.*

*Bod bar bog' hame arza kunad zarri  
iyor,*

*Abr bar ko'h hame to'da kunad simi  
halol.*

*Har zamon bog' ba zarrob furo'  
sho'yad ro'y,*

*Har zamon ko'h ba simob furo' sho'yad  
yol [4:97,].*

Yuqorida keltirilgan fikrlardan xulosa qilish mumkinki, tashxis va jonlantirish san'ati badiiy adabiyotning go'zal va betakror san'atlaridan hisoblanib, adabiy durdona va timsollarning yaratilishida beqiyos ahamiyatga sohibdir. Ijodkorlarning tabiat va uning betakror manzaralari haqidagi she'rlarida tashxis va jonlantirish san'atidan faol foydalanilgan. Xususan, turli yovvoyi hayvonlar, qushlar, mevalar, mavhum jismlar, tabiat manzaralarini tasvirlashda jonlantirish va tashxis san'atining o'rni kattadir. Umuman olganda, tashxis va jonlantirish san'ati dunyo xalqlari, mumtoz va yangi adabiyotning poetikasida eng ko'p murojihat etiladigan badiiy san'atlardan biridir.

### Adabiyotlar ro'yxati

1. T. Zehni. San'ati suxan. – Dushanbe: Donish,- sah 103.
2. Jaloliddin Balxi. Devoni Kabir. Jildi 2. – Dushanbe: Adib, 1993.- sah. 115.
3. Umari Xayyom. Ruboiyot. – Dushanbe: Donish, 1983.- 72.bet.
4. Sabaqi Ro'daki. –Dushanbe: –Irfon,1984. -97 bet.
5. Hofizi Sherozi. Kulliyot (murattib va muallifi sarsuxan J.Shanbezoda). – Dushanbe: Irfon, 1982.- 67.bet.
6. Hodizoda R., Shukurov M., Abdujabborov T. Farhangi istilohoti adabiyotshinosi. – Dushanbe: Irfon, soli 1966.
7. Homidiy H., Abdullaeva SH., Ibrohimova S. Adabiyotshunoslik terminlari lug'ati. – Toshkent: "O'qituvchi", 1970.
8. Huseynzoda F. Tamsil va tavsif. – Dushanbe: 1996.

**Kayumov N. *The personification and the series of artistic emblems that underlie it. The art of animation and personification has a unique place in the creation of beautiful images and artistic symbols in the masterpieces of classical literature of the East. The personification serves to make the work of art interesting, engaging, and accurately depicting reality. Personification is used in the literature in the sense of animation, animation of inanimate and natural phenomena, their manifestation in human form, the expression of various beings in human language. As a result, inanimate and abstract things come to life and acquire human qualities and attributes.***

*In particular, various wild animals, birds, fruits, abstract objects, natural landscapes are enlivened by the personification and create a beautiful and unique landscape. This article describes*



*the poetic features of the personification and animation and the series of artistic symbols that form the basis of it with concrete evidence based on the works of Persian-Tajik classical poets.*

**Каюмов Н. Цикл художественных символов, формирующихся на основе приема олицетворения-таихис.** Литературный приём «таихис» («олицетворение») занимает особое место в ряду образов художественных символов классической литературы Востока. Этот литературный приём является оживление неодушевленным предметом и природными явлениями, наделение их человеческими качествами.



## DIDACTICS OF INTERPRETATION AND TRANSLATION IN THE CONTEXT OF THE GLOBALIZATION OF THE ENGLISH LANGUAGE

*Bazarov Zokir Mekhrikulovich,*

*PhD in Philology, Associate Professor at SamSIFL*

**Key words:** *Regional variants, accent speech, normative variant, language of international communication, intercultural communication, native speakers, non-native speakers, translation studies, mediation.*

Despite the fact that the topic of globalization of the world is not new, nevertheless, aspects are revealed that have not yet been studied. Globalization affects not only the spheres of economy, politics and business, but also related areas that serve the global world. In particular, this concerns translation studies and training of translators. We are increasingly talking not about direct translation of English from a native speaker into the native language of the communication participants, but about mediated translation, in a situation where communication takes place in English between native speakers of regional variants, and English, breaking away from its native speakers, acts as an intermediary language between different languages and cultures. Here the translator acts as a mediator. According to the document "The Common European Framework of Reference for Language", the mediator performs an intermediary function between two languages and cultures [1,4].

For the first time, the globalization of the English language was spoken about in the 1980s. such scientists as: D.Davis, B.Kachru, L.Smith, E.Schneider, T.MacArthur, K.Bolton, D.Graddol, R.Mastri, D.Crystal, etc. In 1981 was published magazine "World Englishes", in 1982 - magazine "English Worldwide", in 1985 - "English Today", and in 1997 - magazine "Asian Englishes" edited by N. Honne.

The result of the work of researchers in this direction was the emergence of a new concept in linguistics - the concept of regional variants of the English language. This concept is based on the "three circles" theory of Brazh Kachru. According to his theory, the English

language spreads around the world in the form of three concentric circles. Kachru divided the countries into three circles: internal, expanded or external and expanding circles [2, 12]. The countries in the inner circle are countries where English is the first language. The English language of this circle is considered the standard variant and is the norm-forming variant. The second circle includes countries that recognized English as the second official language, and these countries, as a rule, were English colonies in the past. The extended circle includes countries that recognize the importance of the English language for international communication, but which do not have a colonial past and the English language does not have a special administrative status. In these territories, English is studied as a foreign language. The English language of the countries of the expanded and expanding circle is norm-dependent, but it is in these countries that regional variants of the English language are formed. The total number of people in the countries of the expanded and expanding circles who speak English and actively use in work and everyday life is more than in the countries of the inner circle, and based on this we see that regional variants prevail over the normative standard version of the English language [2, 12].

It follows from the above that the translator has to work mainly with the regional versions of the English language, rather than with the normative version, i.e. there is a translation from an intermediary language or a mediator language. Larry Smith put forward three conditions that ensure high-quality work of the translator and successful communication when translating from



regional variants: correct perception of the form, understanding the meaning of the word, understanding the meaning of the situation, speech intention of the speaker, pragmatism [3, 9]. And if the translator does not have the appropriate ability and skill to perceive regional variants and translate them, if he does not have any idea about the culture and language of the speaker, then he will inevitably face a number of difficulties, both psychological and professional. This problem applies to both interpretation and translation.

The global teaching community can be divided into those who recognize the problem of translating regional English variants, as well as the problem of perception and interpretation of these variants, and those who still believe that only British and, as a last resort, American variants of English are worth studying, and only on them are the skills of interpretation and translation being practiced.

But it is no longer possible to ignore the problem of translation from regional variants of the English language. According to David Graddall, 74% of world communication in English occurs between people who are not native speakers of English, for whom this language is either a second or a foreign one; 12% of communication is translation from English into other languages, 10% is translation from other languages into English, and only 4% is communication between native English speakers [4, 29]. Thus, we see that English is predominantly spoken by people for whom it is not native.

But in addition to understanding the regional variants of the English language, there is also the problem of being understood by native speakers of different cultures, languages and, as a result, variants of the English language. Here, language tolerance should be fostered in future translators. We are not talking about the fact that our students should stop improving their English and, referring to the fact that they are native speakers of the Uzbek version, they should not strive to approach the British or American version of the English language both at the level of phonetics, vocabulary, grammar, and at the pragmatic level. But our future translators must understand that, firstly, each

nation has its own mental and cultural characteristics. Not everyone strives to maintain linguistic perfectionism. For example, the Japanese government in 2002 adopted the "Japanese with English Abilities" program, which argues that at present, English does not belong only to its native speakers - it belongs to the whole world and should be used by all peoples. Based on this postulate, a reassessment of the attitude towards local variants follows. The bearers of the regional variant begin to feel pride in their variant [5, 97]. Thus, our students should accept this language policy of other states and treat it with respect and understanding. Secondly, it should be understood that even proficiency in English cannot be insured against the manifestation of one's culture through language. From time to time, even a very educated person may have a problem with grammatical phenomena that are absent in our language (for example, articles), with phonetic features, as well as with the pragmatics of the language (only if we are not talking about the level of language knowledge at the intelligence level). Thirdly, it is not fellow translators who have to work and translate from the national language into English (whose level of English is usually high), but also educated people who speak English well, but also people whose level is quite low. Here translation is hampered not only by the mediation of the regional variant, but also by the low level of literacy, in which the speaker can express his thought with great difficulty. In such cases (and in the third case, especially), even during a private conversation, and if the speaker on the regional version is a representative of the lowest-level delegation or simply serves this delegation, you should not teach, correct or somehow express your superiority, which sometimes had to be observed by translators and other participants who speak English at a decent level. The translator must not demonstrate his linguistic superiority. First of all, he must pursue the goal of successful communication. And if, in order for communication to take place, he should speak more slowly, use the simplest grammatical forms, even if it is necessary to speak



exclusively in infinitives or break language rules, this should be done.

Before moving on to our didactic model of teaching interpretation (mainly) and translation in the context of the globalization of the English language, let us briefly consider the existing leading didactic models of teaching translation.

Over the past decades, the problem of translation didactics has become more and more urgent and urgent: this is due to the growing need for professional translators, despite the fact that more and more people are fluent in English. Today there are several established and proven models of teaching translation. But these models already cease to meet the requirements of modern reality, and there is a need to revise existing models and create an optimal modern model for teaching translation, taking into account all the achievements of translation theory, linguistics, psychology, pedagogy, the theory of intercultural communication and a new direction in linguistics - contact variantology of English language.

Of course, it is impossible to ignore the contribution of I.S.Alekseeva. Her approach to teaching translation combines strategy and technique. She was the first to talk about the algorithm of translator's actions when working with text. She was the first to pose the question that the distinction between fictional and non-fictional texts, as well as thematic or functional-stylistic differentiation, do not reflect the specifics of translation at the text level. The purpose of the technique of I.S.Alekseeva - to equip the translator with the skills and abilities to work quickly and efficiently, to master a new subject of tests and a new subject area independently and in the shortest possible time, i.e. the translator must develop a translation strategy that does not depend on the type of text. She divided the tasks into three groups, which correspond to the stages of translation activity: translation analysis of the text, the translation process itself and control of her own translation.

The training of translators I.S.Alekseeva proposes to divide into three stages: preparatory, main stage and specialization [6]. The preparatory stage is not a translation

itself. At this level, there is an intensive study of a foreign language, the development of genres of oral speech, speech and psychological training, as well as some elementary translation tasks that allow you to form elementary translation skills. At the main stage, a comprehensive training of translators takes place. Here, students develop existing basic ones and form new ones, including specific skills and abilities. Specialization means mastering complex types of translation.

But all of the above theories of teaching translation are based on translation from the normative standard variant of the English language and do not consider separately the translation of regional variants, which, in our opinion, is already an unacceptable omission. The current situation obliges to emphasize the training of translation in regional versions.

Today we are witnessing an intensification of cooperation with the countries of Southeast Asia. This means that the bulk of the translation work will be done in these countries. Given the very small number of translators translating from / into oriental languages, and the fact that most of the communication takes place in English, more attention needs to be paid to regional options. It is also worth understanding that representatives of Southeast Asia (SEA) will not simplify the work of translators and make their regional version of the English language more understandable and closer to the norm.

When it comes to teaching regional varieties, leading international publishers such as MacMillan, Longman, Cambridge University Press, and Oxford University Press were among the first to respond to the need to be able to comprehend and understand regional varieties of English. In educational audio files, there are exercises that contain accents not only of the English-speaking world (American, Australian, Canadian, etc.), but also regional accents (Indian, Arabic, Slavic, Uzbek etc.).

Universities in our country have begun preparing translators for the perception of regional versions, in particular East Asian ones, by introducing special courses and including relevant material in courses on





translation theory and practice. Relevant courses are taught at SamSIFL (Samarkand), UZSWLU (Tashkent), TSUULL (Tashkent).

Having considered the main leading theories of teaching translation and having proved the need for special training in the translation of regional variants of the English language, it is advisable to move on to the teaching model itself.

It is worth emphasizing here that our model does not imply teaching the basics of translation, it is not offered to replace the existing models, but is an addition to them. But we insist that this addition should no longer remain at the level of special courses that students choose at their discretion and desire. This aspect of translation training must become a must if we want our translators to remain the best in their profession and keep up with global trends. We will give a brief explanation of those competencies that are given special attention in our didactic model.

The fundamental competence of a translator, which is formed before the start of actual translation training and, accordingly, long before translation practice, is language competence. Linguistic competence involves mastering the native and foreign languages. At the final stage of the formation of language competence, it is necessary to acquaint students with the regional variants of the English language, even regardless of whether the student will work as a translator or not in the future.

Taking into account the desire of most countries for globalization and integration, as well as the colonial past of many Asian countries, which inevitably had to learn a foreign language, we can talk about a multicultural and multilingual space in which the translator has to play the role of a mediator, be an intermediary between his native culture and the culture of the interlocutor through the third culture and language.

The next competence is the personal or professional competence of the translator. Here we fully agree with the teachers of Samarkand State Institute of Foreign Languages, who highlight the following characteristics of personal competence:

- resistance to stress and the ability to concentrate and correctly distribute attention and □ forces;

- desire and ability to analyze facts and situations;

- high ability to memorize meaning and a significant amount of operational memory;

- the ability to probabilistic forecasting in the perception and analysis of the message;

- the ability to construct the meaning of the message, correlating the contextual meaning with the situation and background knowledge;

- the ability to roll up in internal speech and develop (almost oratorical) in external speech of the semantic content of the statement;

- the ability to solve typical communication problems, maintain personal contact, while explaining and explicating the meaning of the statement;

All the skills mentioned above can and should be taught. It is especially worth noting stress resistance and the correct distribution of attention and strength. As a rule, this issue is left without attention at all, and translators have to independently and spontaneously develop in themselves, for example, stress resistance. In practice, it has to be noted that not all practicing translators succeed in this. As a result, a person is either constantly under the pressure of stress (which negatively affects his physical and psychological health), or leaves the profession of an interpreter.

And the last I would like to mention the psychological training of the translator. A.P.Chujakin writes: "Particular attention in the course of general training of interpreters was and is paid to the psychological factor - the ability to control oneself, get out of any situation with dignity, the ability to direct objective excitement to mobilize mental and physical resources and concentrate as much as possible on the analysis / synthesis of information" [7, 55].

So, taking into account all the above, we should move on to our model of training translators in the context of the globalization of the English language.

Our model of teaching translation takes into account the requirements for the core



competencies of a translator and involves two stages: theoretical and practical. During theoretical training, future translators are invited to familiarize themselves with the history of English as a global language: what were the preconditions for English to become the language of international communication, what factors are behind this, which contributed to the globalization of the English language. It is necessary to show how the regional variants of the English language appeared and continue to appear, to give a typology of regional variants of the English language and to show the differences between the regional variants from each other, for example, the African variant from the South Asian one. It is necessary to familiarize students with the phonetic, grammatical and lexical structure of languages that affect the regional variants of the English language. Show how the options differ from the normative language, where translation difficulties lie. Also, students will be introduced to the concept of linguistic tolerance, why it is important, and within the framework of this topic, students will get acquainted with the problem of the Russian version of the English language. And most importantly, what distinguishes this course from similar already existing special courses, students will be offered a technique for working with regional options, namely: how to listen, perceive and understand these options by ear, how to predict possible deviations in the absence of time and a tense atmosphere, will suggested techniques for relieving stress, stress and preserving the mental health of translators.

During the practical stage, students will train to perceive regional versions of the English language by ear, highlight and

determine deviations from the normative version of the English language, and compare the normative version with the regional one. Also, classes will be offered that simulate the real translation process (translation of conferences, round tables, business negotiations, etc.), the conditions of which will be as close as possible to the actual situation. Some classes will have extremely stressful assignments, during which students will practice to resist stress and tension and work extremely calmly, saving emotional energy. Attention will also be paid to the physical endurance of translators, which is essential for long-term translation work.

The course is designed for one semester, classroom lessons twice a week (one theoretical and one practical lesson). Classes are supposed to be intensive (the need to master a large amount of material in a short time), therefore, suggestive technologies will be used in the classroom. The intensification of classes has a second plan - training the resistance to stress of future translators.

So we can see that the problem of regional varieties of English can no longer be ignored. It is necessary to take into account the vast geography of the use of the English language in the framework of international communication. Future translators need systematic education and training to work not only with the standard version of the English language, its regional variants require careful study and due attention, since in the present and future translators will increasingly have to deal with regional variants much more often than with Standard English. Our course aims to improve the quality of translation and simplify the work of translators who sometimes feel helpless when they hear a non-native speaker speak.

#### Literature:

1. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. 260 p.
2. Kachru Braj. Institutionalized second-language varieties. In Sidney Greenbaum (ed.), *The English language today*. Oxford: Pergamon, 1985. 211 p.
3. Proshina Z.G. Integrativnaia rol' angliiskogo iazyka kak lingva franca v ATR [Integrative role of English language as lingua franca in APR]. *Rossiiskii Dal'nii Vostok i integrativnye protsessy v stranakh ATR: politiko-ekonomicheskie, sotsial'no-kul'turnye problem: Materialy VI mezhdunarodnoi nauchno-prakticheskoi konferentsii 12 dekabria 2008 g.* [Russian Far East and the



integrative process in APR countries: politico-economical, social-cultural problems: Proceedings of the VI International Scientific and Practical Conference December 12, 2008]. Vladivostok: Mor. Gos. un-t im. adm. G.I. Nevel'skogo, 2009, pp. 6–10.

4. Graddol David. English Next: Why Global English May Mean the End of 'English as a Foreign Language'. British Council, 2006. 128 p.

5. Proshina Z.G. Global'nyi angliiskii iazyk kak sredstvo oposredovannogo vyrazheniia kul'turnoi lichnosti [Global English language as the means of mediated expression of cultural individual] Iazyk, kul'tura, perevod. Materialy mezhdunarodnoi ochno-zaochnoi nauchno-prakticheskoi konferentsii 15-16 iyunia 2010 g. [Language, culture, translation. Materials of international on-site and off-site research-to-practice conference. June 15-16, 2010]. Magadan: SVGU, 2010, pp. 93–99.

6. Latyshev L.K. Perevod: teoriia, praktika i metodika prepodavaniia: uchebnoe posobie [Translation: theory, practice and teaching methods: teaching aid]. Moscow: Akademiia, 2003. 192 p.

7. Chuzhakin A.P. Mir perevoda-7. Prikladnaia teoriia ustnogo perevoda i perevodcheskoi skoropisi: kurs leksii [Translation world. Applied theory of interpretation and interpreter's shorthand writing: lecture course]. Moscow: R. Valent, 2003, pp. 232.

*Базаров З. Дидактика интерпретации и перевода в контексте глобализации английского языка. Статья посвящена актуальной проблеме обучения письменному и устному переводу в условиях глобализации английского языка. Автор раскрывает проблему перевода устного и письменного английского языка, произведенного в региональных версиях английского языка. В статье представлена модель обучения переводу с учетом требований к базовым компетенциям переводчика в современных условиях глобализации английского языка, где английский является языком межнационального общения.*

*Bozorov Z. Ingliz tilining globallashuvi sharoitida talqin va tarjimaning didaktikasi. Maqola ingliz tilining globallashuvi sharoitida tarjima va talqinni o'rgatishning dolzarb muammolariga bag'ishlangan. Muallif ingliz tilining mintaqaviy turlarida ishlab chiqarilgan og'zaki va yozma ingliz tilini tarjima qilish muammosini ochib beradi. Maqolada ingliz tili xalqaro muloqot tili bo'lgan globallashuvning zamonaviy sharoitida tarjimonning asosiy kompetentsiyalariga qo'yiladigan talablar hisobga olingan holda tarjimani o'qitish modeli keltirilgan.*

## **“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI**

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

### **Oo‘lyozmaning nomi:**

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so‘zdan oshmasligi kerak.

### **Mualliflar:**

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to‘liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so‘zi bilan ajratilishi kerak.

### **Muallif (lar) ning ish joyi:**

Ushbu ma‘lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o‘zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo‘lsa), elektron pochta manzilini keltirib o‘tishi kerak.

### **Annotatsiya va kalit so‘zlar:**

Agar maqola o‘zbek tilida yozilgan bo‘lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo‘lsa, annotatsiya o‘zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o‘zbek tillarida qisqa va aniq bo‘lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so‘z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko‘rsatilishi kerak.

### **Maqolaning mazmuni**

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

### **Adabiyotlar ro‘yxati:**

Adabiyotlar ro‘yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Sistema standartov po informatsii, biblioteknomu i izdatelskomu delu).

*Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar* kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo‘ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko‘rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro‘yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

### **Adabiyotlar ro‘yxatini rasmiylashtirish bo‘yicha namunalar:**

#### *Monografiya*

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.

Roget P.M. Roget’s Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

#### *Jurnaldan maqolalar*

Tregubov, A.N. O vozmozhnostyax ispolz ya metoda binarnogo semanticheskogo analiza leksiki //Vestnik VEGU. - 2009. - №3(41). - S. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37–55.

#### *To‘plamlardan maqolalar*

Madjaeva S.I. Termin kak kognitivnaya edinitsa nauchnogo teksta / Термины в коммуникативном пространстве. Astraxan: Izd. Astraxanskogo gos. med. univ., 2017. S. 237–240.

*Dissertatsiya*

Gureeva E.I. Sportivnaya terminologiya v lingvokognitivnom aspekte: dis. ... kand. filol. nauk. Chelyabinsk, 2007. 175 s.

*Internet-manbalar:*

Kipling R. The Ballad of East and West [Elektronnyy resurs] // Kipling Society: [sayt]. URL: [http://www.kiplingsociety.co.uk/poems\\_eastwest.htm](http://www.kiplingsociety.co.uk/poems_eastwest.htm) (data obraшeniya: 24.01.2017).

**Jadval va rasmlar**

Maqolada jadval, formula, rasm va grafiklar bayon qilinadigan jarayonni matn shaklida berish imkoniyati bo‘lmagan holda berilishi maqsadga muvofiq. Barcha obyektlar oq-qora shaklda rangsiz bo‘lishi kerak. Barcha formulalar Microsoft Equation komponentidan foydalangan holda yoki aniq rasmlar shaklida rasmiylashtirilishi kerak.

**Oisqartmalar va belgilar**

Faqat standart qisqartmalardan foydalaning. Maqolaning sarlavhasida va annotatsiyalarida qisqartmalardan foydalanmang. Qisqartma matnda birinchi marta ishlatilishdan oldin (standart o‘lchov birligidan tashqari) bo‘lishi kerak.

# XORJIY FILOLOGIYA

*til • adabiyot • ta'lim*

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

# FOREIGN PHILOLOGY

*language • literature • education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

---

Muharrir	–	S. Karimova
Texnik muharrir	–	Yo. Qarshiboyev
Sahifalovchilar	–	Z.Usmanova, Sh.Abduraximov

Samarqand davlat chet tillar instituti nashr-matbaa markazi:

Samarqand sh., Bo'stonsaroy ko'chasi, 93.

Bosishga ruxsat etilgan 04.10.2021.

Adadi 200 nusxa. Qog'oz bichimi A4.

Buyurtma №169. Times garniturası.

